

Дорисиз даволаш

ПОЛЬ БРЭГГ

АСАБ КУЧИ

Таржимон:
Мирафзал Мирфайзиев

«MERIYUS»
Тошкент – 2013

УДК: 636.2 (575.1)

ББК: 56.12 - Нерво пото же

Брэгт Поль

Асаб кучи / П. Брэгт; таржимон: М. Мирфайзиев; масъул мұхаррір М. АБДУЛЛАЕВА - Тошкент: Meriyus, 2013 йил, 160 бет. - (Дорисиз даволаш):

ISBN 978-9943-395-88-6

УДК: 636.2 (575.1)

ББК: 56.12

Асаб кучи нималарга қодир эканини ушбу китоб таржимаси жараёнида яхшилаб тушунив олдим. Бу күч ҳақида мукаммал тушунча берувчи бошқа бирор китобни топа олмадим. Асабларимиз, Поль Брэгт тәъкидлаганидек, кучли ва соғлом бўлса, нафақат жисмоний ва руҳий саломатлигимиз жойида, балки муаммоларимиз ҳал бўлиб, баҳтли яшар эканмиз.

Азизлар, сизга ушбу китобни тавсия қиласмиш. У сизга қам фойдали қўлланма бўлиб хизмат қиласди, деган умиддамиш.

Масъул мұхаррір:
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА

Ушбу китобдаги барча тавсиялар даволовчи шифокор билан келишилган ҳолда бажарилишини тавсия этамиш.

ISBN 978-9943-395-88-6

Alisher Navoiy

bcmidagi

O'zbekiston MK

2013/91
A 6746

© "Meriyus" нашриёти, 2013.

И. Нуруллоҳ, 2013.

АСАБ КУЧИНИ ТИКЛАШ

Мен бу китобни ёзишда мен адабиёт соҳасида мумтоз асар яратишни ният қилмаганман. Аксинча, атайлаб ихчамлаштирилган иборалардан фойдаланишга ҳаракат қилдим. Токи, мен келтираётган далиллар сизнинг онгингизда чуқур из қолдирсин.

Биз асаблар ўта кучланган асрда яшаяпмизки, бунда ҳаётимиз асослари аста-секин, тұхтовсиз емирилиб бормоқда. Агарда биз бунинг олдини олиш учун ҳозирданоқ ҳаракат қиласақ, бир неча авлоддан сүнг асабларнинг тұла емирилишига рўбарў келамиз. Мен "биз" деганимда, авваламбор, америкаликларни назарда тутмоқдаман. Асаблари бузилишидан азобланаётганлар, дунёда күплаб учрашига қарамасдан, ҳеч қаерда америкалик эркак ва аёллар каби азобланаёттанлари бўлмаса керак.

Менинг асаблар масаласига эътиборим, бу мавзуга чексиз вақт ва кучимни сафарбар қилишим сабаби соғлом бўлиш маданиятининг назария ва тажрибаларига қарашларимнинг ўсишида, деб биламан. Асабларим ўта сезгир бўлиб туғилганлигим боис мен буни чуқур ўрганишга аҳд қилдим.

18 ёшимда сил касаллиги билан оғридим, сүнгра соғайдим. Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиб, кучли бўлишга аҳд қилдим. Чунки кўпчилик қатори мушаклар кучини соғломлик ифодаси деб тушунардим. Лекин тезда бу тушунчанинг хатолигини англадим,

Эътиборимни илмий тарзда овқатланиш, чуқур нафас олиш ва ўз танамни мустаҳкамлашга қаратдим. Танани ҳаракатга бошловчи энг буюк куч - асаблар эканини тушуниб етдим.

Инсон организмининг энг заиф ва ўта сезгири жойи ҳам асаб, шунинг учун айнан шу жойда ҳаёт кучларини тўплашимиз зарур. Бу фақат назария эмас, менинг машғулотларимга қатнашаётган ўқувчилардан ташқари мен ҳар иили соғлом 1000 та талабанинг овқатланиш гигиенаси ва шахсий дастурларини назорат қилиб бораман. Менинг тажрибам кенгаймоқда, қарашларим тўғрилигига ишончим ортиб бормоқда. Мен тўла ишонч билан айтаманки, бу китобда келтирилган далилларга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Асаб кучининг сирлари

Асаблар кучи ҳаётимиз булоғи ҳисобланади. Ҳаёт асаблар орқали содир бўлади, буни ҳеч қачон унутманг. Сизда асаб кучи бўлсагина, сиз соғломсиз, иштиёқ билан мақсад сари интиласиз, натижасида баҳтга етишасиз.

Сиз барча қийинчиликларни енга оласиз ва тақдир зарбаларини қабул қилишга тайёрсиз, чунки сизнинг асабларингиз кучи уларни енга олишига ишонасиз.

Сиз асаб кучи тўла одамни енга олмайсиз. У ҳаёт зарбаларини сабот билан енгиб, ўз мақсади сари қайта-қайта интилаверади, натижада ғолиб бўлади. Одамларнинг 5% и бутун инсониятни бошқаради - бунда ҳам асосий омил асаблар кучи ҳисобланади.

Сизнинг соғлигингиз, кучингиз, ҳаётга интилувчанлигингиз, сабр-тоқатингиз асаб кучи билан ўлчанади. Бу сизга шундай захира кучларини тақдим этадики, натижада ҳаёtingиз ютуқларга бой, ранго-ранг ва тўлақонли бўлади. Дунёда ҳаёт чўққиларига чиқиш учун ақли ва қобилияти етарли инсонлар кўп, лекин уларда инсонни мақсад сари етакловчи асаб кучи йўқ. Аёл кишининг жозибадорлиги, мафтункорлиги, нур сочиб туриши ҳам тўғридан-тўғри асаб кучига боғлиқ.

Асаб кучи ва соғлигингиз ўзаро боғлиқ, сизнинг танангиз - мураккаб машина. Асаб кучи уни ҳаракатга келтиради, лекин бу куч қуввати организм ҳаётий аъзоларининг ўзаро мутаносиб ишлашига боғлиқ. У ўпка ва юракдан қон томирлар тизими орқали ҳар бир ҳужайрага етиб боради ва бутун танани озиқлантиради.

Агар қайсиdir аъзо ёмон ишласа, асаб кучини пайдо қиласидиган муайян элемент қонда етишмаслиги мумкин. Ошқозонингиз овқатни яхши ҳазм қила олиши шарт. Ичаклар, ўпка, буйраклар ва тери мутаносиб ишлаши учун улкан асаб кучига эга бўлиши керак. Қора талоқ, жигар ва бошқа қон ишлаб чиқарувчи аъзолар ҳам яхши ишлаши зарур.

Агар сиз эрталаб уйқудан турганда ҳолсизлик ва чарчоқ сезсангиз, вақт ўтиши сиз учун оғир кечса, келажакка ишончсизлик билан қараб, ўзингизни баҳтсиз сезсангиз - демак, сизнинг асаб тизимингизга нимадир бўлган. Сизнинг асаб кучингиз кўпайиш ўрнига камаймоқда.

Фақат биргина йўл бор - у ҳам бўлса, асаб тизими ва кучини қайта қуриш. Инсон танаси ўзини ўзи

даволовчи организм ҳисобланади. Бахтта қарши, ҳозирги вақтда күпчилик, айниңса, америкаликлар асаб кучини бесамар сарфлаб, турли допинглар (сунъий күч берадиган кимёвий дори) ёрдамида асаб кучини зўриқтирумокдалар, бу эса фақат организмни жароҳатлашга олиб келади.

**"Асаблар" – нозик ва хатарли,
америкаликлар ҳаёт-мамотини емирувчи
ҳолат**

"Асаблар" - бу сўзни биз ҳамма жойда зшитамиз. Шифокор ўз bemoriga бу сизнинг асабларингиз бузилганидан, дейди.

Сезгир аёллар ўз асабларидан нолийдилар, ҳар куни ишхонангизда асаблари таранглашган инсонларни учратасиз. Ота-оналар фарзандларининг асаблари бузилганини рўкач қилиб, уларни жазолашдан воз кечадилар.

Америкалик ўспирин - энг асабийлашган инсон. Ўспириналар асаб тизимлари шунчалик бузилганки, қаттиқ овозли мусиқа билан ўзларини жонлантирумокчи бўладилар. Баъзилар ўзлари билан магнитофон олиб юрадилар. Улар шунчалик ҳаяжонланганки, телефонда гаплашаётуб, ўзларини бошқара олмайдилар.

Сиз асабларни барча жойда - кўчада, ишда, театрда, мактабда, коллежда, институтда, ўз оиласидан учратасиз. Телевизор ярим кечагача тўхтамай ишлайди. Томошибинлар таранглашган, асабини мувозанатга келтираман, деб, аксинча қотиллик, қон тўкиш, азоблаш, ўққа тутиш каби кўрсатувларни томоша қиласди.

Ҳаддан ташқари күч ишлатиш, бузук эркак ва

аёлларнинг беҳаё хатти-ҳаракатлари телевизор экранларида маданий дастурлар ўрнини эгаллаб олди.

Америкаликлар энг асабий миллат, бу бутун дунёга маълум, буни мутахассисларимиз ҳам қайд этишмоқда. Бу ҳаётимизнинг тезлашганидан келиб чиқади (дақиқасига 1 миля). Бу бизни ер юзида энг илғор миллат қиласи, шу билан бирга, инсонлар саломатлигини емиради. Касалхоналаримиз асаби бузук bemорлар билан тўлиб-тошган.

Софликни саклаш бўйича етук мутахассисларнинг таъкидлашича, агар асаб бузилиш касалликлари шу зайлда ўсиб бораверса, 100 йилдан камроқ муддатда асаб тизими тўғрисида қайғурадиган ҳеч ким қолмайди, чунки ҳар бир киши асаб тизими жабрдийдалари қаторидан ўрин олади. Бу қўрқув ва хавотирга соладиган келажак. Шундай эмасми? Софликни саклаш бўйича тадқиқотлар буни тасдиқламоқда. Хозир психологлар, психиатрлар етишмаётгани ҳаммага маълум. Биз ачинарли аҳволдамиз. Миллионлаб одамларнинг асаб кучи нормадан паст, бу эса уларнинг турли хасталиклардан бир умр азоб чекишига сабаб бўлмоқда. Инсонлар асаб кучи пастлашса, ҳаёт зарбаларига бардош бериш учун аввал кучсизроқ, яъни тамаки, чой, кофе, кока-кола каби зўриқтирувчиларни истеъмол қила бошлайдилар, сўнгра эса кучлироғи, яъни алкоголь, кейин эса наркотикларга ўтадилар. Уларнинг кўпчилиги наркотик қабул қилмай туролмайдиганларга айланади. Кўпчилик инсонлар ўзларини нормал ҳисоблашади, аммо тетиклаштирувчи таблетка

қабул қилмасдан кунлари ўтмайди. Кечаси уларнинг асаблари шунчалик тарапглашадики, уйқу келтирадиган таблетка қабул қилмагунларича ухлай олмайдилар. Телевизорда уйқу келтирадиган ва тинчлантирувчи воситалар рекламасига назар солсангиз, кифоя.

Ҳозирги замонда кучли наркотиклардан фойдаланиш

Кундалик газета ва журналларимиз наркотик қабул қилувчи ёш йигит-қизларга бағишлиган хабарлар билан тўлиб-тошган. Соғликни сақлаш мутахассислари фикрича, наркотиклар инсон мияси ва танасини тубдан емиради. Шунга қарамай, минглаб ёшлар муңтазам наркотик қабул қилишади. Марихуанадан ясалган минглаб сигаретлар Америка талабаларига сотилади. Ҳатто баъзи ёшлар гурухи бу кучли наркотикни очиқдан-очиқ тарқатишмоқда. Асабларини бироз бўлса ҳам, жунбушга келтирадиган барча нарса, ҳатто бензин ёки эфир ҳидлаб кайф қилсалар, бўлгани.

Ҳаммамиз алкоголнинг кучли наркотик таъсирини яхши биламиш. Талабалар бунинг барча формаларидан фойдаланадилар.

Ҳозирги кунда ўн беш миллион сурункали алкогoller мавжуд, ҳар йили улар қаторига яна мингтаси қўшилмоқда.

"Асаб" сўзи қандай маънони англатади

"Асаб" сўзи асабларнинг ўта ҳолсизланиши ёки асаб кучининг етишмаслигини англатади. "Асаб кучи нима?" деган савол "Электр қуввати нима?" деган саволга ўхшаш. Асаб кучини сезиб бўлмайди.

Биламизки, бу асосий ҳаёт кучи, сирли қувват асаб тизимидан ҳосил бўлади, ҳар бир аъзога ҳаёт ва қувват багишлайди. Муайян аъзони ҳаракатлантирувчи асабни кесиб қўйинг, шу аъзо ҳаракатдан тўхтайди.

Асаб тизими миллионлаб ҳужайралардан иборат бўлиб, улар асаб кучини захирага йигади. Барча йигилган асаб кучи асаб бойлигимиз ёки асаб капиталимиз хисобланади. Ҳар бир аъзо узлуксиз ишлайди ва ҳужайралардаги асаб кучини бир маромда ушлаб турари, шунинг учун ҳаёт озуқаланиш ёки нафас олишдан кўра асаб кучига боғлиқ бўлади. Асаб кучининг фаолиятисиз биз на нафас оламиз, на озуқлана оламиз.

Асаб кучи йигиладиган «идишлар»ни қандай бўшатамиз

Агар асабларни озиқлантирмасак, кислород, уйқу бермасак, бунинг ўрнига зўриқсак, меъёрдан кўп ишласак, тинимсиз ҳаяжонлансак, разаблансанак, хавотир бўлсанак, ҳасад қилсанак, кўролмасак, ҳасис бўлсанак, ғам чексак ёки мушакларимизни ҳаддан ташқари чарчатсанак, хуллас, аъзоларимиз ишлаб чиқараётганга нисбатан асаб кучини кўпроқ сарфласак, оқибатда асаб кучи етишмовчилиги келиб чиқади. Лекин бундан ҳам қўрқинчлироқ бетоблик бор, у ҳам бўлса - ақлдан озиш.

Асаб кучи камайиб кетиши, етишмаслиги касалига дучор бўлганларгина қандай оғир оқибатларга олиб келишини биладилар, ҳаётингизни қора булатлар қоплаб, айтиб бўлмас даражада ғам-ғусса, баҳтсизлик олиб келишини яхши англаидилар.

Ҳолсиз асаб кучининг қўрқинчли (хавотири) сигналлари

Қачонки асаб кучи камайса, унинг борлиги ҳақида бехабар бўлиб, бир умр қўрқувда яшаш мумкин. Фақат тўла текширувгина бунинг умумий душман, бизга яқинлигини очиб бериши мумкин. Шундай текширув бошлаганингизда характерингизни чуқур ўрганинг! Бу ҳолсизланган асаб кучингиз кўриги бўлиб, саломатлик сари қўйган биринчи қадамингиз бўлади. Қуйида заифлашган асаб кучининг хавотири сигналларини санаб ўтаман:

1. Лоқайдлик. Сиз ҳаёт зарбаларини ҳеч қандай қаршилик кўрсатмасдан қабул қиласизми? Асаб кучи заифлашганда ғайрат ва шижаот йўқолиб, ўрнини ялқовлик эгаллайди. Камбағаллик, ҳаёт даражасининг пасайишига кўникаверасиз, ҳолбуки бунга қаршилик кўрсатиб, енгиб чиқишингиз мумкин эди. Ташаббус, ғайрат, шижаот, ўз-ўзингизни идора қилиш каби хусусиятлар етарли эмас.

2. Қатъиятсизлик. қарор қабул қила олмаслик. Ўз истак-хоҳишларингиз бошқалар томонидан сиз учун бажарилишига йўл қўя оласизми? Асаб кучи заифлашганлар бошқаларга осон бўйсунади. Бошқалар унинг фикр-хаёлини шунчалик банд қиласиди, у ҳақиқий роботта айланиб қолади.

3. Иккиланиш. Сиз ич-ичингизда ўз қобилиятингиздан иккиланасизми? Кимдир сизга ёрдам бермоқчи бўлса, унинг бу нияти чин эканлигидан иккиланасиз. Асаб кучи заифлашганлар омадсизликларини турли

баҳоналар билан оқлашга одатланадилар. Соғлом ва омадли кишиларга ҳасад билан қарайсиз.

4. **Хавотирланиш.** Сизда сурункали хавотирланиш борми? Бу - асаб кучи заифлашганининг асосий хусусияти, хавотирдаги одам ер юзидағи эң ачинарли одам бўлиб, доимо қўрқувда яшайди. Хавотирланиш ҳаёт кучларини қирқади, муддатидан олдин қаритади. Хавотирланадиган одамнинг гапи: "Менинг ташвишларим сизда бўлса, сиз ҳам хавотирланардингиз".

Бу нотўғри. Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша ташвишлари бор, улар ҳам турли ҳаёт зарбаларига дуч келадилар, лекин асаб кучи бақувват кишилар бундай зарбаларни хотиржамлик билан кутиб олади ва унинг ечимини топа олади.

Асаб кучи заифлашганлар муаммони ўзларича ҳал қилиш йўлини топа олмайдилар, ўзгалар ёрдамига муҳтоҷ бўладилар. Хавотирланиш соғлигингизни емиради, эрта қаритади.

5. **Ўта эҳтиёткорлик.** Сиз фоя ва режаларингизни рўёбга чиқариш учун вақт келишини кутмоқдасиз. Лекин бу кутиш доимий одатта айланиб қолмадими? Бажармоқчи бўлган ишингизнинг камчилигига бир кўз ташлаш, муаммони ҳал қилиш учун фикрни жамлаш ўрнига ютқазиб қўйиш ҳақида хавотирланиш

Бундай ўта эҳтиёткорлик, ишончсизлик ошқозонда овқат ҳазм бўлмаслигига, ич қотишига, нотўғри нафас олишга, безовталанишга, хотиржамлик ва ўзига ишончни йўқотишига, кайфиятнинг бузилишига олиб келади.

Асаб бузилиши ва емирилишига қарши мўъжизавий дори-дармон йўқ

Тушунинг менда асаб касалликлариға қарши мўъжизавий дорилар йўқ. Мен дори ёзиб бермайман ва ташхис қўймайман, касалларни даволамайман. Мен ўқитувчиман, одамларга табиий ҳаёт дастури бўйича маслаҳатлар бераман. Танани яхши сақлашни ўргатаман. Бу дастур кундалик одатларни ўзгартириш, овқатланиш, уйқу, нафас олиш, чўмилишни тартибга солишини назорат қиласи. Озиқ-овқат истеъмол қилишдан ўзини тийиш, релаксация масаласи, маҳсус ҳолатда туриш, ён-атрофни томоша қилиш масалалари ҳам дастурдан ўрин олган.

Сурункали чарчоқдан бақувват асаб кучини тузишга ўтаётган инсон ўз ақли ва танаси устидан тўла назоратга эга бўлиши лозим.

Табиат талабига биноан яшанг

Бу китобнинг асосий маслаҳатларидан бири - инсонларни аста-секинлик билан табиий ҳаёт тарзига қайтариш. Фикрда, овқатланишда, кундалик одатларда табиатга яқин бўлиш, унга сингиб кетишга ҳаракат қилинг.

Табиий яшашга ҳаракат қилинг. Табиат нимани талаб қилаётганини билинг, гуллаб-яшнаётган боғ-роғлар, гулзорларда кўпроқ бўлинг. Она табиатга сингиб кетинг, унинг бир бўлагига айланинг. Табиат манзарапаридан баҳраманд бўлаётганингизда "Мен Аллоҳ бандаси ва табиатнинг бир бўлагиман!" деб қайта-қайта такрорлашдан чарчаманг.

Табиий ҳаётда сиз табиат билан яккама-якка қоласиз. Мия, тана ва бутун вужудингиз билан табиатнинг бир қисмига айланасиз. Шунда сиз буюк асаб кучига эришасиз. Ҳаётда мақсадга интилиб яшасак, унга эришсак, бу - баҳтимиз! Ёш болалар каби оддий нарсадан завқланишга одат қилинг. Лекин биз ҳаётимизни мураккаблаштирамиз, бунинг устига асаб кучини емирамиз. Соғлигингизни тиклаб, хотиржам ва завқ билан яшашни ўрганинг.

Соғлом ақл билан, ён-атрофимиздагиларга фойдамиз тегиб, омад ва мұваффақиятларимизни яқынларимиз-у қадрдонларимиз билан баҳам күриб яшасак, шунчалик соғлом бўламиз, бу фаолиятимиз узоқ вақт давом этади. Энг яхши ибодат - ўзгаларни тушуниш ва уларга яхшилик қилиш.

Яхши асаб кучига эга бўлиш учун табиатнинг буюк қонунларини ўрганиб, улар асосида яшашимиз зарур. Бу китобнинг мақсади ҳам шу қонунлар асосида яшашни ўргатиб, эвазига соғлик ва баҳт-саодатга эришишдир. Жаннат - сизнинг қалбингизда, уни ҳозироқ, тезда қуришни бошланг.

Табиат қонунларига риоя қилиб, ўзингизни унга топширинг, имкониятларингизни аниқроқ билинг ва уни авайланг, шунда сиз мисли кўрилмаган асаб кучига эга бўласиз, натижада баҳт-саодатга эришасиз. Маълумки, инсон танаси ўзини ўзи тикладиган ва ўзини ўзи даволайдиган механизм. Унга имконият беринг ва унинг тикланган кучлари сизни бутунлай янги инсон қиласди.

Соғлом, узоқ ва баҳтли ҳаёт кечириш маданияти

Соғлом, узоқ ва баҳтли ҳаёт кечиришнинг асосий йўли - табиат билан уйғунлиқда, иймонли ҳаёт кечирмоқ. Ҳар бир қуниңгизни ғанимат билинг, ҳар қуниңгизни яхшиликлар билан тўлдиринг. Нимани эксангиз, шуни ўрасиз. Бугун яхши яшанг, эртангиз ундан ҳам яхши бўлади.

Бугун қандай бўлсангиз, эртага ҳам шундай бўлинг ёки бундан ҳам яхшироқ бўлишга ҳаракат қилинг.

Лекин сиз ўзингиз ҳақингизда ҳамма нарсани билишингиз шарт. Сизни қўриқлаб турган куч оқсаши билан душман сизга ташланади, энг нозик жойингизни яралайди.

Тўғри, ҳеч нарса қилмасдан ҳам узоқ, соғлом ва баҳтли ҳаёт кечиришнинг мумкин. Лекин яна бироз куч ва ғайратингизни аямасангиз, унданда соғлом, баҳтли ва узоқроқ яшайсиз. Узоқ, ва баҳтли кун кечирмоқ - бу маданият. Ўз умрини узайтириш ва баҳтли бўлишга ўзини маҳсус тайёрлайдиган инсонлар учун улкан имкониятлар мавжуд.

Сиз ўзингизнинг асаб кучингизни барпо этишингиз зарур

Мен юқорида айтиб ўтдим, менда асаб касалликларини даволаш учун мўъжизавий дори йўқ. Фақат ўзингиз мустаҳкам асаб кучини барпо эта оласиз. Бу ҳақда кеча-ю кундуз ўйланг. Бу жуда муҳим. Ушбу китобда мен сизга дастур

бераман. Лекин мен сизнинг ўрнингизга яшолмайман. Ҳеч ким сизнинг ўрнингизга овқатланиши, нафас олиши, машқлар бажариши, табиат манзараларини томоша қилиши мумкин эмас. Бунинг учун ўзингиз қанча кўп меҳнат қиласангиз, сизга қайтадиган натижа ҳам шунчак кўп бўлади.

Дастур фақат мустаҳкам асаб кучини барпо қилиш учунгина эмас, балки сизни танаси бақувват, маънавияти бой шахс сифатида тарбия қилиш учун ҳам хизмат қилади.

Бу сизнинг ҳаётингиз, демак, ўзингиз ҳаётингиздан ҳузурланиб яшанг.

Мен ишонаман, жаннат ҳар бир инсон қалбида. Лекин ҳаётдан ҳузурланиб яшаш учун биз бироз тер тўкиб меҳнат қилишимиз зарур. Биз бунга лойиқ бўлишимиз керак. Буни сотиб олиш мумкин эмас.

Сиз ҳаётдан ва табиий ҳаёт дастуридан сарфланган меҳнатингиз ёки қилган ҳаракатингизга ярашасинигина оласиз.

Асаб кучи - табиатнинг энг нозик қобилияти. У баҳт, соғлик, ҳаётдаги муваффақиятларни англатади. Бунинг учун асаблар тўғрисида ҳамма нарсани билиш зарур. Тараплашган асабларни бўшаштириш, тинчлантиришни билиш керак. Шунда сиз асаб кучингизни қайта тиклаб, ўзингизни жисмонан ва руҳан тетик ҳис қиласиз.

Хавотирланиш – қотил

Кўпчилик инсонлар хавотирланишдан азоб чекадилар. Ҳар куни асаб кучини оз-оздан емирадилар, лекин баҳтсизликларини ҳеч қачон

енголмайдилар. Оқибатда асаб кучи тұла емирилиб, кишини аянчли ахволга солади. Хавотирланиш муаммони ҳал қилмайди, балки янада бўрттиради.

Менинг аёл қўшнимнинг муаммолари кўп эди. Унинг боши қаттиқ оғрир, жуда азоб берар эди. Сурункали ичи қотарди, уйқусизликдан азобланарди, эри ароқхўр, ўғли ва қизи эса фақат ташвиш келтиради.

Бечора аёл хавотирланавериб, ўзини жар ёқасига олиб келди. Унинг турли ички аъзолари иш фаолияти бузилди. Натижада аёл соғлиги баттар ёмонлаши. Кузатишлар шуни кўрсатадики, Америкадек мамлакатда минглаб одамлар хавотирда яшаб, ўзларига турли муаммоларни келтириб чиқарадилар. Ўз-ўзини ўлдириш ҳодисаси борган сари кўпайиб бормоқда.

Шундай қилиб, қўшним кунлардан бирида бизникига келиб, муаммоларини ҳал қилолмагани ва ҳаётдан безганини айтди. Муаммолардан қутулиш мумкин, фақат табиат қонунларига риоя қилиш керак ва асаб кучини тиклаш зарур, деб мен унга тушунтиридим. Мен унга ҳақиқатни айтдим, даволаш учун мўъжизавий дорим йўқ. Қўлимдан келадигани - ҳаёт дастурини маслаҳат бераман, унга асосан табиат қонунларига бўйсуниб яшашни ўрганасиз.

Табиий ҳаёт дастури аёл ҳаётини сақлаб қолди

Табиий ҳаёт дастуридан келиб чиқиб, аёлга берган биринчи маслаҳатим - уч кун дистилланган сувдан ташқари ҳеч нарса емайсиз ва ичмайсиз.

Шаҳардан четта чиқиб, тоза ҳавода дам оласиз, дедим.

Шундай қилиб, аёл шаҳар четидаги кўл соҳилида, қарагайзорда уч кун очликка чидади. У заҳарлардан тозаланиб, хотиржамроқ бўлди, тинчланди ва муаммоларига бошқача қарай бошлади. Ваҳоланки, аёл уч кун ўрнига аёл 10 кун очликка чидади. Натижада организм заҳарлардан тўла тозалайди, ақли тиниқлашди, муаммоларни бирин-кетин ҳал қилишга ўтди.

Мен унга овқатланиш дастурини бердим, чой, кофе, сунъий овқатлардан воз кечиб, бир ой вегетарианча парҳез қилишни маслаҳат бердим.

Ҳар куни эрталаб ва кечки пайт 30 дақиқа табиат манзараларини завқ билан томоша қилишга мажбурладим. Бунда у ўз-ўзига "Муаммоларимни ечиш учун менда куч-қувват етарли, менинг танам очликдан сўнг тоза, фикрларим тиник", деб қайтаришни маслаҳат бердим.

Натижада хавотирлик ўрнини хотиржамлик эгаллади, аёл тинчланди. Сўнгра мен аёлга бу китобда келтирилган асаб кучини барпо қилиш дастурини бердим.

Аёл ҳафтасига бир кун овқатланмасдан тозаловчи парҳез қилди, муаммоларини эсдан чиқара бошлади. У эрини ароқхўрлар аноним мажлисига олиб борди. Бу жамоа асосчилари ҳам асаб кучи роли ҳақида кўп маълумотларга эга эканликлари аёлга маълум бўлди.

Мажлис очилишида жамоа аъзолари билан бирга қуйидаги дуони қайтарар эди: "Қатъийликни қабул қилиш учун менга сабр ва қаноат бер, жасурлик бер ўзгариши мумкин

бўлган нарсани ўзгартириш учун менга донолик бер, буларнинг фарқини билдириш".

Аёл фарзандлари муаммосини ҳам ҳал қилди. Улар билан тил топишиди. Ҳозирда иккала фарзанди коллежда ўқимоқда.

Мен фақат унга ўқитувчилик қилдим. Мен аёлга аввалги ҳолатидан кейинги ҳолатига ўзи ўтиб олишига ёрдам бердим, холос.

Худди шу ишни, қадрли ўқувчим, сиз учун ҳам қилмоқчиман. Табиат қонунига асосланиб, сизга бақувват асаб кучингизни яратишни ўргатмоқчиман.

Асабларнинг фаол фаолияти

Эсда тутинг, ҳаёт сизнинг асабларингиз орқали оқади. Нотинч ва ҳаракатчан асаб тизими - табиатнинг буюк инъоми. Ҳаёт қадр-қимматини белгиловчи туйғулар, ҳузур-ҳаловат фақат асаблар орқали сезилади. Асаб ҳаракатининг секинлиги жисмонан ва руҳан бўш, ҳаётнинг энг юқори фазаларини сеза олмайдиган, севги, нафрат ва бошқа чуқур ҳаяжонланишини билмайдиган, характер кучини кўрсата олмайдиган (тепса - тебранмас) инсонларга тегишли. Шу билан бирга, ҳаддан ташқари юқори сезгирилик, асабларнинг ўта фаоллигидан ўринсиз, сурункали фойдаланилганида соғликка салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Агар сиз фаол асаб тизими билан туғилган бўлсангиз, буни баҳтсизлик деб билманг, ҳатто ўзингизни хоҳлаган вақтда портлаши мумкин бўлган бочка устида ўтиргандек ҳис қиласангиз ҳам. Фақат ўта фаол асаб тизими билан жуда эҳтиёткор бўлиб муомала қилиш зарур.

Бу дастур асабларингизни назорат қилишни, бақувват асаб кучини барпо этишни ва уни керакли жойда ишлатишни ўргатади.

Қалқоннинг икки томони

Тарихда келтирилишича, қирол саройининг катта залида осиб қўйилган қалқон ранги ҳақида келиша олмай, икки рицар бир-бирини ўлдириб қўйибди. Биринчи рицарнинг айтишича, қалқон қизил рангда, иккинчи рицар эса кўк рангда, дейди. Улар талашиб бир-бирини ўлдириб бўлганидан сўнг кимдир қалқоннинг икки томонига қараса, бир томони қизил, иккинчи томони кўк экан.

Худди шундай - соғлик қалқони ҳам икки томонга эга: бири - жисмонан, иккинчиси - руҳан. Иккаласи ҳам бирдек муҳим. Авваллари жисмоний соғлик жуда муҳим ҳисобланарди. Лекин руҳан соғ бўлиш ҳам жуда муҳим экан. Табиий ҳаёт дастури асосида биз жисмоний соғликни тиклаймиз, руҳий соғликка эса турли доираларда маълум вақт туриш, ён-атрофни мароқ билан томоша қилиш билан эришилади, бунда биз ўзимизни табиат билан уйғунлашган ҳолда тутиб, ҳаёт олдимизга қўяётган муаммолар ечимини ақл ва идрок билан топишга ҳаракат қиласиз.

Соғлик қалқоннинг икки томони ҳам бир-бири билан узвий боғлангани учун уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Жисмоний соғлик руҳий соғликка таъсирини ўтказади, руҳий назорат эса жисмоний соғликни ушлаб туришни тартибга солади.

Сизга ўзингиздан бошқа ҳеч ким хотиржамлик бахш этса олмайди.

Рольф Вальде Эмерсон

КУЧЛИ ТАНАДА – КУЧЛИ АҚЛ

Соғлом бўлиш учун бақувват асаб тизими билан биргалиқда кучли танада кучли ақлга эга бўлишимиз зарур. Тана жим турмайди, лекин унинг ҳаракати ақл ва идрок томонидан эмас, балки беш хил сезги аъзолари орқали ҳаракатланади. Масалан, тананинг очликка бўлган жавоби – таъми ёқимли бўлган ниманидир истеъмол қилиш, бу соғликка фойдалими ёки заарлими, бундан қатъи назар.

Американинг стандартга мос озуқаларида витамин ва бошқа фойдали элементлар йўқ. Бундай озуқа истеъмол қилган тана кучсиз, асаб кучи эса етарлича бўлмайди. Лекин соғликка етакловчи узунроқ йўлга кўра, тана вақтинча бўлса ҳам, ёлғончи тўйинишни афзал кўради, айниқса, чой, кофе, тамаки, алкоголь кабиларни. Бу вақтинчалик вазият соғликни емира бошлайди. Энди кучли наркотиклар таъсирида вақтинчалик ҳузур-ҳаловат олишга навбат келади. Бундай ҳаёт тарзи руҳан чўкиб, аста-секинлик билан ўзини-ўзи ўлдириш, демакдир. Шундай қилиб, танани кучли қилиш учун ақл ҳам кучли бўлиши керак. Кучли ақл эса танани назорат қилиб, унинг соғлом бўлиши учун зарур ҳаётий одатларни яратади. Демак, соғлом тана учун соғлом ақл ва бақувват асаб кучи даркор.

Хавотирланишга одатланманг

Кучли ақл ижобий фикрларни ишлаб чиқаради, фикр ва таассуротларни назорат қилиб туради. Шунинг учун танангиз кучли бўлсин, токи кутилмаган хуружларга кераклича қаршилик кўрсата олсин. Аниқроғи, тананинг фаолияти шундай механик аниқликка эга бўлсинки, салбий руҳий таъсирларга жавоб қайтаришга тайёр турсин.

Бизнинг биринчи вазифамиз - тананинг табиий ҳаёт дастурига мослашишини таъминлаш. Инсон "машинаси" нинг жисмоний томонини яхшиласак, ўз-ўзидан руҳий томони ҳам яхшиланади. Мия бошқа аъзоларга нисбатан беш баробар кўп қон истеъмол қиласди, мия талабларини қондирсан, у биздан миннатдор бўлади. Агар мен бироз руҳий мувозанатни йўқотган бўлсам ҳам, ўз фойдам учун йигирма мил пиёда юришим мумкин, лекин мен жисмонан бетоб бўлсам, ҳатто йигирма дақиқа аниқ ва соғлом фикр юрита олмайман. Жисмоний даражангизни ошира бориб, сиз руҳий даражангизни кўтарасиз. Агар сиз ақлингиздан мамнун бўлишни истасангиз, танангиз билан мутаносиблиқда бўлсин.

Ёзув столида эрталабки иш вақтида менга руҳий куч етишмаса, буни тушуниш учун жисмоний жиҳатига мурожаат қиласман. Менинг фикрларим ўлда-жўлда, гапларим тутилган - бунга сабаб нима, дори-дармони қани?

Мен бунинг дорисини нафас олиш, қон айланиш ритми ва томир уриши мутаносиблигида топишим аниқ. Шунинг учун мен очиқ ҳавода сайр қилиб, диафрагмада нафас оламан. Миям

тиниқлаша боради. Кислород миямдаги парданы очади. Ижод қилишга шошиламан, ёзув машинкасида иш бошлашим билан сўзлар бошимдан бармоқларим учига оқиб келаверади, аслида жисмоний соғлик ақлий соғликни тўлдириб туради. Кўпгина миянинг оғриқли ҳолатини, асаб тизимининг салбий фаолиятини қон таркибидағи заҳар ва бошқа жисмоний сабаблар билан тушунтириш мумкин.

Ўйлашимча, руҳий ҳолатлар жисмоний таъсир сабабидир. Даволовчи қуёш нурлари таъсирида тана тетик бўлади, бу эса асаб тизимини тинчлантиради.

Жилмайиш – руҳий ва жисмоний таъсирнинг яқъол мисоли. Биз жилмаямиз, чунки баҳтлимиз, кайфиятимиз яхши. Лекин кайфиятингиз ёмон бўлса, жилмая оласизми? Жилмайиб кўринг-чи! Жилмайиш ҳар доим руҳий ҳолатни яхшилайди. Бу, албатта, руҳий кучанишни талаб қиласди, айниқса, йиғлаш ўрнига кулмоқчи бўлсангиз. Греклар айтадилар: "Соғлом танда – соғлом ақл". Ҳеч ким бундан чиройли айтмаган.

Керакли руҳий тартибни жисмоний тартиб ўрнатишда ишлатиш танани салбий фикрлардан ҳимоя қилиб, мияни тинч ва соғлом сақлашга ёрдам беради.

Мия ва мушакларингизни бақувват қилинг. Шунда сиз соғлом бўлиб, жисмонан ва руҳан мутаносибликка эришасиз.

*Ташаббуссиз ҳеч қандай
буюкликка эришиб бўлмайди.*

Рольф Вальде Эмерсон

АСАБ ТИЗИМИ

Муқаммал соғлигингиз мувозанатини ўрнатиш учун сизга бақувват асаб кучи зарур. Бу куч миллионлаб асаб ҳужайраларида йифилиб, асаб тизимини ташкил қиласди. Асаб тизими икки бўлақдан иборат:

1. Ташқи асаб тизими. У тери юзасини, мушакларни назорат қиласди. Яъни, қўл, оёқ, бош ва ўзга аъзоларни ҳаракатта келтиради, терини иссиқ-совуқقا, жароҳатларга таъсирчан қиласди.

2. Ички асаб тизими. У ички аъзоларни назорат қиласди.

Мия - бош марказ, "оператор хонаси", бу ердан инсон аъзоларининг барчасига, инсон ҳисоблаш тизимига дастур юборилади.

Асаб кучининг уч хили

Асаб тизими уч хил асаб кучи ёрдамида бошқарилади:

1. Мушаклар асаб кучи. Бу мушакларни ҳаракатта келтирувчи асаб кучидир. Майда ҳашаротлар ҳам мушак асаб кучига эгалар. Уларнинг мушак асаб кучи ўз ўлчамларига нисбатан жуда катта. Агар фил бурга ва шунга ўхшаш ҳашарот каби мушак асаб кучига эга бўла олганида у төғлардан сакраб ўтиб, осмонўпар

иморатларни қўпориб юборишга қодир бўлар эди.

2. Аъзолар асаб кучи. Унинг юқори дарражаси мустаҳкам соғлик ва касалликларга қарши курашиш имкониятини беради. Бу эса узоқ ва соғлом ҳаёт дегани.

3. Руҳий асаб кучлари. Бунда сифат биринчи ўринга кўтарилади. Бақувват руҳий асаб кучи юқори ақл-идрокни яратади. Инсон руҳий чиниқсан бўлади. Ўз ҳис-туйғуларини жиловлай оладиган кучли шахс сифатида намоён бўлади. Асабий кучланишлар, жароҳатлар унинг ҳаётига таъсир қилмайди. Бундай инсонларни ўз тақдирига ўзи хўжайин, дейишади.

Руҳий асаб кучи юқори бўлганларни ҳеч ким у ўтирган тахтдан тушира олмайди, руҳий мувозанатдан чиқара олмайди. Сиз - оддий инсон, доимо руҳий роҳатдасиз.

Асаб тизими мувозанати

Табиат барча жабҳаларда мувозанатни сақлашга ҳаракат қиласи. Инсон бу мувозанатни бузса, хавотирланишга тушади. Уч хил сабабга биноан асаб тизими мувозанати бузилиши мумкин:

1. Асаб емирилиши;
2. Асаб депрессияси;
3. Асаб таранглостиши.

Бу китобда мен шундай иборалардан фойдаланаманки, токи мутахассис бўлмаганлар ҳам менинг фикрларимни тушуниб етишсин. Асаб тизими ҳақида гапирганимда ташқи ва ички асаб тизимларини назарда тутаман.

Асаб емирилиши

Юқорида айтилганидек, асаб ҳужайралари асаб кучларини йиғадиган резервуар ҳисобланади. Агар бу резервуар яримланиб қолса, демак, асабларингиз ярмигача емирилибди. Сизнинг ҳаётий аъзоларингиз ва мушакларингиз фаолияти учун керакли озуқанинг ярмисини олади.

Асаб ҳужайралари асаб кучларига тўла бўлса, асаб кучи босими юқори бўлади. Биз жисмоний ва руҳий кучга тўла бўламиз, вазифалар осонгина ечимини топади.

Мураккаб вазифалар ҳам осон кўринади. Сиз динамо-машинага ўхшайсиз, чарчоқ нималигини билмайсиз..

Мен худди шундай натижага эришдим, зеро шуни сиз билан ўртоқлашмоқчи эдим. Маълумки, мен бетобликни бошимдан ўтказганман. Асаб кучи емирилганда ва бунга бефарқ бўлиш турли жисмоний ва руҳий бузилишларга олиб келади. Ҳар бир мушак, ҳар бир аъзо ишлаб турса ҳам, инсон танасининг ҳар бир ҳужайраси асаб билан боғлиқ бўлгани учун емирилган асаб ҳақиқатда ҳам танани кучсизлантириб, унинг фаолиятини бузади. Чорасини кўрмасангиз, асабларингиз емирилганича қолаверади. Сиз буни қайта тиклашингиз мумкин, чарчашингиз керак эмас. Табиат талаби шундайки, сизнинг асаб кучингиз тўла бўлиши ёшингиздан қатъи назар, ҳаёт жозибадор кўриниши лозим.

Бу китобда қайд этилган дастурга риоя қилинг, ишонаман, сиз асаб кучи резервуарингизни тўлата оласиз.

Асаб депрессияси

Резина шлангасини босиб турсангиз, сув келиши тұхтагани каби асаб резервуарларидан асаб кучи оқими тұхтаб қолса, асаб депрессияси дейилади. Бунда резервуар тұлами ёки яримми, бунинг фарқи йүқ, депрессия сабабли ички аъзолар нормал озуқа ололмайды.

Асаб емирилиши билан асаб депрессияси орасидаги фарқ шундаки, асаб емирилиши чуқур жойлашган асаб тизимининг умумий ҳолсизлигидир, асаб депрессияси эса вақтингчалик ҳолат бўлиши мумкин.

Хавотирланиш, ғам-ғусса кучли асаб депрессиясини келтириб чиқариши мумкин. Ҳатто ўлимга олиб келиши эҳтимоли бор. "Юраги ёрилиб ўлди" ибораси түғри бўлиб, шундай вазиятда юрак фалажи рўй бериши мумкин. Асаб депрессияси ҳаётий аъзоларни түғридан-түғри ва кучли фалажга олиб келиши мумкин. Хавотирланиш соғликни ишдан чиқариб, ҳаётга хавф солади.

Шу билан бирга, биз бутун яшаяпмиз. Шунинг учун хавотирланишни четлаб ўтолмаймиз, лекин сизнинг жисмоний ва руҳий асаб кучингиз юқори бўлса, ҳар қандай хавотирланишни енгасиз.

Асаб таранглашиши

Кутилмаганда ғазаб, қўрқув ва бошқа ҳиссиётларни келтириб чиқарадиган воқеа содир бўлганида асаб бирдан таранглашади, бу баъзан ўлим билан тугаши мумкин.

Үтган аср ўттизинчи йилларидаги улуғ депрессия даврида молиявий инқирозга учраган ишбилармонардан бир нечтаси худди шундай ўлим топганига ўзим гувоҳ бўлганман.

Асаб таранглашиши натижасида қисқа вақт ичида катта миқдордаги асаб кучи сарфланади, натижада ҳаётий аъзолар ҳаракати кескин тезлашади. Инсон чўчиганида ёки қаттиқ қўрққанида юрак уриши, нафас олиши тезлашади, ичаклар ҳаракати фаоллашади. Чўчиш ёки қўрқувдан бироз вақт ўтгандан сўнг ўзимизни сиқиб ташланган лимонга ўхшатамиз, яъни бўшашиб кетамиз, чунки бирданига катта миқдордаги асаб кучи сарфланади.

Яқинда мен матбуотда ўрмонда юрган икки ўспирин ҳақида мақолани ўқидим. 15-16 ёшдаги йигитлар ўрмонда юрган вақтида бирдан кучли бўрон бошланиб, чақмоқ бир дарахтни йигитлардан бирининг устига йиқитади. У қўрқув ва оғриқдан қаттиқ қичқиради. Шунда бақувват асаб кучига эга бўлган шериги ўта оғир дарахтни кўтариб, ўртоғини озод қиласи, елкасига ортиб беш мил йўл босади.

Эртасига жабрланган йигитнинг ота-онаси ва уч-тўрт қўшнилари воқеа содир бўлган жойга боришгади, ҳаммалари ўша дарахтни кўтара олишмайди.

Биз бақувват асаб кучини барпо қилишни, ҳужайра резервуарини тўла сақлаш ва ҳар қандай тасодифларга тайёр туришни хоҳлаймиз.

Жисмоний емирилиш

Агар асаб кучимиз емирилган бўлса, биз руҳий

ва жисмоний чарчоқни сезамиз, ирода кучи ҳисобига чарчоқни бироз енгандек бўламиз. Кейин эса соғликка заарли бўлган зўриқтиувчилардан фойдаланамиз. Чой, кофе, алкоголь ҳам ёрдам бермай қўяди. Ёш бўлсак ҳам, ўзимизни қарилардек сезамиз, чунки асаб кучимиз емирилмоқда. Руҳий, жисмоний ва ички кучларимиз бузилишини кузатамиз. Жинсий алоқага бефарқ бўламиз, кўзларимиз нури сўнади, тери ва мушаклар бўшашиди, қадам ташлашимиз хунуклашади. Натижада ички аъзоларимиз ҳаракати секинлашади. Биз озишимиз ёки семиришимиз мумкин, сўнгра эса "бир замбил ахлат"га айланамиз.

Модда алмашинувининг бузилиши

Асаб зўриқиши организмда содир бўлаётган жараёнларнинг жиддий бузилишига олиб келади. Метаболизм шундай жараёнки, унинг ёрдамида озиқлантиувчи моддалар тирик ҳужайраларга айланади, унинг "ёниши" натижасида эса қувват ҳосил бўлади. Ҳар бир тирик аъзо каби ҳар бир ҳужайра модда алмашинуви жараёнида қатнашади. Бу жараён соғлик ва ҳаётий қувват асоси ҳисобланади.

Асаб нормал ҳолатда бўлса, метаболизм жараёнлари орасида мувозанат сақланади. Агар асаб кучи емирилган бўлса, табиий мувозанат бузилади, натижада тана озади ёки семиради. Шунинг учун тўғри парҳез тутиш калориялар билан ўлчанмайди. Шунинг учун асаб кучини барпо қиласиган озуқалар истеъмол қилиш керакки, ҳосил бўлган ҳужайралар қувватга

айланиб, бир текис модда алмашинуини таъминласин.

Маълумки, симпатик асаб тизими ҳаётий муҳим аъзоларни бошқаради. Бу асаб тизимининг асосий қисми пневмо-гастрлик асаб тизими сифатида маълум.

Йоглар маълумотига қараганда, уни инсоннинг иккинчи мияси деб аташади. Пневмо-гастрлик асаб тизими нафас олиш ва овқат ҳазм қилувчи аъзоларни бошқаради, шунинг учун пневмо (ўпка), гастрлик (ҳазм қилувчи) номини олган. Бу тизим бошқа аъзолар билан узвий борланган. Умуман, асаб тизимининг бироз бузилиши пневмо-гастрлик асаб тизимиға жиддий таъсир кўрсатади. Асабланган вақтимизда қорин атрофида безовта қиладиган оғриқ пайдо бўлади. Агар асаб тизими жиддий таранглашса, ошқозон овқатни қабул қилмай қўяди, унда қайт қилиш бошланади.

Асабийлашганда ошқозоннинг овқат ҳазм қила олмаслиги

Ошқозон-ичак фаолиятидаги бузилишларнинг асосий қисми пневмо-гастрлик асаб тизимидағи носозликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

"Асабдан ошқозон-ичак бузилиши" туркумига кирадиган касалликлар бунга мисол бўла олади. Кўпчилликка бу ошқозондаги вақтинчалик бузилиш бўлиб кўринади, доридан даво топишга ҳаракат қилишади. Бу эса асосий хасталик сабабини яширади, катта оғриқни орқароқقا суради. Бундай бузилишларга ошқозонда ҳаво йиғилиши, жигифидон қайнаши, кислота кўпайиши, ошқозон бузилиши кабилар киради. Улар нафас

олиш ритмини бузади ва юракка босимни кучайтиради. Дарвоқе, бу хасталикнинг давомийлиги юрак хасталигига олиб келиши муқаррар.

Ошқозонда ҳаво йиғилиб дамланиши тез-тез қайтарилса, ошқозонда халтачалар пайдо қиласи, овқат халтачадан чиқиб кета олмайди, натижада ошқозонда яра пайдо бўлади. Шунинг учун биз асабийлашиш туфайли ошқозонда овқат ҳазм бўлмаганининг биринчи белгисиданоқ унинг сабабини ўрганиб, чорасини кўрмоғимиз зарур.

Қабзият (ич қотиши)

Асаб емирилиши - қабзиятнинг сабабларидан бири. Ичакларнинг ҳаракати ҳам асаблар фаолиятига, ҳам ўпка ва юрак фаолиятига боғлиқ. Сурункали қабзият асабнинг бирдан таранглашишида (нервный шок), масалан, жанжаллашиш, кутилмаган ғам-қайғу, кучли эҳтирос ва ҳоказоларда содир бўлади. Баъзи овқат турлари ҳам қабзиятга сабаб бўлади. Ич қотмаслиги учун овқат таркибида суюқлик ва ёғли моддалар етарлича бўлиши шарт. Бу муҳим элементлар сабзвотлар, карам, лавлаги, сабзи, укроп, кашнич, сельдер ва хўл меваларда кўп.

Баъзилар хом сабзвотларни истеъмол қила олмасликларидан нолийдилар. Бу ошқозон ва ичаклардаги асаб кучи емирилганлигидан далолат. Шунинг учун улар хом сабзвотни ҳазм қилолмайдилар ва асаб тизимини кам озуқалантирадилар.

Асабларингизни озиқлантиринг, уларни зўриқтирманг

Асаби ҳаддан ташқари зўриққан одамлардаги ошқозон-ичак хасталиклари салбий оқибатта олиб келади. Биринчидан, асаб емирилиши ошқозон-ичак, умуман, овқат ҳазм қилиш аъзолари фаолиятини бузади. Бу эса заҳарлар пайдо қилади. Заҳарлар асаб тизимини янада ҳолсизлантиради.

Асабийлашиш натижасида овқати ҳазм бўлмайдиган инсонлар асаб тизимлари кўп азият чекадилар. Лекин камдан-кам одамлар касал бошланишига сабаб асаб тизимининг емирилиши эканлигини тушуниб етмайдилар.

Асаби бузилган одам овқатни танлаб ейиши зарур. Оғир ҳазм бўладиган овқатларни истеъмол қилмаслик керак. Кофе ичувчилар кейинроқ овқат ҳазм бўлмаслик дардига дуч келадилар, печенье, пирог, кекс, ирислар, сосиска, қуритилган картошка, эритилган ёғ, чўчқа гўшти, тузлаб қуритилган чўчқа гўшти, гўштли газак, пиво ва алкоголь ичиш ҳам пировардида ошқозон-ичак касалликларига сабаб бўлади. Таркибида тамаки, алкоголь ва кофеин бор ичимликлар (кофе, чой, кола) асабни зўрма-зўраки ишлатади. Кофеин марказий асаб тизимига таъсир қилади. Кофе ичган одамнинг бироз тетиклашиши сабаби ундаги кофеин заҳирадаги асаб кучларини ишга солиб, асаб тизимини бутунлай ишдан чиқаради, турли хасталиклар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Америка тиббиёт ассоциацияси фармокологик мажлисининг олиб борган тадқиқотларига қараганда, бир стакан кофеда 2 грамм кофеин

бор. Агар сиз олти стакан кофе ичсангиз, бир кунда 12 грамм кофеин қабул қилган бўласиз. Аслида ўртача кофеин қабул қилиш дозаси, терапевтик қоидага биноан, 7 грамм! У ҳам аксарият пневмания ва бошқа жиiddий ҳолларда қўлланилади. Ўртача кофе ичувчи кунига икки терапевтик дозада кофеин қабул қиласди, асаб касалликларининг кўплигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Руҳий асабийлашиш

Жисмоний оғриқлар ва касалликлар натижасида чекиладиган азоб қанчалик кўп бўлмасин, руҳий азобларга нисбатан кам ҳисобланади. Руҳий асабийлашишнинг илк белгиларидан бири - қувватни жамлай олмаслик, бош айланиши, ўта сезувчанлик, ҳаддан ташқари инжиқлик, разабланиш, салбий одатлар, энг ачинарлиси - ақлдан озиш...

Булар асабий ҳолат бўлиб, тинчликни йўқотиш, хавфсираш, овқат ҳазм бўлмаслиги, циркульяциянинг бузилиши билан характерланади. Бу хасталик огоҳлантирмасдан, аста-секин кириб келади. Ҳатто баҳтсизлик келтиради. Ҳар бир кишида индивидуал характерда ривожланади. У асосан қуйидагича:

1-босқич. Аввал қувватсилик, асабларнинг ўта таранглашгуви, чарчоқ кузатилади, танангиз худди қўрғошин қўйилгандек оғирлашади, уйқу, мудроқ босади, мия гангиган, циркульяция кучсиз, модда алмашинуви секинлашган, ички аъзолар фаолияти суст.

2-босқич. Бундай асабийлашишдан овқат ҳазм бўлмаслиги, жиғилдон қайнаши, кислота кўпайиши, қабзият касалликнинг асосий белгилариридир. Нафас олиш юзаки бўлиб, оғирлашади, юрак безовталанади, кўриш қобилияти пасаяди, жинсий алоқа сусаяди, фикрни жамлаш қийин кечади. Бош айланиши, неврит, уйқусизлик, ўта сезувчанлик, инжиқлик ва бошқа хусусиятлари билан характерланади. Модда алмашинуви бузилиши сабабли киши семиради ёки озади.

3-босқич. Ўта асабийлик асаб емирилишига олиб келади. Руҳий бузилишлар, хотира йўқолиши кузатилади. Кайфият ёмонлашади, доимий бесаранжомлик, хавотирлик, меланхолия рўй беради. Аъзоларнинг жиддий бузилишлари, алаҳсираш, ўз-ўзини ўлдиришга мойиллик ва охир-оқибат ақлдан озиш...

Кузатишлар шуни кўрсатадики, одамзотнинг 95% и у ёки бу даражада асаб емирилишига дучор бўлган.

Бизда чекувчилар жуда кўп. Чекиши - асабий одат. Кўпчилик ҳолсизланган асабларини бироз жонлантириш мақсадида чекади. Наркотик заҳарлигини барча билади, сурункасига сигарет чекиши ўтка саратонини келтириб чиқаришини ҳам билишади. Шунга қарамай, бу заҳарга улар ўрганади ва одатларини тарк этмайдилар. Худди шуни бошқа заҳарлар ҳақида айтиш мумкин - чой, кофе, алкоголь, кока-кола ва бошқа наркотик моддалар кайфиятингизни вақтинчалик яхшилаб, сўнгра унга доимий эҳтиёж сезадиган қилиб кўяди.

Бунда нимагадир эгалик қилиш эвазига нимадандир воз кечилади. Америкада касалхонадаги ўринларнинг 50 фоизи руҳий бетобликка мойил касаллар билан тўла.

Бугунги кунда руҳий касаллик бутун дунёда энг долзарб муаммо.

Бироз қувватсизланиш

Ўзларига нима бўлганини билиш учун бир шифокордан иккинчи шифокорга югуриб юрган одамларни кўп учратамиз. Қайта-қайта кўриқдан ўтиш ҳеч нима бермаса ҳам, улар ўз билганидан қолмайдилар. Руҳшунос шифокорнинг қўядиган ташхиси - "Сизга ҳеч нарса бўлмаган. Сиз бироз ҳолсизлангансиз. Яхшилаб дам олишингиз керак!" Деярли ҳар бир вазиятда ҳолсизланиш сабаби асаб емирилишидир. Бу эса жиддий хавф.

Бизнинг асримизда асаблар шунчалик таранглашганки, ҳар бир инсон у ёки бу даражада асаб емирилишига дучор бўлган. Инсонда ўзини руҳий бошқариш кучсиз бўлса, асаб касалига йўлиқиш эҳтимоли шунча кўп бўлади. Шунинг учун АҚШда ҳар йили 300000 дан зиёд кишилар руҳий касалхоналарда даволаниб чиқадилар. Борган сари ақли заиф болалар сони кўпайиб бормоқда, бу ўз-ўзидан таълим-тарбия муассасалари олдига кўплаб муаммолар қўймоқда.

Руҳий хасталик жабрланувчига аста-секинлик билан яқинлашади. Руҳий жабрланганларнинг турли кўринишлари мавжуд. Бири - хафақон, иккинчиси - сергаплик, учинчиси - йиғлоқилик, баъзилари ўта сезувчан, кейингиси урушқоқлик,

шеригини енгмагунича урушишга тайёр. Яна узоқ санаш мумкин бўлган ҳолатлар: бош оғриғи, овқат ҳазм бўлмаслиги, юрак хуружи, бармоқ ва қўлларнинг титраши ва ҳоказо.

Бундай одамлар барча нарсага қизиқишини йўқотади, ҳеч нарса билан шуғулланмай, бекор ўтиришади. Бошқалари вақти-вақти билан югуриб, ёнғинга шошгандай чопадилар. Улар хавотирда, нимадир бўлиши керакдай хавфсирашади.

ОЛТИ АСОСИЙ ҚЎРҚУВ

Кўпчиликдан "Сиз нимадан кўпроқ қўрқасиз?" деб сўралса, "Ҳеч нимадан!" деб жавоб беради. Бу нотўри. Чунки ҳар бир инсон ҳаётининг маълум даврида ушбу олти асосий қўрқувлар қурбони бўлишган: камбағал бўлиб қолиш қўрқуви, касал бўлиб қолиш қўрқуви, қариш-кексайиш қўрқуви, севилмай қолиш қўрқуви, одамлар гап-сўзларидан қўрқиши, ўлим қўрқуви. Миллионлаб одамлар сурункали асаб таранглигидан азоб чекиб яшайдилар. Уларнинг асаб кучи доимо камайиб боради, охир-оқибат асаб тизимининг тўла бузилишига олиб келади.

Қўрқув ҳаётнинг барча жабҳаларини, айниқса, руҳий ва ашёвий томонини қамраб олган.

Қўрқув ҳаётда энг биринчи керак бўладиган нарсалар билан таъминлаш вазифасини ҳам қийинлаштириб юборган, масалан, озиқ-овқат, уй-жой, кийим-кечак ва бошқалар.

Қўрқув ташаббусни, ғайрат, қизиқишини, ўзига бўлган ишончни йўқотади.

Қўрқув инсон онг остига жойлашиб олади, ҳар доим ҳам уни аниқлаб бўлавермайди. Қўрқувдан

халос бўлишга ҳаракат қилиш керак. Лекин у ўғрига ўхшаб кечаси келади, мияни шундай заҳарлайдики, унинг фаолияти бузилади.

Бу қўрқувлар борлигини ўзингиз, фақат ўзингиз аниқлашингиз мумкин. Ўзингиз ақдий ҳолатингизни назорат қилсангиз бўлади, бунинг учун сизда асаб кучи заҳираси бўлиши керак. Кўрқинчли фикрларни узоқлаштириш ана шу асаб кучи за181ирасига боғлиқ. Буни сиз ҳеч қандай пулга сотиб ололмайсиз.

Мамлакатимизни ўттизинчи йиллар улуғ депрессиядан чиқаришда Америка Қўшма Штатлари президенти Рузвельтнинг қуйидаги хитоби катта туртки бўлган: "Биз қўрқувдан ташқари ҳеч нарсадан қўрқишимиз керак эмас!" Бу жуда тўғри айтилган гап!

Камбағал бўлиб қолиш қўрқуви

Камбағаллик ва бойлик ўртасида келишув бўлмайди, уларнинг йўли қарама-қарши. Агар сиз бой бўлмоқчи бўлсангиз, камбағалликка судрайдиган барча нарсани олиб ташлашингиз керак. "Бойлик" сўзи бу ерда кенг маънода қўлланилиб, фақат молиявий аҳволнигина белгиламайди. Соғлик, доимий меҳнат қилиш қобилиятини сақлаш, узоқ ва мазмунли ҳёт кечириш ҳам бойлик билан таққосланади. Шахсан ўзим учун энг катта бойлик - менинг соғлигим.

Камбағал бўлиб қолиш қўрқуви асаблар кучи емирилган вақтдаги ақлнинг ҳолатидир. Асаб тизимингизнинг кучини тикланг! Сиз камбағал бўлиш қўрқувидан халос бўласиз. Доимий бақувват асаб кучини тиклашингиз сизни соғлик ва бойлик йўлига бошлайди.

Касал бўлиб қолиш қўрқуви

Касал бўлиб қолиш қўрқув уруғлари ҳар бир киши миясига жойлашган. Бу уруғ илдиз олиб кетмаслиги учун сиз энг юқори даражали асаб кучини барпо қилишингиз зарур. Асаб кучингиз пасайганида кичик оғриқ ҳам сизни ўлдирадиган касалликка ўхшайди. Агар сиз табиий ҳаёт дастури асосида ҳаёт кечирсангиз, сиз қўрқув нималигини эсингиздан чиқарасиз.

Сизнинг бетоблигингиз кундалик ёмон одатлар ёрдамида келиб чиқади. Витамин ва минерал моддаларсиз ўлик озукалар истеъмол қилишингиз натижасида танангиз ва асабларингиз қувватсизланади. Дангаса бўлсангиз, циркульяция ҳосил қилиш учун керакли хатти-ҳаракатларни бажаришга эринасиз. Бу сизни тўғридан-тўғри асаб бузилишига етаклади.

Агар сиз табиат қонунлари асосида ҳаёт кечирсангиз, ҳеч қачон касал бўлиш қўрқуви сизни безовта қилмайди. Буни сизга мен шу китобим ёрдамида ўргатаман. Табиат қонунига мос ҳаёт кечиринг, эвазига мустаҳкам соғликка эга бўласиз.

Қариш-кексайиш қўрқуви

Асаб кучингиз энг паст даражагача камайганда қўрқув миянгизни қамраб олади. Ўзингизни кучсиз, титраётган қария, кўрмайдиган, эшитмайдиган хунук чол сифатида кўрасиз. Бунинг олдини олиш учун соғлом турмуш тарзини ҳаётимизга татбиқ этиб, фақат яхши хаёлларни

миямизга жойлаштириб яшашни одатга айлантиришимиз лозим.

Бириңчидан, қарилуккінгүзү ийүк. Чунки организмдә үн бир ойлиқдан катта ҳужайра бўлмайди. Албатта, бунга суюк ва тишлар кирмайди. Ҳар куни кўплаб ҳужайраларни йўқотамиз ва ҳар куни миллионлаб янги ҳужайралар ташкил бўлади. Демак, қайси бир қисмимиз қари? Бундай қисмимиз ийүк. Бизнинг душманларимиз йиллар эмас, балки танамизга сингиб бораётган заҳарлардир! Улар бизни вақтдан олдин қаритади. "Инсон қон томирлари қандай бўлса, шунга мос қарийди" иборасини кўп эшигтанмиз. Кўпчилик 70-80, ҳатто 90 ёшдаги кексалар тоза эгилувчан артерияларга зга. Уларда модда алмашинуви, циркульация жойида, кўриш ва эшитиш қобилияти яхши сақланган. Улар артерияларни тоза тутишни, заҳарли моддалардан холи бўлишни яхши ўзлаштириб олишган.

Бошқа томондан олсак, 40, 50, 60 ёшдагилар артерияларни чиқиндилар билан тўлдириб, вақтдан олдин ўзларини қария деб сезишади. Эсингида бўлсин, икки турдаги ёшни бирбиридан ажратиш керак: бири - календарь бўйича ёшингиз, иккинчиси - биологик ёш. Календарь бўйича ёшлар ҳеч нарсани белгиламайди, агар сиз табиат қонунлари бўйича ҳаёт кечирсангиз!

Менинг шундай дўстларим борки, уларнинг календарь ёши 100 дан ошади, ҳаётий режалари эса 40-50 ёшдагилар режасидан мукаммалроқ. Калифорниядаги дўстим Рой Уайт 107 ёшда, танаси ҳалигача чарчоқни билмайди, оғриқларсиз, фаол ҳаёт кечиради. Унда қўрқув ийүк. Биологик

томондан ҳали жуда ёш, навқирон. Мен 80-90, ҳатто 100 ёшга кириб, биологик навқиронлигини сақлаб қолган күпларни биламан.

Асаб кучи резервуарларингизни тўлдиринг, шунда қарилик қўрқуви ўз-ўзидан йўқолади. Менинг дастурим буни сизга ўргатади.

Севилмай қолиш қўрқуви

Сизда асаблар кучи жуда пасайиб кетса, ўзингизга бўлган ишончни йўқотасиз. Нимадир етишмаёттандай туюлади. Сизга қадрли ва суюкли бўлган одамингизни йўқотаёттандай бўласиз.

Сизни емираётган бу қўрқувдан қутулиш йўли битта - у ҳам бўлса, асаб кучингиз даражасини оширинг. Табиий ҳаёт тарзига мувофиқ ҳаёт кечиринг. Шунда бу қўрқув сизни тарқ этади.

Рашк - шундай туйфуки, унинг ёмон кўриниши билан барчамиз курашишимиз зарур. Биз кимнидир севишимиз мумкин, лекин бу - севган одамингиз сизнинг шахсий мулкингиз дегани эмас. Асаб кучингизни тўлдирганингиздан сўнг сиз тушуниб етасизки, ҳар бир инсон ўз ҳаёти билан яшайди. Шундай асаб кучини яратингки, севганингизни йўқотиб қўйиш қўрқувидан юқори бўлинг.

Севги - дунёда энг катта куч. Севинг, сизни ҳам севишади. Эсингизда бўлсин, сиз севган ва сизни севган одамни ҳеч қачон йўқотмайсиз. Агар кучсизлик қилиб, севган одамингизни кимгадир бериб қўйсангиз, демак, сиз уни яхши севмагансиз! Биламизки, дунёда бугун сиз билан, эртага бошқаси билан, унинг эртасига яна бошқаси билан бўладиганлар кўп. Шунинг учун

бундайларни йўқотишдан кўп ғам чекманг. Бунга қуидаги сатрларни келтириш мумкин:

Бутунлай севгисиз бўлгандан кўра,

Аввал севиб, кейин йўқотган яхшироқ.

Якка ўзи қолиш қўрқуви кўпчиликни қамраб олса ҳам, у сабабсиз. Ҳар доим сизнинг севгингизга муҳтоҷ одам топилади, сизни ҳам севадиганлар бор. Қидиринг ва топинг! Энг кераклиси - ишонч! Фақат ишонч соғлом ва асаб кучи бақувват инсонларда пайдо бўлади.

Одамлар гап-сўзларидан қўрқиши

Асаб кучи паст даражага тушиб кетса, сиз жуда сезгир бўлиб қоласиз. Ҳамма сизга қараб, сизни гап-сўз қилаётгандай туюлади. Кўпчилик одамлар ҳасадгўй бўлишади, ўз камчиликларини беркитиш учун доимо кимларнидир муҳокама қилишади. Баъзида хушомадгўйлик қилишади. Лекин сизга ҳасад қилишяптими, демак, сиз бошқалар бажара оладиган ишнинг уддасидан чиқа оласиз.

Менинг дўстларим, сиёсий саҳна ветеранлари фикрича, сизга ҳавас ёки ҳасад қилишмай қўйишса, билингки, бир жойда туриб қолдингиз, ҳеч нарсага эришмаяпсиз. Эсингизда бўлсин, нима қилсангиз ҳам, ҳаммага бир хил яхши бўла олмайсиз. Кўп йиллар олдин мен соғлом ҳаёт йўлига биринчи қадам қўйганимда баъзи опаларим, акаларим мени танқид қилиб, "соғлом тентак", "соғлом хаёлпараст" деб лақаб қўйишгани ҳали ҳам эсимда. Лекин менинг асаб кучим юқори даражада бўлгани учун фикрлашимга таъсир ўтказа олмаганлар.

Узоқ йиллар тажрибада шуни күрсатдикі, мен тұғри йўл танлаб, натижада соғлом ҳаёт кечирдім. Менинг танқиңчиларим аллақачон дунёдан ўтиб бўлишган. Менинг эса яна узоқ йиллар яшаш ниятим бор, чунки мен табиат билан уйғунликда яшайман. Ҳали ақлий, жисмоний, рухий кучга тўламан. Демак, нима учун мен қандайдир ақли расо бўлмаган одамлар гапига қулоқ солишим керак?! Мен ақлим билан тўғри ҳаёт кечираётган эканман, арзимаган танқиð менга таъсир ўтказа олмайди. Сиз ҳам одамлар фийбатидан таъсиранаверманг.

Ўлим қўрқуви

Ўлим қўрқуви миянгизга аста-секин кириб келиб, оғрита бошлайди, демак, асаб кучингиз пасайиб кеттан. Баъзилар доимо ўлимдан қўрқиб яшайди, тузатиб бўлмайдиган касалликлар ҳақидағи фикрлар барча рухий қизиқишилар ўрнини эгаллаб бўлган. Рухий бетоблар касалхоналари ўлимдан қўрқиб, ақлдан озган аёл-эркаклар билан тўлиб ётиди.

Бу қўрқув бефойда, чунки ўйласанг ҳам, ўйламасанг ҳам, барибир ўлим бир куни келади!

Шекспир айтган:

Кўрқоқлар ўлимларидан аввал бир неча марта ўлишади,

Ботирлар эса бир марта ўлади.

Инсонлар қўрқиши ғалати кўринади,

Чунки ўлим муқаррар!

У истаган вақтда келади.

Ўлимни табиий қабул қилинг. Миянгиздан ўлим қўрқувини чиқариб ташланг, ёшлиқ - кексаликка

тайёргарлик даври, ҳаёт эса - ўлимга тайёргарлик кўриш даври! Агар сиз муносиб ҳаёт кечириб, ўз вазифаларингизни сидқидидан бажариб, одамлар олдидаги бурчингизни адо этиб, қолган ишларингизни тартибга солган бўлсангиз, нима учун ўлимни муносиб кутиб ололмайсиз? Агар сиз узоқ умр кўраёттан бўлсангиз, ўлимни эсдан чиқарманг. Ўлим ҳақида қўрқмасдан гапиrint, табиий қабул қилинг, ўзингизни ўлимга тайёрлаб боринг. Умр - ўлимга тайёргарлик! Ўзингизни шундай тайёрлангки, шундай тутиngки, у дунёга афсус-надоматсиз қадам кўйинг. Муносиб ўлиш учун муносиб яшанг!

Хозирги замон илм-фани шуни таъкидламоқдаки, бутун олам - энергия. Физика фанининг биринчи қонунига биноан, энергия йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди, фақат бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгариб туриши мумкин. Ҳаёт - энергия. Энергия йўқ бўлиб кетмайди, демак, ҳаёт ҳам йўқ бўлмайди. Ўлим - бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиш. Шунинг учун қўрқувдан халос бўлинг.

Шахсан мен учун ўлим ҳақидаги фикр узоқда. Мен фақат ҳаёт терминлари билан фикрлайман. Ишонаман, ҳар кеча уйқуга кетаётиб, биз ўламиз, эрталаб уйғонгандан сўнг ҳаётимизни янгидан бошлаймиз. Буни мен иложи борича ҳар куни қиласман.

Фикрлар дарёси

Ҳаёт улкан дарёга ўхшайди, у икки ирмоқقا бўлинади. Биринчи ирмоқ муваффақият, соғлиқ ва баҳт-саодатга етаклайди. Иккинчиси эса касаллик, муддатидан олдин қариш,

муваффақиятсизлик ва бахтсизлик томон олиб кетади. Бу дарё сунъий ёки фантастик эмас, худди Миссисипи каби мавжуд, у фақат инсон миясида оқади. Муваффақиятга етакловчи ирмоқ мусбат фикрлар ҳосиласи, муваффақиятсизликка етакловчи ирмоқ эса манфий фикрлар ҳосиласидир. Манфий фикрларда энг катта хавфни қўрқув ташкил қиласди.

Қўрқувга қарши

Ишонч қадриятларни яратади. Қўрқув уларни йўқда чиқаради. Ишонч тиклади. Қўрқув бузади. Дунё борки, шундай бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Барча ютуқлар ишончдан бошланади. Барча ютқазиқлар - қўрқувдан. Шунинг учун биз қўрқув табиати ва сабабини аниқлаб, ундан халос бўлиш йўлини ахтаришимиз зарур.

Қўрқув доимий нарса эмас, мен буни тўла ишонч билан айтаман, чунки ишончнинг қўрқувга нисбатан устунлигини биламан. Ҳаётимнинг асосий йўналиши инсонларда қўрқувни йўқотиб, ишончни мустаҳкамлаш бўлди. Кўпчилик эркак ва аёллар дунёнинг турли бурчагидан менинг соғлик бўйича дарсларимга келишади. Чунки уларни менинг ҳузуримга қўрқув олиб келади. Улар ўзларини ўлдиришга тайёрлар.

Мен бу эркак ва аёлларни китобда келтирилган асаб кучи барпо қилиш дастури қўлланилганидан кейин қайта кашф этдим: улар ҳаётларини бутунлай ўзгартириб, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёрлар. Табиатга ишонмасангиз, ўзингизни ёш ва соғлом ҳис эта олмайсиз. Сиз

бунга тұла ишонишиңгиз зарур. Шунда бу ишонч руҳий ва жисмоний хасталиктердегизни енгіб ўтишиңгизга ёрдам беради. Демек, асаб кучи резервуарларини тұлдырысанғиз, соғлом ҳаёт тарзини күллаб, құрқұвдан халос бўласиз.

Құрқұвни енгіб ўтиш

Құрқұвни енгіб ўтиш учун жисмоний, ақлий ва руҳий куч керак. Сиз ўз құрқұвингизни ўзингиз енгіб ўтишиңгиз зарур. Бунинг учун оқилу донолигингизни унутманг.

Маълумки, диний китобларда таъқидланғанидек, құрқұвни енгіш учун руҳий куч булоғини топишиңгиз мумкин.

Тангрига сұяңсанғиз, сизга құрқұвни эмас, фақат қувват, севинч ва соғлом фикрни ато этади.

Бахтсизлик ва муваффақиятсизлик билан курашаёттан зеркагу аёлларга бу гапни ўргатинг. Улар буни қайта-қайта такрорласынлар, токи улар ишончи мустаҳкамланиб борсын. Табиий ҳаёт дастурига риоя қылған ҳолда сиз құрқұв ва танглиқдан нажот сұраб. Яраттанга мурожаат қилинг, ёлворинг!

Кундалик ибодатингизда сиз бу кучта рүбарў келишиңгиз мумкин. Инсон фақат қорнини түйдириш учунгина дунёга келмаган.

Құрқұвдан қочманг, сабабини билишга урининг ва жисмоний түйғу сифатида қабул қилинг, алданиб қолманг. Шарқ халқлари эртагида келтирилишича, бир одамни девлар құвлაёттанғанмиш, кечә-ю кундуз қочиб қутула олмаганидан сұнг ҳолсизланиб тұхтайди ва

орқасига қараса, ҳеч нарса йўқмиш, қўрққанидан дев кўзига хаёлан кўринган экан.

Яна халос бўладиган иккинчи туйғу бор, бу - ўзингизга ўзингизнинг раҳмингиз келиши. Ушбу туйғуни ўзингиздан тезда ҳайданг, чунки бу ўзгалардан келадиган ёрдам ва хайриҳоҳликни йўқ қиласи.

Қачондир сизнинг ҳаётингизга ғам-ғусса бостириб келади, бу табиий ҳол, унга тик қаранг, билингки, вақт барча нарсага даводир.

Ҳеч қачон мағлубиятни қабул қилманг. Эсингида бўлсин, яна бир имкониятни қидириб кўринг.

Яна бир маслаҳат - ўтмишиңгиз билан яшамант. Ўтмишда биз туртки, ҳатто, тепки еганмиз, бу эса юракда изини қолдиради. Ўтмишдан фақат яхши дарс олиш зарур. Ўтмишиңгиз ҳаммаси ҳам ёмон бўлавермаган, кўплаб баҳтли кунларни бошдан кечирганимиз, буни эсдан чиқариб бўлмайди. Лекин ўтмишиңгиз жуда баҳтли ўтган бўлса ҳам, унда тўла қолиб кетмасликка ҳаракат қилинг, чунки ҳаёт ўзгаради.

Бизнинг қувватимиз асаб кучимизга боғлик, шунинг учун қувватга эга бўлиб, соғлик ва баҳт-саодат томон ҳаракат қиласи.

Табиат билан уйғунликда кузатиб, мулоҳаза қилиш

Тўла тинчлиқда кузатиб, мулоҳаза қилишдан шундай куч топасизки, бу куч сизни йўлбошловчингиз бўлиб, ҳаёт мақсади сари етаклайди. Табиат билан уйғунликда кузатиб, мулоҳаза қилиш билан кунига икки марта - эрта

тонг ва кечқурун шуғулланиш жуда мұхим. Ички кучларингизни йиғиш учун миянгиз тұла тинчланған бўлиши зарур. Фикрларингиз аниқ ва тиниқ бўлсин.

Эсингизда бўлсин, эски, безовта қилувчи ва заарарли фикрлар ўрнини янги, ёрқин ғоялар эгалласин. Ҳар бир конструктив фикр асаб тизимини ҳаёт ва куч билан түлдиради бу кучланиш танангизга ўтади.

Кузатиб, мулоҳаза қилиш билан сиз кучли ақл ва кучли тана барпо қиласиз. Сиз бақувват асаб тизимини вужудга келтирасиз, чунки битмас-туғанмас қувват резервуарлари ҳамда ижод қилувчи ақдни очдингиз.

Кузатиб, мулоҳаза қилишда ақл ва тана мувозанати тикланади. Бу эса ўз йўлида янги қувват туғдиради, билимингиз доирасини кенгайтиради, бир вақтда қалбингизни тинчлантиради. Сиз ҳаёт қийинчиликларини енгиш учун кучингизни янада оширасиз. Сиз ҳар қандай муаммони ҳал қила оласиз.

Табиат билан уйғунликда кузатиб, мулоҳаза қилиш

Кузатиб, мулоҳаза қилиш - ориентация. Бошқача айтганда, атроф-муҳитта нисбатан ҳолатингиз қандай ахволда ёки қайсиdir шахс ё нарсага нисбатан ҳолингизни белгилаш қай даражада? Фан йўналиши бўйича айтганда, ориентация - саёҳатта тайёргарлик кўриш. Бу - хоҳлаган икки нуқта орасига саёҳат ёки маълум мақсад сари саёҳат.

Сиз айтишиңгиз мүмкін: "Мен табиат қонунларига тұла бўйсунаман!" Оқибатда эса соғлик, ақл тиниқлиги ва ғалабага эришасиз. Табиат қонунларига бўйсуниб, яъни табиат билан уйғуныкда кузатиб, фикр юритиб, мулоҳаза қилиб яшаш ҳар бир инсон қўлидан келади. Бунинг учун нормал ҳаёт тарзидан чекиниш талаб қилинмайди. Натижага эришиш учун кунига бир неча дақиқадан вақт ажратиш кифоя, бунда олдиндан тайёргарлик кўриш ёки ниманидир ўрганиш зарурати бўлмайди. Табиатни кузатиб, мулоҳаза қилишнинг гипноз ва спирктизмга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу сизга ҳаётиңгизни яхшироқ ва яна ҳам ишончлироқ ўтказишиңгизга ёрдам беради. Фикр ва ҳаракатингизни, жисмоний ва руҳий имкониятларингизни янада ривожлантиришга туртки бўлади, асаб кучи заҳирасини кўпайтиради.

Кузатиб, мулоҳаза қилишда киши танаси уйқуда дам олгандан кўра яхшироқ дам олади. Ҳатто томир уриши, нафас олиши, модда алмашинуви жараёни уйқудагига нисбатан пастроқ даражага тушади.

Кузатиб, мулоҳаза қилишни 30 дақиқа давом эттирангиз, ўзингизни узоқ уйқуда дам олгандан кўра тетикроқ сезасиз. Кузатиб, мулоҳаза қилишдан сўнг асаблар бўшашади, сизга энди бошқа одамлар ва улар дунёқараши унчалик таъсир ўтказа олмайди. Ҳаяжонланишдан зўриқиши оқибати камаяди. Кузатиб, мулоҳаза қилиш зўриқиши табиий йўл билан йўқ қиласи, ақл ва туйғуларингиз ўткирлашади, жисмоний дам оласиз, соғлигингизни яхшилайди. Кузатиб, мулоҳаза қилиш барча аъзолар тизимини мувозанатта келтиради.

Нима тўғрисида ўйласангиз, сиз ўшасиз

Агар миянгизни салбий фикрлар қамраб олиб, узоқ вақт чангалида сақласа, билингки, сиз паст томон ҳаракатланаётганлар қаторидасиз. Буни ташқаридан сезиш осон. Ўзингизда сезиш эса қийинроқ. Бундай фикрларни миядан тезда чиқариб ташланг. Орқада қолган бўлса ҳам, яхши кунларингизни эсланг. Ўзингизга раҳмингиз келиш ҳиссини миянгиздан олиб ташланг ва янги куч билан олдинга қараб ҳаракатланинг. Мўъжизалар мўъжизаси сизнинг қўлингизда - бу ақлий имкониятларингиз - ким бўлишни истасангиз, шунга етказади! Жаннат сизнинг ичингизда, уни топинг ва сиз ўзингизни роҳатда кўрасиз. Жаннатни ер устида ҳам қидиринг ва топинг. Агар сиз кучга, қувватга, ҳаёт кучига эга бўлишни истасангиз, табиат қонунларига риоя қилинг.

Ҳаётда аниқ режаларингиз бўлсин. Келажакка ишонч билан қаранг. Режа ва қарашларингизни ўзгартириб туришингиз мумкин, лекин улар бўлсин. Сизнинг ижодий режаларингиз келажакка йўналтирилган бўлсин. Шунда сизнинг ақлингиз кучайиб, танангиз фикрларингиз орқасидан ҳаракат қиласи. Сиз нима ҳақида ўйласангиз, ўшасиз! Бу сизнинг ақлингиз, унинг кучи ҳисобига рўёбга чиқади.

Ақлингиз фаолияти учун уни озуқалантиринг. Агар мияни ишлатсангиз, у суюлади. Тана учун ҳам, ақл учун ҳам доимий ҳаракат зарур. Ҳаракатлантирмасак, улардан ажралиб қоламиз. Ақлий ва жисмоний ҳаракатсизлик дангасаликка, ялқовлик, оқибатда баҳтсизликка олиб келади.

Салбий фикрларни миянгиздан чиқариб ташланг, уни ишлашга мажбур қилинг. Бахтли бўлиш учун ички кучларингизни жамлашдан чарчаманг.

Бу асаб кучларини барпо қилиш дастурига риоя қилишингиз билан янги қувват оқими танангизга роҳат бағишлийди. Ўзингиз учун ҳар куни меҳнат қилинг. Эсингида бўлсин, тана гапирмайди, сиз уни ақлингизга бўйсундиринг.

Фолиблик қатъияти

Ҳар доим эсингида бўлсин, ҳаёт асаб тизимларингиз орқали кечади. Асаб тизимингизни қанча яхши озиқлантирсангиз, шунча соғлик ва ҳаётий мувозанатга эришасиз, олдингизга қўйган мақсадга етишиш имкониятлари ортади. Барчамиз соғлом танда кучли ақлга эга бўлишни истаймиз, барчамизда улуғ мақсад бор. Сиз, албатта, "фолиблик қатъияти" сўзини эшитгансиз, у муҳрга айланиб кетган. Шошмасдан, бу ибора маъносини тушунишга ҳаракат қилинг. Агар сиз бақувват асаб тизимига эга бўлишни истасангиз, сизда фолиб бўлиш қатъияти, истаги кучли бўлиши керак.

Фолиб бўлиш қатъиятига эга бўлиш учун кузатиб, мулоҳаза қилиш давридек яхши жой ва вақт бўлмаса керак. Сизни ҳеч ким ва ҳеч нарса асаб тизимингизни мустаҳкамлашдан тўхтата олмаслигини қайта ва қайта такрорланг. Эрталабки кузатиб, мулоҳаза қилиш вақтида ҳар гал ичингида қайтаринг: "Ҳеч кимга эмоционал қувватимни емиришига йўл қўймайман!" Кимдир жаҳлингизни чиқармоқчи ёки жиғингизга

тегмоқчи бўлса, ғолиблик қатъияти уларга жавоб беришдан қайтариб қолсин. Эмоционал мувозанатингизни бузишга ҳеч кимга имконият берманг. Гоҳо бахтсиз, ўша асабланган, хафақон инсонлар билан мулоқотда бўласиз, улар ҳаммани шундай ҳолатда кўришни исташади. Ўзингизнинг асаб тизимингизни янада мустаҳкамлаб, бундан салбий таъсиrlанишдан ўзингизни четта олинг.

Ўз орзуларини рўёбга чиқарган барча инсонлар - ғолиблик қатъияти кучли инсонлар.

Биз инсон ақли, танаси, унинг туйгулари ҳақида фикр юритдик.

Айтиш зарурки, муҳим хусусиятлардан бири - қатъият! Охир-оқибатда қатъият сизнинг тақдирингизни ҳал қиласиди.

Сизга илҳом зарур

Кўпчилик айлана бўйича югуриб яшайди. Улар жуда кўп қимматбаҳо асаб энергияларини сарфлайдилар, ўрнига эса ҳеч нарса олмайдилар. Агар сиз соғлом, кучли ва интилевчан бўлишни истасангиз, бор кучингизни бир томон йўналтиришингиз зарур. Сиз қаерга кетаёттанингизни билишингиз керак. Бунда тўғри йўналишни кўрсатувчи компас бўлиб илҳом хизмат қиласиди.

Тўғри, сизга илҳом зарур! Лекин илҳом ўзи нима? Ҳатто ҳар доим илҳомланиб ижод қиласиганлар ҳам аниқ бир нима дея олмайди. Лекин унинг натижасидан фойдаланишимиз мумкин.

Мен ҳам илҳом нималигини аниқ айта олмасам ҳам, илҳомланган одамни кўрсатишим мумкин.

Агар инсон ўзини касал, кучсиз, муваффақиятсиз, ночор ҳолда эмас, балки қандай ҳолда күришни хоҳласа, шундай курса, бундай одам илҳомланган ҳисобланади.

Сиз ўзингизнинг ожиз томонларингизни кўрмай, фақат кучли томонларингизни кўрасиз, шунда сиз, ҳатто, орзу қилолмаган ишларни ҳам қила олишга қодирсиз.

Кундалик кузатув ва мулоҳазаларингизда камчиликларингизни бутунлай эсдан чиқариб, куч топишингизни хоҳлайман. Ўзингизга ўзингиз истаган одамдек қарант. Миянгизда реал образни чизинг. Бу образни ўз кузатув ва мулоҳазаларингизда эрта-ю кеч ўзингиз билан олиб юринг.

Софликни мустаҳкамлаш дастури асосида яшанг, сиз Тангри ва У яратган табиат билан ишланг. Булар сизга нисбатан кучли.

"Тангри таоло билан бирга юрувчилар ўз кучларини янгилаб турадилар, улар бургут қанотларида парвоз қилиб, юқори кўтариладилар, улар югурадилар, лекин чарчамайдилар, улар юрадилар, лекин кучсизланмайдилар", деб муқаддас китобларда тўғри фикрлар баён этилган.

Бахтли, соғлом, руҳан кучли одамлар чукур ҳаётий фалсафага этадирлар. Улар ҳаётини тақдир йўналтираётганлигини биладилар. Бунга ҳеч нарса қарши чиқа олмайди. Тангри ва табиат билан биргаликда улар улкан ишларга қодирдирлар.

Шунинг учун мен истардимки, сиз ўз кузатув ва мулоҳазаларингизда Тангри ва У яратган табиатни ёдингизда тутинг, умуман, барча ишларингизда, асаб кучини ошириш дастурида, уйингизда, ҳаётингизда ёдингиздан чиқмасин.

Тангри ва табиатда шундай кучни топасизки, у сизни мувозанатдаги ҳаётнинг энг чўққиларига олиб чиқади.

Мен тавсия этаётган қатъият фалсафасининг икки қисми қуидагилар:

1. Кузатиб, мулоҳаза қилишингизда улкан ишлар ҳақида хаёл суринг, шунда кузатув ва мулоҳаза орқали қатъият ривожланади, у эса орзуларингизни рўёбга чиқаради.

2. Улуғ мақсадда илҳом топинг, ўзингизни қандай бўлсангиз, шундайлигингизча эмас, балки қандай бўлишингиз мумкин эди, ана шундай кўринг.

Асабларни мустаҳкамловчи мазкур дастур асосида яшанг. Тангри сизга қандай буюрган ва У яраттан табиат нимани раво кўрган бўлса, шуни қилинг, шунда сиз барча қийинчилликларни енгиб ўтасиз.

Уйқу - асаб кучини тиклашдаги иккинчи қадам

Бақувват асаб кучини барпо қилувчи энг буюк воситалардан бири - уйқу. Агар сиз мўъжизали кун бўлишини хоҳласангиз, аввал ундан-да яхшироқ кечага эга бўлишингиз керак.

Агар сиз чарчаб, тинчланган ақл ва бўш ошқозон билан уйқуга кетсангиз, худди соғлом ёш боладек ухлашингиз керак. Агар сиз тонгда турсангиз, табиий озуқа билан овқатлансангиз, очиқ ҳавода тури мешқлар бажарсангиз, албатта, чукур, чарчоқни олувчи, бардам қилувчи уйқу билан мукофотланасиз. 8-10 соатли уйқу қаттиқ чарчаган ва асабийлашган одамни нормал ҳолатга келтиради.

Яна шуни ҳам айтиш зарурки, уйқунинг неча соатлилиги эмас, балки сифати кўпроқ аҳамиятга эга. Бу асосий талаб. Ёмон ухлаган бўлсангиз, ўзингиздан сўранг, нима учун?

Яхши ухлаш омиллари

Агар асаб тизимиңгизни чой, тамаки, кофе, алкоголь кабилар билан зўриқтираверсангиз, уйқунгиз яхши бўлмайди. Соғлом парҳез ва очик ҳаводаги жисмоний машқлар катта аҳамиятга эга. Соғлом болалар кундузи жисмонан жуда фаол бўлишади. Шунинг учун кечаси қаттиқ ухлашади.

Ҳозирги замон қийинчиликларига дучор бўлган одам яхши ухлай олмайди. Чунки у кераклича кислородга тўйинмаган. Агар сизга яхши уйқу керак бўлса, унга "меҳнат қилиб" сазовор бўлинг. Кун бўйи уйда ўтириб, ҳаракатсиз ҳаёт кечириб, дангасалик қилиб яхши уйқута эриша олмайсиз.

Уйқу вақтида асаб энергияси заҳираси янгиланади, тана дам олади, уйқу чуқур ва туш кўришдан холи бўлсагина, асабларингиз тинчланиб уйғонасиз. Агар сизни қўрқув, турли фантазиялар безовта қилса, бу соғлом уйқу эмас, балки уйқусизлиқдан ҳам ёмон. Сизни қийноққа солувчи ҳар хил тушлар кўриш қон бузилиши, заҳарланишдан келиб чиқади (изоҳ: жин-у шайтонлар ҳам қон йўлида юради, буни унутманг).

Уйқу бузилиб, тез-тез уйғониб турсангиз, сизнинг жисмоний мувозанатингиз бузилган. Уйқу ҳаётнинг ритмик бўлаги, шунинг учун у бир вақтда доимий бўлиб, ўртача 8 соат давом этиши маъқул. Кун тартибига риоя қилиш, соғлом

турмуш тарзи уйқунинг ҳам шифобахш бўлишига таъсир қиласи. Дангасалик қилманг! Танангизни ёқимли даражада чарчаши учун ҳаракат қилинг. Миянгизни тинчлантиринг, шунда сиздан табиат талаб қиласиган уйқу пайдо бўлади. Баъзан тўрт соатлик чуқур уйқу саккиз соат тўшакда яrim ухлаб, мудроқ босиб, ағдарилиб ётганингиздан яхшироқ дам беради, асабларингиз кучини тиклайди.

Қандай тушлар кўрасиз

Қатъиятли бўлинг, истеъмол қиласиган озуқаларга эътибор беринг, жисмоний машқлар билан шугулланинг, бир меъёра нафас олинг, шунда ўз ҳолатингизни яхшилаб турасиз. Тана ва ақл ҳаракати билан кучсизлигингиизни енгишингиз мумкин.

Баъзан бу ҳам сизга яхши уйқу олиб келмайди. Кўпинча сиз кучли чарчоқдан ёки ҳаддан ташқари ҳаяжонланишдан ухлай олмайсиз. Яна шуни айтиш керакки, кўп ухлашга нисбатан кам ухлаган яхшироқ.

Уйқу келишини турили воситалар билан, яъни уйқу дориси, наркотиклар орқали чақирманг, бу ёмон оқибатларга олиб келади. Бундан пайтларда тушлар кўра бошлийсиз. Ёмон тушлар сизни қийнайди, дам олиш ўрнига, баттар чарчаб уйғонасиз.

Ёшингиз ўтиши билан тушларингиз безовта қиласиган, қўрқувга соладиган бўлаверади. Булардан қутулишнинг ягона йўли - соғлом турмуш тарзи, ҳар қандай кучлантирувчи воситалардан воз кечиш, кечасига ошқозонни бўш тутиш, меъёрида жисмоний меҳнат билан

шүғулланиш, очик ҳавода сайд қилиш, маълум режимга риоя қилиш. Шунда уйқу тинчлантиради, турли тушлардан халос бўласиз.

Ётоқхонадаги китоблар

Уйқу чуқур ва тетиклантирувчи бўлиши учун ўзимизни қандай тутишимиз зарур?

Кунни фаол ўтказиш лозим, лекин ҳаддан ташқари толиқмаслик керак. Уйқудан оддин жуда кам овқатланинг ёки умуман овқатланманг. Бироз китоб ўқиш ёки чиройли сухбат қилиш фойдадан холи эмас.

Телевизорда замонавий жангари фильмларни кўриб, асабларингизни шундай ўйнатиб юборишингиз мўмкинки, кечаси билан безовталаниб, қўрқиб чиқасиз. Тинчлантирувчи яхши мусиқа, чиройли манзараларни кўрсатувчи саёҳат ва сизни тўлқинлантирмайдиган кўрсатувларни томоша қилиш тавсия этилади. Уйда тинч ҳолда вақтни ўтказиш ҳам яхши уйқу олдидан зарур. Ётадиган жойга яқин китоб жавони, у китобларга тўла бўлсин.

Кўпинча бирон китобнинг бир неча бетини варақлаб, кўздан кечиришингиз билан чироқни аста ўчириш мумкинилигини сезасиз. Дераза яrim очик, пастроқ ёстиқ қулай, сиз ўн марта чуқур нафас оласиз ва ширин уйқуга кетасиз.

Кечки «ибодат»

“Қандай баҳтлиман мен! Бутун оиласи чуқур, тинч уйқуда. Хонадоним тинч ва мароқли. Бундан баҳтга сазовор бўлиш учун мен нима қилдим?

Бугунги күн ажойиб эди. Мен жуда яхши ишлардим ва бундан роҳатланардим. Бу шунинг учунки, мен ўзимни яхши ҳис қиласардим. Эртага ҳам мен ўзимни яхши ҳис қилишим керак. Мен роҳатланишим керак. Эртага худди бугунгидек мен севинишга ҳозирланишим керак.

О, ҳаёт! Қанчалик роҳат бағишлиади! Бунинг учун мен қанчалик тасаннолар айтаман. Мен балки буларга сазовор эмасдирман, лекин буни тушунаман. Соғлик ва баҳт булоғига мен севинч ва ташаккурлик билан мурожаат қиласман..."

Сиз роҳатланиб кўзингизни юмасиз ва тинч шароитда уйқуга кетасиз. Сизнинг охирги фикрларингиз мия остига ўтиб, ўша ерда жойлашади. Эртага эса баҳт, ишонч ҳиссиётлари яна чулғаб олади.

Агар ухлай олмасангиз...

Агар уйқу келмаса, нафас олиш ритмига мослаб, шу ритмга ўхшатиб нафас олсангиз, уйқуни чақирган бўласиз.

Тинч ётиб олинг, иложи борича бўшашинг ва юмуқ кўзлар билан худди ухлаётгандек нафас олинг. Миянгизнинг "эшигини" ҳам кўзларингиздек ёпинг. Агар бу ёрдам бермаса, томир уришини мингтacha санаб кўринг, ҳар юзтада бир бармоқни юмасиз. Бу уйқуга кетишни осонлаштиради. Яна бир усул - қорнингизни пастта қилиб ётинг, қўлларингиз ёстиқ тагида, юзингиз чап томонга бурилган. Шу ҳолатда ўзингизни бўш тутсангиз, яхши самара беради, чунки бу ҳолатдан ёш болалар ўз уйқуларида кўп фойдаланадилар.

Эсингизда бўлсин, уйқу тана бўшашган ҳолатда келади. Сиз ўрнингизда ётганингизда тўшақдан, кроватдан пастга... пастга, пастга, подан пастга... пастга, пастга, қанча мумкин бўлса, шунча пастга...

Озод бўлиш - мана сизга бўшашган ҳолатда чуқур уйқунинг сири.

Ҳақиқатда ҳам кун давомида мушакларни бўшаштириб туриш керак.

Кимдир қовоқ солиб, қошларини чимиради. Бошқаси хонада у бурчакдан бу бурчакка асабийлашган ҳолда юради. Асабийлашган аёл панжаларини муштум қилиб сиқади... Кун давомида бундайлар маълум вақт орасида мушакларини бўшаштириб туришлари лозим. Агар унинг иши кўзини толиқтирса, ҳар соат узокларга қараб, кўзига дам бериши зарур. Доимо столда ўтирадиган машинистка маълум вақтдан сўнг иш ўрнидан туриб, бироз бошқа ишлар билан машгул бўлсин. Соҳангиз қандай бўлишидан қатъи назар, кун бўйи бир неча марта бошқа иш билан шуғулланишга ҳаракат қилинг ва мушакларингизни бўшаштириб дам беринг. Бўшашинг, кўзингизни юминг, ўзингизга ёқимли бўлган, сизни тетик қиласидиган нарса ҳақида ўйланг.

Тушки уйқу

Мексика, Испания, Швейцария, Франция ва Италия дунёдаги энг юқори цивилизациялашган мамлакатлар сирасига киради. Бу юртларда одамлар кун ўртасида ҳам дам олишади. Улар "ленч"-истеъмол қилиб бўлганларидан сўнг ётадилар ва маза қилиб ухрайдилар. Бу аввал АҚШда ҳам урф эди, баҳтга қарши, бу яхши одат ҳозирги

Америкада етишиш қийин бўлган ҳолатта айланиб қолди. Техниканинг илдамлашиши ҳисобига тушки уйқудан воз кечиб, америкаликлар ютқаздилар.

Мен кун бўйи танаффусиз ишлаётган вақтимдаёқ тушки уйқудан баҳра олардим. Бу менга кўп севинч баришларди. Бу ҳозир менга озодлик символи бўлиб кўринади. Тушки уйқудан кейин худли янги кун бошлангандек бўларди.

Тушки уйқу бир кун ўрнига сизга икки кун беради. Ярим соатдан бир соатгача худди батареяларни қайта зарядка қилган каби ўз батареяларингизни қайта қувватлантирасиз.

Агар АҚШ президенти бўлсам, менинг биринчи шиорим бундай бўларди: "Кун ўртасида икки соатлик дам - ҳар бир америкалик учун!"

Сизнинг ошқозонингиз овқатланишдан сўнг бир оз танаффус талаб қиласди, шу вақт ошқозон бутун организм диққат марказида бўлади. Стадионда югураётганда оёққа ёки китоб ўқиёттан мияга қон ҳайдашни юракка буюрманг. Худди шунга ўхшаш - танаффус вақтида юрак эътиборни ошқозонга қаратсин.

Мудроқ босганида уни ҳайдаб, мен тетик бўлишим керак, деманг. Яхшиси, бундай денг: "Ошқозоним яхши ишлаши учун мен кўзимни юмиб, бироз ётаман".

Мудроққа қаршилик кўрсатманг, асалариdek тинимсиз бўлманг.

Барча ишларингизни четга суриб, бироз дам олишга кучингиз етсин.

Яхши уйқу

Ухлатадиган дорилар қабул қилиш - ёмон одат, бу асаб тизимининг тўла бузилишига олиб келади.

Бу дорилар охир-оқибат наркотиклар қабул қилишгача олиб бориши мумкин, чунки уйқу дориси дозасини күпайтириб туришга түгри келади. Таблеткалар одамни ўлдиради. Чой, кофе, тамаки, кока-кола ва уйқудан олдин тўйиб овқатланиш уйқусизлик келтириб чиқаради.

Сиз қаттиқ кроватда ухлашингиз зарур. Бунда мушакларингиз эластиклиги ортади. Мен тахта кроватимга юпқа паролон тўшак ёзиб ухлайман. Аввалига бироз қийин бўлса ҳам, биринчи кундан сўнг ўрганиб кетасиз ва уйқунгиз яхши бўлади. Кроват кенглиги 90 см.дан кам бўлмасин. Агар икки киши бир кроватда ётса, унинг кенглиги 180 см.дан кам бўлмасин. Менинг фикримча, уйқу бақувват асаб кучи тузишнинг муҳим қисми бўлгани учун алоҳида кроват бўлгани маъқул. Икки кишининг бир кишилик кроватда ухлаши нокулайлик тудиради, гигиенага тескари. Яхши ухлаш учун одам бир ўзи ухлаши керак. Биз ҳаётимизнинг учдан бирини ўрин-кўрпада ўтказамиз. Шунинг учун кроват ва ўрин кўрпалар нархига савдолашманг, чунки бир марта яхши дам олиб ухласангиз, ҳамма ҳаражатларингиз эсдан чиқиб кетади.

Қулай, ҳаракатларингизни чекламайдиган тунги кийим кийинг ёки кийимсиз ухланг. Айниқса, ёзда кийимсиз ухлаш сизга эркинлик ва завқ бағишлиди. Бир кечалик яхши дам олдирадиган, кучингизни тиклайдиган, тинчлантирадиган уйқу - соғлигингиzinинг яхши суғуртаси, десак, адашмаймиз.

Табиий озиқ-овқат – бақувват асаб кучини барпо қилишда учинчи қадам

Бахтли ҳаёт кечириш учун соғлом ақл зарур, у мия фаолияти натижаси, мия эса жисмоний тананинг бир қисми. Агар мия озуқаси етарли бўлмаса, соғлом ақлга эришиш мумкин эмас.

Бизнинг маданиятли давримизда кўпчилик ақл эгалари бетоб. Тарихимизда ҳеч қачон ақди заиф болалар ва асаби бузуқ одамлар бунчалик кўп бўлмаган. Коинотдан келган саёҳатчи ерга қараб айтган экан: "Ўзингизнинг жаннатмакон планетангизни қандай ифлос ерга айлантирудингиз!"

Сиз планетамизнинг энг ёмон муаммоларини биласиз, урушлар, жиноятлар, миллионлаб очяланғочлар, бир миллатнинг иккинчи миллатга нисбатан адovати... Биз асабли, нафаси сиқилаётган даврда яшаяпмиз ва унинг касали борган сари ортиб боряпти. Миллионлаб ёшлар буни кўриб, наркотикларга ўрганмоқдалар, реал ҳаётдан қочмоқчи бўладилар.

Албатта, ҳеч ким асаб тизимларининг таранглашидан химояланмаган, бунга чидаш ва қарши туриш учун эса бақувват асаб кучини барпо қилиш зарур. Бизнинг марказий асаб тизимимиз мия бошчилигида соғлом ва кучли бўлиши зарур. Бунинг учун унга маҳсус озуқа керак.

Марказий асаб тизими соғ бўлиши учун асосий компонентлардан бири - В витамини. Лекин бизнинг замонавий "ўлик" овқатларда бу витамин йўқ, шунинг учун сизнинг танангиз бундан азият чекади.

Биз нима есак - ўшамиз

Асаб емирилишига олиб келадиган сабабларнинг энг асосийси - нотўғри парҳез. Танангиз соғлом ва бақувват асаб кучига эга бўлиши учун истеъмол қилаётган овқатлар рўйхатини кўздан кечириб чиқиш зарур. Ҳаётингизга хавф солувчи асаб емирилишига қарши туриш учун танани озиқлантириб, кучли қиладиган, ақлингизни расо этадиган, табиий, витаминаларга бой овқат истеъмол қилиш зарур. Марказий асаб тизими истеъмол қилинаётган овқатга боғлиқ экан, айтинг-чи, қандай қилиб уни кучайтирасиз?! Модомики, истеъмол қилаётганингиз бутерброд, сосиска, турли бургерлар, қовурилган картошка бўлса, бунинг устига таркибида кофеин бор чой, кофе ёки кока-кола ичасиз. Демак, витамин ва минераллар етишмовчилиги марказий асаб тизимини кучсизлантиради. Бизда заҳарли ва зарарли химикатларга бой, "ўлик" озиқ-овқат маҳсулотлари тиқилиб ётибди. Биз истеъмол қилаётган овқатларда АДТ заҳарли моддаси мавжуд. Маълумки, у ҳашаротларни ўлдириш учун сепилади. Бундан ташқари, овқатларга турли қўшимчалар ва химикатлар қўшиладики, улар инсон ҳаётини қисқартиради.

В витамины комплекси етишмовчилиги

Бизнинг маданийлашган овқатларимизда В витамины комплекси етишмаслиги учун танамиз бетоб, асабларимиз таранг, бунинг устига

сурункали чарчаймиз, буларнинг барчаси баъзан ўз-ўзини ўлдиришгача олиб боради.

Менинг фикримча, кўплаб тамаки, алкоголь, чой, кофе, наркотик қабул қилиш В витамини комплекси етишмаслигига тўғридан-тўғри алоқаси бор. Мен кўплаб одамларнинг кундалик парҳезларини назорат қилиб, шунга амин бўлдимки, юқоридаги кучли стимуляторларни қабул қилувчилар барчаси В витамини комплекси етишмаслигидан азият чекадилар. Натижада кўпчилик одамлар ҳаётий энергиялари емирилиши арафасида яшамоқдалар.

Уларнинг истеъмол қилаётган озуқасига назар солсангиз, асаб энергиясини кўпайтирадиган озуқалардан бирортасини кўрмайсиз. Инсон танаси етишмаётган моддалар ҳақида, албатта, огоҳлантиради. Лекин одамлар етишмаётган моддалар ўрнини бошқа нарсалар билан, масалан, оқ қанд билан бойитилган, шимиладиган конфетлар, торталар, кекслар, музқаймоқ, пирог, сақич ва бошқалар билан тўлдирадилар. Булар сизни вақтинчалик алдаб, сунъий куч бағишлигандек бўлади, аслида эса аввалгидек витамин етишмовчилиги ортади. Кўнглингиз ширинлик истаганида ўрнига В витаминига бой озиқ-овқат истеъмол қилинг. Аслида витаминалар етишмовчилигини аниқлаш анча қийин. Вақти-вақти билан қайтарилиб турадиган бош оғрифи, шамоллашлар, ошқозон бузилиши, қабзият ва уни кучли ич кетказадиган дори билан даволаш... Бундай одамлардан "Аҳволинг қалай?" деб сўранг, у: "Жойида!" деб жавоб беради. У шунчалик бетобки, ўз касаллиги ҳақида ўйламасдан яшашга ўрганиб кетган. Улар тўла асаб бузилишига етиб

келмагунларича ҳаёт шундан иборат экан, деб юраверишади.

Камдан-кам одамлар соғлик қадрига етиб, баҳтли яшашади.

Бу озуқалардан ўзингизни тийинг

Бақувват асаб кучини барпо қиласман, десандиз, қуйида санаб ўтилган "ўлик" озуқалардан ўзингизни олиб қочинг:

- оқ, қанд, шакар ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар;
- жем, желе, мармелад, музқаймоқ, шарбат, пирог, кекс, торт, лимонадлар, печеньелар, сақичлар ва ҳоказо;
- зирауорлар, кетчуп, горчица;
- гўштли ва балиқли соуслар;
- маринадлар;
- туз ва тузламалар;
- шўр магиз ва ёнғоқ;
- тузлаб қуритилган нон, сухариклар;
- тозаланган оқ гуруч;
- қовурилган жўхори;
- ёғларга тўйинтирилган маҳсулотлар;
- пахта ёфи;
- чой;
- маргарин;
- кофе;
- ерёнғоқ мойи;
- тамаки;
- дудланган балиқ;
- алкоголь ичимликлар;
- чўчқа гўшти ва ундан тайёрланган маҳсулотлар;

- дудланган гүшт;
- бекон;
- газакбоп гүшт;
- сосиска;
- колбаса;
- товуқ ва жүжа гүшти, айниңса, дүконда сотиладиган турлари, уларга тез ўстирувчи дорилар берилади;
- консерваланган шүрвалар;
- қуристилган мева, агар қуритишда химикат ишлатылған бўлса;
- оқ ун ва ундан тайёрланган маҳсулотлар;
- ҳозир тайёрланған қора нон (ржаной хлеб) ҳам табиий эмас, унга қорайтириш учун бошқа нарса қўшилади.

"Тирик" нон ёпинг

Нон - ҳаёт асоси. Лекин мен нонвойхоналарда ёпилаётган нонни ейишни ўйласам, кайфиятим бузилади. Нонда керакли витаминалар, кальций ва бошқа моддалар борлигига ишонч ҳосил қилиш учун уни ўзингиз ёпганингиз маъқул:

0,5 литр дистилланган сув, 1 ошқошиқ асал ёки 100 гр. шакар, 1 плитка ачитқи (дрож) ёки 1 қошиқ қуристилган ачитқи, 1,2 кг. эланмаган ун, 250 гр. ундирилган буғдой дони олинг.

Асал ярим литр сувда эритилади, унга ачитқи қўшиб, эритинг. Сўнгра ун ва буғдой донларини аралаштиринг. Хамир яхшилаб қорилади, битта ёки иккита каравай ясалади. Каравайни печкага нон қолипи билан жойлаштириб, 100°C ҳароратда то хамир икки баравар ошгунча қўйинг, печка эшигини очик қолдиринг.

Сўнгра печка эшигини аста-секин ёлиб, 350⁰С ҳароратда 50 дақиқа нонни пиширасиз. Усти қаттиқ бўлиб, қолипдан кўчадиган бўлса, нон пишган бўлади. Нонни қолипдан кўчириб, ёғ суртиб, совутишга қўйинг.

Буғдой уни ўрнига арпа, сули уни ишлатиш мумкин, ёнғоқ, хурмо, смородина, мағиз, қора олхўри, анжир аралаштиурса ҳам бўлади. Нон ёпиш жараёни сизга ҳузурбахш дақиқалар бағишлиайди.

Нонни музлаткичда сақланг, чунки узоқ вақт сифатли туради.

Буидай нон В ва Е витаминаларига бой бўлади.

Вақтим йўқ, деб баҳона қилишга уринманг. Ҳозирги вақтда барча банд. Лекин соғлик учун ҳамма нарсадан воз кечинг. Агар табиий овқат истеъмол қилмоқчи бўлсангиз, сиз вақт ва куч топа оласиз.

В витаминига бой озуқа

Сиз В витаминига бой озуқаларни истеъмол қилишингиз зарур. Мана уларнинг турлари:

1. Ачитқи (дрож). Буни истеъмол қилишнинг турли йўллари мавжуд. Мен ва Патриция исмли қизим ачитқили ичимлик тайёрлаб ичишни яхши кўрамиз. Рецепт қуйидагича: 3 стакан мева шарбати (апельсин, грейфрут, ананас, помидор...), 1 ошқошиқ ачитқи, 1 ошқошиқ ундирилган буғдой дони, асал (таъбингизга қараб), 1 ошқошиқ гуруч, 1 та тухум сарии олинг.

2. Ёнғоқ ёғи - В витаминига бой.

3. Арпа донлари.

4. Эланмаган жўхори уни.

5. Ҳўл ва қуритилган соя, нўхат, ловия...
6. Буғдой донлари.
7. Гуруч.
8. Меваларнинг барчаси.
9. Кўкатлар, редиска, турпнинг ёш барглари, горчица барглари, шпинат, карам.
10. Қўзиқорин.
11. Сут ва ундан тайёрланадиган барча маҳсулотлар.

Бундан ташқари, мол гўшти, жигари, юраги, мияси, янги тайёрланган шницел, қўй гўшти, жигари, буйраги, мияси...

Яна табиий озуқа билан боқилган паррандалар гўшти, қисқичбақа, краблар...

Кўриб турибсизки, витаминаларга бой ҳайвонот ва ўсимлик маҳсулотлари тури жуда кўп. Демак, парҳезингизни ўзингиз шундай тузингки, у витаминаларга бой ва хилма-хил бўлсин.

Вегетариан парҳез учун меню

Нонуштада: В витаминига бой мевалардан 1 коса, унга ундирилган буғдой донлари ва (асал таъбингизга қараб) қўшинг, сут (истагингизча) ёки соя, бодом ё писта сути (муздек сув билан янчилган бодом аралашмаси, унга хоҳишингиз бўйича асал қўшишингиз мумкин), янчилмаган буғдой дони қўшиб пиширилган нондан 2 бўлакча, ёнғоқ ёғи.

Ленчда: карам салат, арпа дони аралаштирилган сабзавотли шўрва, қовурилган банан.

Тушлиқда: янги узилган сабзавотлардан салат, қовурилган қўзиқорин, бир бўлак донли нон, димлаб пиширилган ловия, бир дона буғда пиширилган олма, ундирилган буғдой донлари.

Аралаш парҳез учун оддий меню

Нонуштада: бутун грейфрут, иккита тухум ёки қуритилган мевалар, асал, ундирилган дон, иккى бўлак ундирилган буғдой дони қўшилган нон, ёнроқ ёғи.

Ленчда: сабзавотли салат суюқ ҳолдагиси билан, қовурилган жўжа, горчица кўки, бўлакча қилиб кесилган апельсин.

Тушлиқда: карамли салат, пиёз қўшилган жигар, янги узилган нўхот, донли нон, асал қўшилган драчена.

Сизнинг асабларингиз кальцийга муҳтож

Биз соғлигимиз ва асаб кучимиизни тиклашда бошқа минерал моддаларга нисбатан кальцийга кўпроқ муҳтожмиз.

Кальций, агар тўғри пропорцияда қабул қилинган бўлса, тишларимиз мустаҳкамлигини, суякларимиз бақувватлиги, пўлатдек асаблар, кучли мушаклар, эластик тери, бир меъёрдаги юрак уриши, гавдамиз тўғрилиги, ўткир ақл ва соғлом ички аъзоларни беради.

Агар кальций камайса, сиз асабийлашасиз, ўзингизни идора қила олмайдиган, тез жаҳли чиқадиган бўлиб қоласиз. Кальций сизнинг соғлигингизни назорат қилишга ёрдам беради, сиздан шахс яратади.

Асабларнинг фаолияти учун кальций жуда зарур. Бу минерал модда тананинг бир жойидан иккинчи жойига импульсларни узатишда ёрдам беради. Кальций бўлмаса, сиз қўлингизни иссиқ

плитадан тортиб ололмайсиз, автомобилга йўл беролмайсиз, овқат мазасини сезмайсиз. Кальций етишмаслиги томир тортилиши, юрак уриши пасайишига олиб келади. Кальций етишмаслиги кишининг бўйи ўсишдан тўхташига, тишларнинг майдалашишига, суякларнинг нимжонлашишига олиб келади, юмшоқ этларда ўзгаришлар пайдо бўлганда кальций етишмаслигини аниқлаш қийинлашади, юмшоқ этда фақат 1% кальций бор, лекин шу 1% кальций етишмаслиги юз берса, одам ҳаддан ташқари асабийлашади. Конда кальций етишмаслиги асаблар сигнал юбора олмаслигига олиб келади. Натижада асаблар емирилади, тана бўшашиб, дам ололмайди. Бу ҳаяжонга берилувчан болаларда, айниқса, сезилади. Катталарда эса ёқимсиз характер, сабабсиз сўкиниш, кайфият ўзгарувчанилиги, кейинроқ мушакларда томир тортишиши, бўғилиш каби оқибатларга олиб келади.

Кальций етишмаслиги аниқланган болалар ва катталарда тирноғини чайнаш, қўл ва оёқларини тинимсиз ҳаракатга келтириш, сақич чайнаш, бурун кавлаш, қулоқни кавлаш, бош қичиши каби одатларга дучор бўладилар. Улар маълум муддат тинч ўтиrolмайдилар, қўллари ёки бармоқлари билан тақимлата бошлайдилар. Улар ҳаддан ташқари инжиқ бўлиб, сабабсиз йиғлашлари, ўзларини идора қила олмасликлари кўзга ташланади.

Кальций етишмаслиги ҳатто шахснинг ўзгаришига олиб келади, баъзан яхши томонга ўзгартириши ҳам мумкин.

Мен тажрибалар ўтказиб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, аввал жаҳлдор, сабабсиз инжиқ, йиғлоқи, жанжалкаш, асаби бузилганлар ҳаёт

тарзини ўзгартириб, соғлом табиат қонунларига риоя қилишганидан сўнг тинчланиб, баҳтли инсонларга айландилар.

Эсингизда бўлсин, сиз ўзингиз билан ўзингиз яшайсиз. Аниқ биламанки, сиз баҳтсиз, нотинч, жаҳддор киши билан яшаши истамайсиз. Сиз баҳтли бўлиш учун туғилгансиз, демак, буни ҳар биримиз ўзимиз учун ўзимиз қилишимиз зарур. Ҳар куни етарлича кальций истеъмол қилинг.

Кальцийга бой озуқалар

1. Бодом, бодом-писта магизлари.
2. Пишган соя, ловия, нўхат, фасол.
3. Лавлаги.
4. Пишлоқлар, айниқса, эчки сутидан тайёрлангани, эски пишлок.
5. Сабзавотнинг янги кўк қисми, лавлагининг янги барги, горчица кўки, момақаймоқ кўки, салат-латук, кресс-салат...
6. Сут, қўй, эчки сутлари кучли, сигир сути ҳам бўлаверади, от, тую сутлари бебаҳо.
7. Эланмаган ун.
8. Суяқ уни.

Сиз улардан кераклиларини танлаб, ўзингизга рацион тузиб оласиз, асабларингиз кучини етарлича ушлаб тура оласиз. Бу сизга асабларингиз тинчланишига ёрдам беради.

Табиий озуқалар асосида парҳез қилиш

Табиат қонунларига бўйсуниб яаш қийин змас, бунда сиз эркинлик, соғломлик ва баҳтта эришасиз. Табиий озуқалар асосида парҳез

қилишнинг бир неча оддий қоидалари мавжуд. Рецепт ва менюларни тузища барча имконият ва акл-фаросатингизни ишга солинг.

Асосий қоидалар

1. Табиий парҳезнинг бешдан уч қисмини мева-сабзавотлар ташкил қиласин (хом ёки енгил пиширилган ҳолда). Нонушта вақтида мевали ва сабзавотли салатлар истеъмол қилинг. Уларни тайёрлашда иложи борича кам сув ишлатинг. Ҳаддан ташқари пишириб юборманг. Мен сопол идишда, озгина сув солиб, овқат тайёрлайман. Кartoшка пўчори билан бирга печкада пиширилади. Тахминан 25 дақика 550°C ҳароратда печкада жуда мазали бўлиб пишади. Мен консерваланган ёки музлатилган сабзавот ва мевалардан фойдаланмайман, ўзим тайёрласам, унда химикат йўқлигига ишонаман.

2. Парҳезингизнинг бешдан бир қисмини протеинлар ташкил қиласин. Гўштни ҳафтасига уч мартадан кўп истеъмол қилманг, тухумни ҳам. Протеинлар соя, чечевица, жигарранг гуруч, турли ёнғоқлар, янги тутилган балиқ, табиий пишлок, писталар ва пиво ачитқисида кўп бўлади.

3. Парҳезнинг қолган бешдан бир қисми уч бўлақдан иборат:

- табиий ёғ ва мой: зайдун, соя, ёнғоқ, писта ёғлари;

- табиий ширинликлар: асал, клён шакари, куруқ, мевалар;

- табиий крахмал: барча донли ўсимликлар.

Кўп еманг, туз истеъмол қилманг. Менинг

үйимда құритилған сув ўтинг ховончада майдаланғани құшимча сифатида ишлатиласы.

Шундай қилиб, сиз:

1. Ҳазм бўлмайдиган озуқалар истеъмол қилманг.

2. Фақат табиий озуқа истеъмол қилинг.

Сиз бунга тез ўрганасиз, оқибатда муносиб равишда мукофотланасиз.

Жисмоний ҳаракатлар – бақувват асаб кучини барпо қилишда тўртинчи қадам

Бақувват асаб кучини барпо қилишда 2-5 мил масофани тез юриб ўтишдек яхши усул йўқ.

Сиз қари ва қувватингиз йўқми? Бекорларни айтибсиз! Менинг чевараларим бор, лекин ҳалиям тез юраман, сакрайман, югураман, сузаман, велосипедда учаман, тоғларга чиқаман, теннис ўйнайман, ёшим спорт билан шуғулланишимга халақит бермайди. Албатта, сиз бирданига сувга шўнғимайсиз, кечга бориб спортчи бўлиб қолмайсиз. Буни аста-секин бажаринг. Аввал бир мил пиёда юринг. Буни бир ҳафта қилиб ўргангандан сўнг масофани икки милга оширинг. Мушакларингиз машқларга кўникканидан кейин масофани кўпайтиринг ёки чопиш тезлигини ошириб боринг.

Натижада мушакларингиз анча пишийди. Қон юришини тезлаштиринг, нафас олиш чуқурлашади ва ўпкани кислород билан тўлдиради, сиз бутун танада янги куч сезасиз, иштағангиз очилади, уйқунгиз худди ёш бола уйқусидек оромбахш бўлади.

Асаб кучи резервуарлари янги куч билан

тұлади, ҳаётта қизиқишиңгиз ортади. Қанчалик күп вақтингизни очық ҳавода үтказиладиган машқларга ажратсангиз, шунчалик асаб күчлари зағираси ортиб боради, сиз вазминлашасиз ва асабийлашишдан холи бўласиз. Бу, айниқса, болаларда тез кўзга ташланади. Ҳаракатсиз болалар спорт ўйинларидан воз кечадилар, кўпинча жисмонан руҳан кучсиз бўлиб ўсишади. Фаол спорт ўйинларини севадиган, мунтазам машқ қиласидиган болалар асаб тизими мустаҳкам бўлади, чунки бошқа кечинмаларга уларда вақт қолмайди.

Ёшингиздан қатъи назар, аста-секин машқлар қилишга, югуриш ёки пиёда юришга ўзингизни мажбур қилинг. Бошланишида бироз қийналсангиз ҳам, кейин ўрганиб кетасиз.

Агар сиз вазмин ўз кучига ишонадиган, бўлар-бўлмасга асабийлашмайдиган, бақувват бўлишни истасандигиз, очық ҳавода үтказиладиган машқлар ҳаётингиз бир бўлагига айлансин.

Кучли ҳаяжонланганда ёки ҳиссиётга берилганда очық ҳавода сайр қилинг

Бир неча йил аввал мен очық ҳавода сайр қилиш билан ҳиссиёт ва ҳаяжонларимни жиловлашим мумкинлигини тушуниб етдим.

Мен олдимда турган ҳар қандай муаммони еча оламан, бунинг учун 2-5 мил масофага тез юриш кифоя. Натижада кислород мияни озиқлантиради, ҳар бир инсон аникроқ ўйлай бошлайди.

30-йиллар улуғ молиявий инқизор вақтида бор-йўғидан ажралган бир бойвачча дўстим бир куни олдимга келиб, ҳаётнинг қизиқлиги қолмади, энди

у дунёга равона бўлсам ҳам бўлаверади, деган гапларни айтди. Шунда мен уни ўзим билан сайрга таклиф қилдим, бирга беш соатча ўзаро суҳбат қуриб сайр қилдик. Бу вақт ичида мен унга пул ҳамма нарсани ҳал қилавермайди, ҳаёт қадрини фақат пул ташкил этмайди, деган фикрларни сингдеришга ҳаракат қилдим, нариги дунёга равона бўлишга шошилмаслик маслаҳатини бердим.

Узок вақт очиқ ҳавода сайр этиш уни ҳам тиниқ ақл билан фикрлашга чорлади. У ўз фикридан қайтди. У ҳозир ҳам мен билан дўст, молиявий бой бўлмаса ҳам, маънан бой ва бақувват.

Кайфиятингиз ёмонлашиб, безовта бўлаётган вақтингизда тезда очиқ ҳавога чиқинг ва жисмоний машқлар билан шуғулланинг бўлмаса, салбий фикрлар сизни қамраб олади. Сайр қилиш ёки жисмоний машқлар билан шуғулланиш ақлингизни тиниклаштиради, муаммоларингизни ҳал қилиш осонлашади.

Очиқ ҳаводаги ҳар қандай фаолият шахсга хушкайфият бахш этади.

Сизга қандай машқларни бажариш мумкин

Қадимги ҳиндулар Худога яқинлашишни истаб, бунга эришиш учун тана ва қон кучли тоза бўлиши кераклигига ишонар здилар. Улар йога деб аталувчи машқлар тизимини ривожлантириб бордилар. Унинг асосига қўйилган фикр шу здики, инсон танасини машқ қилдириш йўли билан соғлом бўлиши мумкин.

Мен ишонаманки, тўғри машқлар эркак ва аёлларнинг янги авлодини яратади. Бундай

одамлар кучли ва соғлом бўлишади. Кундалик ишларини бажариб, яна ўқиши, хоббилари билан машғул бўлиш имкониятига эга бўладилар. Улар дангаса, ялқов, машқлар билан шуғулланмайдиган одамларга нисбатан 20-40 йил кўпроқ навқирон, куч-қувватга тўла ҳаёт кечиришлари мумкин. Мунтазам маҳсус машқлар бажариб, инсон узоқ йиллар жисмонан ёш, бақувват бўлиши мумкин. Жисмоний машқлар аёлларга кўп нарса тухфа қиласди. У жозибали, вазмин, доимо ёш, қадди-қомати келишган аёлга айланади.

Ҳозир сизнинг ёшингиз нечада эканлигидан қатъи назар, шу онданоқ турли машқлар бажариб, биологик ёшингизни орқа томон буришингиз мумкин, яъни яшаришингиз ўзингизга боғлик.

Шундай қилсангиз, қуидагиларга эришасиз:

1. Сизда кислород циркуляцияси яхшиланади, ўзингизни қувватлироқ сезасиз.
2. Тананинг баъзи ерларида, айниқса, бўйин, курак ва умуртқа поғоналарида йифиладиган чарчоқни тезда кетказади, улар чўзилувчанигини орттиради. Ўзингизни енгил ҳис қиласиз.

3. Доимий чарчоқ ҳиссини йўқотиш - энг асосий ютуқ. Кон танада, айниқса, мияда тез айланиб турмаса, яъни циркуляция бўлмаса, бундай одам ўзини доим ҳориган сезади. Машқлар кон айланишини яхшилайди, барча аъзоларни кислород билан таъминлаб, қувватингизни оширади.

4. Машқлар асаб тизимини тинчлантиради. Демак, сиз кечаси яхши ухлайсиз ва кейинги кун учун куч йифасиз.

5. Машқлар ҳиссий назоратни оширади, асабларни мустаҳкамлаб, мувозанатни сақлайди,

бу эса соғлом асаб тизими ва соғлом ақл фаолиятидан дарак беради.

Машқларни мунтазам бажарсангизгина, керакли ютуқларга эришасиз.

Менинг "Ички жисмоний соғломликнинг олтин калитлари" китобимда бу машқлар тизими берилган.

Ёшингиз машқлар билан шуғулланмасликка баҳона эмас. Менинг Рой Уайт исмли дўстим 107 ёшда бўлишига қарамасдан кунига 5-7 мил пиёда юради. Ҳеч ким машқ бажариш учун ўзини қари сезмасин.

Ҳаракатсиз дам олиш – аъзоларни занглашиб. Илдам қадамлар билан юринг, қанча кўп юрсангиз, ўзингизни шунчак яхши сезасиз.

Агар танангизни ишлатмасангиз, уни йўқотасиз.

Тўғри нафас олиш – бақувват асаб кучини тиклашда бешинчи қадам

Кислородга тўйинмаган одамлар кўпинча асаби бузилган бўлади. Юқорида қайд қилинганидек, ҳаётий аъзолар фаолияти асаб тизимиға боғлиқ. Шунинг учун асаб емирилиши ошқозон, буйрак, жигар, ичаклар ва бошқа аъзолар фаолиятини пасайтиради, турли касалликлар келтириб чиқаради.

Юрак ва ўпка асаб емирилишидан, айниқса, азият чекади. Биз кўп кузатганмиз, озгина ҳаяжонлансанак ҳам, нафас олиш, ўз навбатида, юрак қисқариши ҳам тезлашади. Юрак уриши тўхтаганидан бир неча дақиқа ўтганидан сўнг ўлим содир бўлади. Юракка кислород етиб келмаса, у уришдан тўхтайди.

Қон - ҳаёт оқими, у тоза бўлиши шарт. Юрак ва ўпка вазифаси - қонни тоза тутиш. Ҳар бир нафас олингандан кислород қонга ўтиб, ҳаёт бағишлийди. Заҳарли ҳаво чиқариб ташланади. Шунинг учун биз чуқур ва тўғри нафас олишимиз зарур. Нафас олишнинг икки усули мавжуд:

1. Кўкракдан нафас олиш (грудное дыхание);
2. Диафрагмалар ёрдамида нафас олиш.

Кўкракдан нафас олиш усули

Кўкракнинг қовурға қисми ҳаракати, айниқса, унинг юқори қисми ҳаракати натижасида нафас олинади.

Нафас олингандан кўкрак қафаси кенгаяди. Нафас чиқарилганида эса тораяди. Бу нафас олиш усули, айниқса, нафас олиш ва чиқариш чегарасида - кўкрак қафасини ривожлантирувчи ички машқлар шакли бўлиб, ҳамма томонлама фойдали ҳисобланади. Танага кучли ташқи таъсир рўй берган ҳолларда кўкрак нафас олиш усули ишлатилади. Бу баъзан куч ёрдамида нафас олиш дейилади.

Диафрагмалар ёрдамида нафас олиш

Диафрагмалар ёрдамида нафас олиш, бошқача айтганда, қорин бўшлиғи ёрдамида нафас олиш шу билан характерланадики, нафас олинганида қорин бўшлиғи кенгаяди, катталашади ва нафас чиқарилганида қисқаради, яъни кичиклашади. Айтиш зарурки, бу усул билан нафас олинганида ҳаво қорин бўшлиғига кирмайди, юрак ва ўпкани

қорин бўшлиғидаги бошқа аъзолардан ажратиб турувчи кенг мушак - диафрагма пастга ҳаракат қилиб қисқарса, ҳаво ўпкага киради, диафрагма юқорига ҳаракат қилса, ҳаво ўпкадан чиқарилади.

Бу кенг мушакнинг галма-гал пастга ва юқорига ҳаракати аъзоларни ҳаракатга келтиради ва қорин бўшлиғидаги босимни ўзгартиради.

Диафрагма ёрдамида нафас олиш - тинч нафас олиш ёки нормал нафас олиш дейилади. Ёшлиғимизда шундай нафас оламиз. Камдан-кам одамлар бу нафас олиш усулидан фойдаланадилар. Кўпчилик катталар кўкрак нафас олиш усулини қўлладилар. Чунки катта бўлган сари одамлар танасини сиқадиган кийим кияди, ўтириб меҳнат қиласи, бу эса диафрагма ҳаракатини қийинлаштиради. Натижада, кўкрак нафас олиш усулига одатланилади. Йиллар ўтиши билан бу шунчалик одатга айланиб кетадики, қорин бўшлиғи ёрдамида нафас олишга ўтиш кўп куч талаб қиласи.

Диафрагма ёрдамида нафас олиш усулининг ютуқлари

1. Ўпканинг юқори ва пастки қисмларига ҳаво ўтиши натижасида қон кислородга яхши тўйинади.

2. Диафрагма қорин бўшлиғида босимни ўзгартириши натижасида қон циркуляцияси яхшиланади.

3. Ичаклар ҳаракати яхшиланади, бу эса овқат ҳазм бўлишини фаоллаштиради ва заҳарли чиқиндилар тезроқ чиқарип ташланади.

Кўп ҳолларда кўкрак ёрдамида нафас олишдан

Диафрагма ёрдамида нафас олишга ўтганлар сурункали ўпка, юрак, жигар хасталикларидан халос бўлганларининг гувоҳи бўлганман.

4. Диафрагма ёрдамида нафас олиш асабларга тинчлантирувчи таъсир ўtkазади.

Ўта сезгир одамларда тез-тез учраб турадиган асаблар тизими фалажини йўқотади.

Пневмо-гастрек тизими, нафас олиш ва ички аъзолар орасидаги боғлиқлик бола туғилишида яққол кўринади.

Туғилмаган боланинг аъзолари ҳали ишга тушмаган, агар бола ошқозонига ташқаридан овқат кириб қолса, ҳазм бўлмас эди. Лекин биринчи нафас олиши биланоқ, "ҳаёт нафаси" олиниши билан ҳаёт машинаси ишга тушади. Бу биринчи нафас олиш пневмо-гастрек асабларини уйғотади.

Диафрагма ёрдамида нафас олиш

Диафрагма ёрдамида нафас олишни чалқанча ётган ҳолда ўрганиш маъқул, чунки бу энг қулай ҳолат.

Бу бир неча ҳафта ичида машқ қилиб ўрганилгандан сўнг машқни ўтирган ёки турган ҳолда бажаришга ўтасиз. Нафас олишни тўла назорат қилишга ўтгунча ва бундай нафас олиш одатта айлангунича машқларни бажариб бориш зарур.

Диафрагма ёрдамида нафас олиш юрак фаолиятини нормаллаштиришда зарур. Кучли юрак уриши ва юрак фаолиятининг бошқа ўзгаришлари асаблари бузук одамларга хос бўлган ҳолатdir.

Кўпинча диафрагма ёрдамида нафас олиш турли юрак хасталикларидан холи қиласи.

Диафрагма ёрдамида бузилган асабни назорат қилиш

Турли оиласвий келишмовчиликлар, молиявий муаммолар ёки касалликлардан сўнг асаб тизимининг бузилиши табиий ҳол, лекин уни нормал ҳолатга келтириш мумкин.

Тезда тинч жойга боринг, ўтилинг. Томирдан қон уриш тезлигини санаб кўринг. Қон уриши ва нафас олишингиз анча тезлашади. Энди астасекин тўла диафрагма ёрдамида нафас олишга ўтинг. Секин ва узоқ нафас олганингизда дақиқасига неча бор нафас олишингизни сананг. Бир неча дақиқа ўтганидан сўнг қон уриши пасайганини сезасиз. Сизнинг асабларингиз тинчланди. Сиз ҳаяжон билан фикрлаш ўрнига ўзингизни вазмин тутиб, холис фикрлашга ўтасиз. Сиз вазиятни назорат қиласиз. Диафрагма ёрдамида секин ва чуқур нафас олиш тинчланиш ҳамда ҳаяжоннинг олдини олишнинг энг яхши усулларидан биридир.

Диафрагма ёрдамида нафас олиш ҳаёт буловидир

Тез-тез нафас оловчи ҳайвонлар қисқа умр кўради. Узоқ умр кўрувчилар секин нафас олишади. Бу сирни мен 130 ёшга кирган, кўринишидан эса 70 ёшларга ўхаш хиндистонлик бир қариядан билиб олдим. Унинг кўзлари яхши кўтарди, кайфияти яхши ва ақли ўткир эди. У дақиқасига бир марта нафас оларди. Унинг роҳатланаётгани кўзга ташланиб турарди.

Сувли муолажалар – бақувват асаб күчини барпо қилишда олтинчи қадам

Бақувват асаб күчини барпо қилиш учун баданимиз фақат ич томонидангина эмас, балки ташқари томондан ҳам тоза бўлиши шарт. Бизнинг маданий озуқаланиш дастуримиз, табиий озуқа, нафас олиш – буларнинг ҳаммаси танани токсин-зарарлардан тозалашга хизмат қилади. Бу заҳарларни тери тешикчалари орқали чиқаради. Тана терисида 96 миллион тешикча мавжуд. Тери – инсон танасининг энг катта аъзоси ва танадаги ортиқча заҳарли моддалар, намликни чиқариб ташловчи аъзо.

Сувли муолажалар фақат тери тешикчаларини тоза сақлашгагина эмас, балки бақувват асаб күчини барпо қилиш учун ҳам жуда зарур. Заҳарлар тери тешикчалари орқали чиқади, уни ювиб туриш керак. Шунинг учун кунига юваниш жуда муҳим.

Менинг ўйлашимча, душ – терини тозалашнинг энг яхши усули. Мен кучли босимли душни яхши кўраман. Совун турини танлаш ҳам муҳим. Мен ҳеч қачон хўжалик совунидан фойдаланмайман. Чунки унинг таркибида ишқор бор, баъзи атир совунларда ҳам ишқор мавжуд, улардан фойдаланмаган маъқул. Чунки тери юзаси бузилади, тери қурийди, ёрилади. Бундан асаблар ҳам азият чекади, шунинг учун тоза атир совунлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Тана терисига совуқ сув зарурлиги

Совуқ сув худди тоза ҳаво сингари тана ва терини тетиклаштиради. Үнга заарар етказмайди. Бундан олтмиш йиллар аввал мен бадантарбия отаси ва асосчиси Макфэдден билан танишганман. У "Қутб айифи" номли йил давомида тинимсиз фаолият юритадиган клуб ташкил қилди. Клуб аъзолари қишин-ёзин чўмилишади. Ҳозирги вақтда бу клубга аъзолар сони бир неча мингдан ошиб кетган.

Кимки қишида ҳам совуқ сувда чўмилса, унинг териси соғлом ва жозибадор бўлади. Бундай чўмилувчилар учун асаб муаммолари умуман йўқ.

Танангизни совуқ сувга ўргатсангиз, асабларингиз кучи ниҳоятда ошади.

Совуқ сув - энг яхши тетиклаштирувчи восита. Чўмилиб бўлганингиздан сўнг сувни совуқлаштира боринг. Сўнг яна ва яна, тана совуқ сувга ўрганганидан кейин сиз роҳатланасиз. Совуқ сув асабларни жойига келтиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Душ қабул қилгандан сўнг сочиқ билан артиш ўрнига қўл бармоқлари билан енгил уқалаб, теридаги сувни секин-аста кетказинг, бу кучли асаб тизимини яратади. Тана териси бармоқлар ёрдамида қуритилгандан сўнг дағал газламадан тайёрланган сочиқни олиб, яхшилаб ишқаланг, буларнинг ҳаммаси тери тонусини кўтаради, бундай муолажалардан сўнг ўзингизни тетик ҳис қиласиз.

Бақувват асаб кучини барпо қилишда илиқ сув ҳам фойдали

Совуқ сувли душ ҳар доим ҳам фойдали эмас. Шунинг учун илиқ ёки иссиқ сувли муолажадан фойдаланиб туриш мақсадга мувофиқ, айниқса, киши қаттиқ меҳнат қилиб, кўп энергия сарфлаб чарчаган бўлса, унинг асаблари тутунча ҳосил қилиб боғланиб қолади, уни бўшатиш учун эса илиқ ёки иссиқ сувли (40 С) муолажа фойдалироқ бўлади. Бундай вақтда совуқ сувдан фойдаланилмайди.

Сузиш буюк асаб кучини барпо қилади

Сузиш - асаб кучини барпо қилиш учун энг яхши машқ. Атлетик спорт турларини узоқ ўрганиб, шу фикрга келдимки, сузиш асаб кучининг катта заҳираларини очиб беради. Агар мен АҚШ президенти бўлсан, минглаб сузиш бассейнларини қурдирган бўлардим. Токи ҳар бир америкалик бассейнда сузиш имкониятига эга бўлсин. Мен ўз ўқувчиларимни шунга чақираман, ҳар бир инсон сузишни кундалик машқларининг бир қисми қилиб олиши керак.

"Мен сувдан қўрқаман, сузишни билмайман" каби баҳоналарни келтирманг. Қўрқувни енгиб, сузишни ўрганиб олиш мумкин. Яқинда мен 78 ёшли аёлни учратиб қолдим. У бир умр сувдан қўрқиб, сузишни билмаган. Охири у Гавайяга кўчиб ўттан, бир неча ой ичида сузишни ўрганиб олган.

Аёлнинг айтишича, умрининг кўп қисмида асаб касаллиги ва уйқусизликдан азият чекиб келган. Сузишни ўрганганимдан сўнг асабийлашиш

йўқолиб, худди ёш боладай ухлайман, дейди у. Мен барчани даъват қиласман: сузишни ҳаётингизнинг бир бўлагига айлантиринг. Бу асаб кучини барпо қилиш билан бирга сизга роҳат бағишлади. Соғлик берувчи сув кучидан самарали фойдаланинг.

Қуёш ванналарининг фойдаси

Қуёш - энергия булоғи. Барча - яшаётган ҳам, нафас олаётган ҳам, ўсаётган ҳам қуёш энергиясига муҳтож. Инсон кийимларга ўралгани сабабли рангиз, кучсиз ва касалманд бўлади. Ҳозирги замонда кийим одамни одам қилиб кўрсатади, деган гап бор. Шунинг учун аёллар доимо охирги модага мос кийинишга ҳаракат қиладилар. Кийим бизнинг маданиятда муҳим аҳамиятта эгалигини мен яхши тушунаман, лекин қуёш нурларини сингдирган соғлом тана модага нисбатан каттароқ аҳамиятта эга эканлигини тан олишимиз зарур.

Қуёш нурлари тўғридан-тўғри тананинг очиқ жойларига тушиб, танага ҳаётий энергия ва янги куч бағишлади. Бу нурлар соғлик, баҳт, узоқ умр асоси ҳисобланади.

Кўпчилик одамлар заҳарли чиқиндилар билан шунчалик тўйинганки, қуёш нури таъсирида улар танаси ёрқин қизил ранг олади ва ичи заҳарга тўлган пуфакчалар билан қопланади. Эсингизда бўлсин, қуёш нурлари организмдан заҳарларни йўқотади. Эрталаб вақтли ва кун иккинчи ярмининг охирлари қуёш ваннаси олиш учун энг яхши вақт ҳисобланади. Кимнинг бадани қуёш нурида чиниқсан бўлса, улар туш вақтида

хам қүёш нурларидан құрқмайдилар. Эрталаб соат 6-7 дан то 10-11 гача қүёш ванналари қабул қилиш мүмкін. Соат 11 дан то 16-17 гача қүёш нурларидан беркинганингиз маъқул, чунки кучли инфра қызил нурлар баданга заар қелтириши мүмкін. Эрталабки ва кечки күйдирмайдиган қүёш нурлари терини ёшартиради, оч жигарранг тус беради ва силлиқ қиласы. Қүёш чарчаган асабларни үзига келтириб, тонусни оширади. Агар сиз қүёш нурлари остида бироз мудрасанғиз, тана асаб кучи резервуарларини тұлдирған бўласиз.

Менга вақтим йўқ, деб айта кўрманг. Дам олиш кунлари бор, зўр бериб овқатланиш ўрнига 30 дақиқа қүёш ваннасини қабул қилинг.

Асаб таранглигини юмшатиш мүмкін

"Релаксация" сўзи (бўшашиш) худди "севги" сўзидек маънога бой. Агар бирор одам сигарета чекиб (виски, кофе ёки чой ичиб) бироз бўшашиб оламан, деса, уларнинг бўшашиш ҳақидаги тушунчаси жуда саёз, аслида эса улар стимулятор ҳақида гапирмоқда. Агар сиз чой, кофе, алкоголь ичсанғиз, қандай қилиб бўшаша оласиз? Бу бўшашишга тескари, чунки стимуляторлар асабингизни янада таранглыштиради. Баъзилар саёҳатга чиқиб бироз бўшашаман дейди. Бўлмаган гап, чунки улар барча одатларини бирга олиб кетадилар. Саёҳат кимларнидир бироз янгилаши мүмкін, лекин асабни бўшаштириши ҳақида гап бўлиши мүмкін эмас.

Релаксация – сезги нозиклиги

Сезги-хиссиётларингиз ҳаётиңгизни йўналтириши учун улғайишингиз керак. Сиз ўзингизга айтасиз: "Сезяпман, режалаштирган бўлсам ҳам, у ерга бормаслигим керак".

Сиз бу ички овозингизни эшитасиз ва бормайсиз. Режангиз бузилади. Сиз ўз сезги-хиссиётингизга ишонасиз. Баъзан бундай гапни эшитиб қоламан: "Сезяпман, бу одам мени ёқтирмайди" ёки "Сиз менинг ҳиссиётларимни ҳақоратладингиз". Тўғри, биз ўз сезги-хиссиётларимизга эга бўлишимиз керак. Демак, релаксация – сезиш, ҳис қилиш. Сизнинг сезгингиз, ҳис-туйфуларингиз асабларингизнинг бўшашишига олиб келади, тинчлантиради, ички мувозанатни тиклайди. Ўзини чарчаган, қийналган, кучсиз ва эзилган ҳис қилиш қандайлигини ҳамма билади, бундан қанча азият чекишлиарини ҳам билишади.

Агар биз ҳолсизлик, чарчоқ, асабийлашишни ҳис қилсак, бу сезгини кундалик нотўғри одатларимиз билан боғлаймиз. Ҳаётда нимани ният қилсангиз, шуни оласиз. Релаксация – сезги, у маълум сабабга кўра яратилган. Агар сиз асаб кучини барпо қилиш аниқ дастурига риоя қилсангиз, демак, сиз тўла релаксация ҳиссиётини ҳам барпо қилган бўласиз.

Сиз бунга лойиқ бўлишингиз керак.

Кучаниш ва релаксация – ҳаёт пульси

Агар табиат қонунлари бўйича ҳаёт кечираётган бўлсангиз, сиз автоматик тарзда релаксация туйфусига эга бўласиз.

Кучаниш - ҳаётнинг бир қисми. Мен беш минглик аудитория олдида икки соат давомида маъруза қилиш учун кафедрага кўтарилиганимда, албатта, ҳаяжонланаман, кучанаётганимни сезаман. Ҳаёт - ҳаракат, ҳаракат эса кучаниши талаб қилади.

Сизнинг кўкрак қафасингизга ажойиб мушак жойлашган бўлиб, у ўз ҳаракатини туғилмасингиздан олдин бошлаб, то дунёдан кўз юмгунингизгача ишлайди. Бу - сизнинг юрагингиз. Аввалига у кучанади, кейин бўшашади. Юрак худди ҳаёт сингари, ҳаёт ҳам кучаниш ва бўшашишдан иборат. Қандайдир вазифани бажариш учун кучанасиз. Агар асабларимиз соғлом бўлиб, меъёрида ишласак, иш тутаганидан сўнг автоматик равишда бўшашамиз.

Бу - жисмонан, ақлан ва руҳан ривожланиш дастури асосида ҳаёт кечираётганлар учун улуғ тухфа. Сиз юрак мушакларининг қисқаришини ўзгартира олмаслигингиз каби релаксация туйғусини чақира олмайсиз.

Релаксация шундай нарсаки, у асаб тизимингиз ичида фаолият юритади. Ҳаёт - юқорига парвоз қилиш ва пастга қараб йиқилиш. Бутун ҳаётимиз, керак бўлса, кучаниш, кейин эса бўшашишдан иборат.

Асаб тизимингизни шундай мустаҳкам қилингки, сизнинг танангиз автоматик равишида кучаниш ва бўшашишга одатлансин. Бу сизнинг табиий ҳаёт ритмингиз бўлади. Танангизга эътиборли бўлинг, шунда у соғлом бўлади. Агар сиз танангиз қадрига етмасдан бераҳмларча муносабатда бўлсангиз, у сизга худди шундай жавоб қайтариб, бетоблиқдан бошингиз чиқмайди.

Танангиз тинчланса, күнглингиз ҳам тинч-осойишта, ҳаёт гаштга тұла бўлади.

Асаб кучи заҳирасини тўпланг

Асаб кучини ўйламасдан бекорга сарфлашдан ўзингизни тийинг, шунда сиз жисмоний, ақлий ва руҳий энергиянгиз ўсиб боришини таъминлайдиган нуқтага етганингиз маълум бўлади.

Кўйида асаб кучини сақлаш бўйича бир неча муҳим маслаҳатлар келтирилган:

1. Супермен комплексидан узоқлашинг. Баъзи одамлар ўзларидан кўп нарсани хоҳлашади. Улар барчасига улгуришни исташади. Бажариб бўлмайдиган ишга уриниб, доимо асаблари кучанганд ҳолатда бўлишади. Мен кам инсоннинг мукаммал бўлишига ишонаман, лекин асаб емирилиши ҳисобига эмас. Бир одам барча ишни бажара олмайди.

Нимани яхши удасидан чиқсангиз, ўшани қилинг. Ҳаётингиз узун, соғлом ва баҳтли бўлади.

2. Сизни безовта қилаётган нарса ҳақида яқинларингиз билан ўртоқлашинг. Ичингизда сақламанг.

Агар сиз кимданdir норози бўлсангиз, унинг олдига келиб, тинчгина тушунтириинг, кўпинча бу тушунмовчилик бўлади, холос. Қариндош-уруг, оила аъзоларингиз, ўртоқларингиз, ишчи-ходимларингиз, умуман, ким бўлишидан қатъи назар, очиқ-ойдин муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг. Кўпчилик эр-хотин, ота-она ва болалар норозиликларини ичларида сақлаб, охири юз кўрмас бўлиб кетишади. Баъзилар атрофларини

"тош девор" билан ўраб, ҳеч кимни яқинларига келтирмайдилар, бу эса асабни қучанишга олиб келади.

Бундай вақтда кимгadir ишониб кўнгилни ёзиш лозим, дўстингизга, шифокорга, руҳонийга. Бундай мулоқот муаммога янгила ёндашиш ва уни ҳал қилиш йўлини кўрсатади.

3. Ўз кайфиятингизни назорат қилинг. Кайфият - ўта яхши нарса, уни йўқотманг. Назорат қилинадиган кайфият сизни мақсад сари етаклайди. Назоратдан чиқсан кайфият сиз ва атрофдагиларга азият етказиши мумкин. Фазаблансангиз, ҳаддан ташқари кўп асаб кучини йўқотасиз.

Жаҳдингиз чиқаётганини сезсангиз, ўтиринг ёки ётиб олинг, ичингизда сананг, ҳеч нарса гапирманг, чунки кейин пушаймон бўласиз.

Жисмоний иш билан ўзингизни банд қилинг ёки, энг яххиси, очиқ ҳавода сайр қилинг. Сизни бу ҳолатга келтирган одам ёки вазиятдан ўзингизни четта олинг, "ҳаммасини" айтиб олишга уринманг, чунки кўп асаб кучи йўқотасиз, гулларга қаранг, боғбонлик қилинг, уй ишлари билан шуғулланинг, ҳеч қачон жисмоний куч ишлатманг.

Кайфиятингизни ҳар доим назорат қилиб боринг.

Жанжаллашишдан ўзингизни олиб қочинг

Оддий ўртоқларча сухбатдан бошланиб, ҳаяжонли тортишувлар катта жанжалга айланиб, ҳатто жароҳатлаш ва ўлимгача олиб келган воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. Бу эса, албатта, катта ғам-ғуссага сабаб бўлади. Мунозара қилиш,

далил келтириш ақлни чархлайди ва күпинча фойдали ҳисобланади. Лекин камдан-кам одамлар ҳаяжонланмасдан ўртоқларча сұхбат олиб боришга қодир. Менинг маслағатим шундай: жанжаллардан қочинг, чунки бу асаб бузилишига олиб келади. Айниқса, овқатланиш вақтидаги жанжал ошқозон яллиғланишига сабаб бўлади. Тортишув қизиб, жанжалга айланаётган вақт да ўзингизни тўхтата билинг, сизнинг гапингиз тўғри. Менинг ҳозир жанжаллашиб ниятим йўқ, деб сұхбатта нуқта қўйган маъқул.

Ҳеч қачон жанжаллашманг, ўзгалар асабига тегманг, ўзингиз билан ҳам шундай қилишга йўл қўйманг.

Сув билан ёғ аралашмагани каби баъзилар бирбири билан келиша олмайди.

Шахсий ҳаётимда мен ўзимга ёқмаган одамлар билан мулоқотдан қочаман.

Табассум қилинг

Эски мақолалардан бирида бундай дейилади: "Агар сен кулсанг, сен билан бирга бутун олам кулади, агар сен йиғласанг, бир ўзинг йиғлайсан".

Кулгу - ўзига яраша машқ бўлиб, қорин бўшлиғи атрофида нормал циркуляция ҳосил қиласди. Кулгу бахтли руҳий ҳолатни келтириб, соғликни мустаҳкамлади. Юзингизни жаҳли чиққан одамникига ўхшатинг, сизни ёмон кайфият қамраб олади, арзимаган гапдан ғазаблана бошлайсиз. Бундай руҳий ҳолат асабларингизни бузади, юрак ва ўпка ҳаракатларини фалаж қиласди. Кулгу эса тескари натижада беради.

Ички табассум

Қуйидагиша тажриба ўтказиб кўринг:

Китоб ўқиши тўхтатиб, табассум қилинг. Сиз ич-ичингизда тушунтириб бўлмайдиган баҳтиёрик ҳиссини сезасиз, ваҳоланки, бунга арзигулик сабаб йўқ эди.

Энди эса юзингизни жаҳли чиқсан одамникига ўхшатинг. Сиз ҳақиқатда жаҳлингиз чиқаётганини сезасиз. Агар юрак уриши тезлиги ўлчаб кўрилса, унинг ўзгарганини билиш мумкин. Ҳатто ўзингизни зўрлаб, жаҳли чиқсан одамга ўхшатиш ҳам барча ички аъзоларингизда ўз аксадосини беради. Шунинг учун табассум қилинг. Ҳатто китоб ўқиганингизда, тинчланиб дам олаётганингизда, жаҳдингиз чиқса ҳам, қандайдир низони ҳал қилишда ҳам табассум қилинг. Охир оқибат табассум сизга баҳтиёрик ҳиссини түхфа қиласи. Яхши китоблар ўқинг, кулагули воқеаларга бой китоблар жуда кўп. Радио ва телевидениеда ҳам кулдирадиган кўрсатувларни кўринг. Ўта жиддий, кулмайдиган, ҳўмрайиб юрадиган шерикларингиздан узоқда бўлинг. Мен кўпроқ болалар ва ўсмиirlар билан бўлишни ёқтираман, чунки улар доим хушчақчақ. Қизиқчилик қиласиган, хушчақчақ одамларга ҳамроҳ бўлишга ҳаракат қиласман, чунки яхши кайфият атрофдагиларга тез юқади. Атрофингизда баҳтли одамлар бўлса, сиз ҳам ўзингизни баҳтли сезасиз. Табассум қилинг, сизга ҳам табассум түхфа қилишади.

Елкангиздаги юкни олиб ташланг

Ҳамма нарсага куйиб-пишаверманг. Агар сиз билан қўполроқ муомала қилишган бўлишса, эсдан чиқаришга ҳаракат қилинг. Бундан муаммо келтириб чиқарманг, буни мухокама қилиб асабларингиз тинчини бузманг. Руҳияти носоғлом одамлар кўп, улар билан тенглашманг. Улардан ўзингизни олиб қочинг. Бошқалар кимнидир кўролмасдан, ҳасад қилиб яшайверсин. Фақат сиз эмас! Бундай заҳарли фикрдан ўзингизни сақлашга ақлингиз етсин.

Одамлардан тўла мукаммалликни қидирманг. Улардаги яхши томонларни кўришга ҳаракат қилинг. Мана бу сатрларга эътибор беринг:

*Ҳатто энг ёмонимизда шунча кўп яхшилик бор,
Шунча кўп ёмонлик – энг яхшимизда!
Кимнидир ажратиш амримаҳол.*

Ўзингиз билан ўзингиз яшашни ўрганинг

Эсингизда бўлсин, сиз бу ёруғ дунёга якка ҳолда келдингиз, у дунёга ўтища ҳам якка ҳолда ўтасиз. Яхши оила, ишончли дўстлар бўлгани жуда соз. Лекин, бундан ташқари, ўзингиз билан ўзингиз яшашни ҳам ўрганиш зарур. Ҳаммага сирларингизни очиб ташлайверманг, чунки ҳаддан ташқари яқинлик нафрат уйғотиши мумкин. Ўз-ўзингиз билан ҳам шахсий олийжаноб муносабатда бўлинг.

Ўзингиз билан ўзингиз яхши ҳамсұҳбат бўлинг. Мен ўзимга ўзим жонимга тегмаганман. Узоқ вақт ёлғиз бўлдим, ўзимни яхшироқ тушунадиган

бўлдим, шундан кейингина бошқаларни тушуна бошладим. Нима биландир банд бўлинг, баҳтли бўлинг. Агар сиз бақувват асаб кучини барпо қилиш дастурига риоя қилсангиз, банд бўла оласиз. Кунингиз табиий ҳаёт дастури элементлари билан тўлиб боради: мулоҳаза қилиш, атрофни кузатиш, сайд қилиш, машқлар бажариш, чуқур нафас олиш, фойдали таом истеъмол қилиш, китоб ўқиш ва х.к.

Нима биландир банд бўлган одам - баҳтли одам. Сизда уруш-жанжал учун вақт йўқ. Ҳаётингиз воқеаларга бой, унинг ҳар бир дақиқасидан баҳра олиб яшанг. Ҳар куни шундай яшанг.

Яшаш учун баҳтли имконият

Бу - сизнинг ҳаётингиз. Сизга баҳтли имконият яратилди, ундан тўлиқ фойдаланинг:

Ҳагемеан бундай деган экан: "Мен бир марта яшайман. Агар яхшилик бўлса, менга имконият беринг, уни орқага сурмасдан ҳозироқ қиласай, чунки мен бу йўлдан қайта ўтмайман".

Биз кундалик ҳаётимизни соғлик ва баҳт намунасига айлантиришимиз керак, токи бошқалар ҳам шу ранго-ранг баҳт ва соғлик йўлидан боришини ҳавас қилишсин. Бундай ҳаёт икки томонлама яхшилик - ўзингиз учун ҳам, ўзгалар учун ҳам.

Тилингизни тишларингиз ортида ушлашни ўрганинг

Агар сиз атрофингиздагиларни илҳомлантирмоқчи бўлсангиз, бақувват асаб

кучига эга бўлишингиз керак. Ҳар доим билишга ҳаракат қилинг, қачон гапириш мумкин, қачон жим турган маъқул!

Монтескье бундай деган экан: "Инсон қанча кам ўйласа, шунча кўп гапиради".

Фийбат ва бекорга гап сотиш - асаб қувватини бекорга сарфлаш.

Кичкиналигимда уйимга келиб, онамга қўшнилар бизнинг оила ҳақида нималар деганини айта бошлаганимда онам мени ўтқазиб қўйиб, бундай деган эди:

"Поль, сени бир қоидага ўргатаман, бу қоидани бир умр қадрлайсан. Ҳеч қачон ҳеч кимга бошқалар ҳақида ҳеч нима гапирма, чақимчилик қилма! Ўзингга бундай деб савол бер: "Бу яхшими? Бу тўғрими? Буни гапириш керакми?"

Онам томонидан менга берилган бу сабоқ менинг миллиардер бўлишимга ёрдам берди, лекин бу бойликни пул билан ўлчаб бўлмайди. Шунинг учун бўлса керак, мен кўплаб эркак ва аёллардан чин дўстлар ортирганман, улар менга худди ака-сингилдек яқин ва қадрлидирлар.

*Барча лаззатларга қўшиладиган
“зираvor” бор - биз севадиган
инсонларнинг миннатдорчилиги.*

Мольер

ФИКРНИ ЎЗГАРТИРИШ САНЪАТИ

Менинг онам оқила ва олийжаноб аёл бўлиб, ўз ҳаётий фалсафасини - фикрни ўзгартириш санъатини менга ўргатган. Менинг доимий ҳамроҳим Вилбур лақабли кучукчам бўлиб, уни жуда яхши кўрадим. Уни ўлдириб кетишидди. Мен бу йўқотишдан чуқур қайғуга тушиб, онам бағрида ўкиниб йиғлардим. Шунда онам мени юпатиб, бир йўла фикрни ўзгартириш санъатини ўргатди. Кучукча устида йиғлаш ўрнига фикрни ўзгартириб, у билан ўтказган баҳтли кунлар, унинг қилиқлари, сайдага чиқилганда қуёнчалар кетидан қувиб етолмай, сарсон бўлгани ва бошқа кулгиги ҳолатларни эслашни маслаҳат берди. Мен буларни эслаб, йиғлаш ўрнига кула бошладим. Мен онамга Вилбурнинг бошқа кулгили қилиқларини айта бошладим, онам ҳам мен билан бирга куларди. Шундан бери мен кучукчадан айрилганимни эсласам, автоматик тарзда ғам-ғуссали фикримни у билан ўтказган баҳтли кунларим ҳақидаги фикрлар билан алмаштиришни одат қилдим.

Болаликда бўлиб турадиган бундай ғам-ғуссаларни онам раҳбарлигига яхши фикрлар

били алмаштириб бордим. Фам-ғүссали фикрларни баҳтли күнларымдаги фикрларга тезда алмаштириш менинг рұхий одатимга айланди. Бу эса ҳаёт давомида күплаб асаб бузилишларидан мени сақлаб қолди.

Ұзингизга яқин инсонни йүқотиши - катта мусибат. Бундай мусибатдан сүнг қаттық тушкунликка тушилса, бу үлімга ҳам олиб келиши мүмкін.

Менинг ҳаёттің фалсафам ва асаб күчларим заһираси күплигига қарамай, бир мусибатдан сүнг мен жуда озиб кетдім, ички аъзоларим, айниқса, юрагим ва ўпкам азият чекди. Ҳатто нафас олишим қийинлашиб қолди. Бундай ҳолатни назоратта олиш қанчалик қийинлигини мен яхши биламан, лекин буни қилиш мүмкін, бунинг учун фикрни ўзгартириш зарур. Қатыяят кучи билан ғамли фикрларни миядан олиб ташлаб, баҳтли онлар түғрисида фикр юритишга одат қилиш керак. Мусибат чекиши - катта асаб кучини йүқотиши. Күз ёшлари мусибат сабабини йүқ қила олмайди. Бу тарзда асаб кучини йүқотишини түхтатиши йўли - фикрни алмаштириш, ўзгартириш. Фойдали фикрлар миянгизни банд қилсин. Бу эса сизнинг қўлингиздан келади.

*Инсон ақли шундайки, дүзахни
жаннат ва жаннатни дүзах
қилиши мумкин.*

Мильтон

ҮЗИНГИЗНИ ҮЗИНГИЗ ҚИЙНАМАНГ

Турли ғам-ғуссалардан бу ҳақда ўйламаслик йўли билан холи бўлинг. Фикрларингизни бошқа йўналишга ўзгартиринг. Баъзилар ўзларини қийнашни одат тусига айлантиришган. Мен мусибатга учраганларни кузатганимда шунга иқрор бўлдимки, улар ўзларини ўзлари қийнаб қўядилар. Бундайларга хайриҳоҳ бўлиб, уларни ҳеч қачон қўллаб-қувватламанг. Улар билан ақлни ишга солиб, мулоқотда бўлинг. Мусибатга учраганда кимларнингdir сизга ачинишига йўл қўйманг. Сиз фақат ўзингиз, фақат ўзингиз бу мусибатни енгиб ўтасиз. Ҳаёт - кўз ёшлари водийси. Ғам-ғуссалар - ҳаётимиз бир қисми, ҳис-туйғуларимиз бизни бошқармасин, биз ҳис-туйғуларимизни назорат қилишимиз зарур.

Безовталигингилини ҳавога учиринг

Безовталансангиз, айниқса, безовталаниш ортиб бораверса, бу сизни ишдан чиқаради. Безовталикини худди ғам-ғусса каби кўпчилик бўрттиришга ҳаракат қиласи. Ҳатто уларга ачингинг ҳам келади. Тўғри, безовта бўлишдан қочиб қутулоғмайсан киши, айниқса, бу

оилангиз, фарзандларингиз, севган одамингиз, молиявий аҳволингизга тегишли бўлса. Лекин бу вазиятда ҳам биз соғлом фикр билан иш тутишимиз зарур. Безовталиқ ҳеч нарсага ёрдам бермайди. Аксинча, қанчалик кўп безовталансак, шунча кўп асаб кучини йўқотамиз ва безовталикни енгиб ўтиш шунча қийин кечади. Биз оптимист бўлишимиз керак. Оптимистлар доимо мақсадларига зришадилар. Пессимистлар эса - йўқ. Миллионлаб одамлар арзимас сабабга кўра безовталанадилар. Кўпинча ўзларига юқори баҳо бериш, ёлрон мағрурлик, шон-шуҳратга эга бўлиш каби. Масалан, улар соchlарига бир-иккита оқ тушса, аёллар эса улар ҳақида бошқалар нима дейишидан жуда безовталанишади. Бу уларнинг соғлигига таъсир кўрсатади. Ажинлар эрта тушади. Бўлар-бўлмасга жаҳли чиқадиган бўлиб қолади.

Фарзандларимиз жуда кўп безовталанишга сабаб бўлишмоқда. Айниқса, ўспирин ёшидагилар "пода психологияси" қурбонига айланиб, кўчадагилар нима қилса, шуни қилишга ҳаракат қилишмоқда. Агар сизда ҳам ўспирин ўғил-қизларингиз бўлса, уларни ўзлари ҳақида ўйлашга ўргатиш, кўчадагилар бўлмагур ишлар қилаёттан бўлса, улар ҳам шу ишни қилишлари шарт эмаслигини уқтириш зарур. Кўпгина катталар ёшлар билан тил топиша олмайдилар, лекин бу жуда зарар, акс ҳолда фарзандингизни кўча тарбиясига топшириб қўясиз. Ҳозирги замонда ўспирин ёшлар дунёси беҳаё ва бераҳм, шунинг учун сиз уларга тўғри йўлни кўрсатишингиз зарур. Безовталанишни ҳавога учиринг, бу фикрларингизни тозалаб, теранлигини оширсин.

Ҳар доим яхши кайфиятда бўлинг

Баъзилар кайфияти об-ҳавога борлиқ бўлади. Офтоб ярқираб турса, улар кайфияти яхши бўлади. Осмонни булат қопласа, кайфиятлари тушиб кетади. Статистика шуни курсатадики, ёмон об-ҳаво вақтида ўз-ўзини ўлдириш ҳоллари кўпаяди. Табассум билан даволанишни ўрганинг. Ёмғирни ҳам севишни ўрганинг қоронғу ва иссиққа чидашни одат қилинг.

Ва шикоят қилманг,

Ахир севиниш шунчалик осон ва енгил.

*Агар Тангри танлаб сизга ёмғир юборса,
Ўзингиз танлагандек қабул қилинг!*

"Мен ёмғирга куйлайман" - менинг севимли шеърларимдан бири.

Сиз соғлом ва баҳтли бўлсангиз, об-ҳаво сизни безовта қилмайди. Сизнинг кайфиятингиз барометрга қараб ўзгармайди. Сиз ичингиздан нур таратасиз.

Менинг сизга маслаҳатим

Сизга бақувват асаб кучингизни барпо қилишда ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсқин бўла олмайди.

Ҳаёт асабларингиз орқали оқиб туради. Сизда қатъият бор, асаб кучингизни кўпайтириб, етарлича ғамлайсиз, лекин бунга эришиш учун кўп меҳнат қилишингиз керак. Буни сотиб ололмайсиз.

Ҳаётда барча нарсага тинимсиз меҳнат орқали этишиш мумкин. Ҳаётда ҳамма нарса ўз баҳосига эга. Асаб кучи барпо қилиш дастурига нимани киритсангиз, кўп эмас, кам эмас, шуни оласиз.

Дастурда мураккаб бўлган ҳеч нарса йўқ. Бу ҳаётнинг оддий табиий йўли, унга риоя қилинг, энди ёшингиздан қўрқмасангиз ҳам бўлаверади.

Мўъжизавий дори йўқ

Асаб кучини барпо қиладиган дори йўқ. Барча сунъий кучайтирувчи воситалар - кофе, чой, тамаки, кока-кола, алкоголь, наркотиклар асаб кучларингизни йўқ қиласди. Баъзи наркотиклар асаб жараёнларини тезлаштиради, баъзилари эса асабларни издан чиқариб, ағдар-тўнтар қиласди. Мен бундай дориларни bemorларга ёзиб берадиган шифокорларни ёқтирмайман.

Ўз асаб кучларини емириб бўлган одамлар учун мўъжизавий дори йўқ. Турли ванналар, уқалашлар бебаҳо, лекин булар маълум жойга таъсир қиласди. Асаб ва функционал кучсизлик асосига ҳеч таъсир қилмайди. Бақувват асаб кучига эга бўлиш учун бир умр давомида ҳар куни меҳнат қилишга мажбурсиз.

Асаб кучини барпо қилиш дастурини бажаришни орқага сурманг

Бу китобда берилган дастур бажарилишини ҳозироқ, бутуноқ бошланг. Унинг қисмларини санаб ўтамиш:

1. Асаб кучини бесамар, аямай сарфлашни ҳозироқ тўхтатинг. Ақл тиниқлиги, мулоҳаза қилиб фикр юритиш йўли билан безовталиқдан, қўрқув ва салбий ҳис-туйғулардан қутулинг. Буларга қарши тиник ақл ва ўзига ишонч, қўйилган мақсадга албатта эришиш ишончини қўйинг.

2. 8 соат чуқур тунги уйқу. Иложи бўлса, кун ярмида бироз мизғиб олишга ҳаракат қилинг.

3. Овқатланиш дастурига риоя қилинг, бу сизни соғлом қиласди. "Үлик" маҳсулотлар, сунъий стимуляторлар, яъни чой, кофе, кофеини бор кока-кола, тамаки, алкоголь, туз, оқ шакар умуман истеъмол қилманг.

Сабзавот ва мевалар истеъмол қилинг, ҳафтада бир сутка, яъни 24 соат оч юринг. Лимон шарбати, асал ва сув ичиш мумкин. Йилнинг сизга маъқул ойида 10 кунлик очлик тана аъзоларингизни заҳардан тозалайди.

4. Кундалик бадантарбия. Секин ва тез юриб, очик ҳавода сайр қилинг, сузинг, рақсга тушинг, серҳаракат ўйинларни ўйнанг, 600 та мушакларнинг барчасини ҳаракат қилишга мажбуrlанг.

5. Чуқур нафас олинг. Ҳаётий зарур кислородни ўпкангизнинг паст томонига йўлланг. Кислород - энг катта асаб стимулятори. Сабзавот ва мевалар ҳам кислород билан тўйинган. Тозаловчи очлик танангизда кислород ҳажмини оширади. Чуқур нафас олиш билан сиз қонни заҳарли газлардан тозалайсиз ва тана ҳужайраларини кислородга тўйинтирасиз.

6. Ҳар куни совуқ ва илиқ сув ёрдамида ўтказиладиган сувли муолажалар қуёшда тобланишни одатта айлантиринг.

7. Хис-туйғуларингизни назорат қилинг. Қийин бўлса ҳам, асабларингизни таранглаштирманг.

8. Асабларингизни бўшаштиришни ўрганинг. Ҳаётнинг табиий ритми - аввал кучаниш, кейин бўшашиш, худди юрак уришига ўхшаб, кучаниб

ишилгандан сўнг бўшашиб дам олиш зарур.

9. Ҳаётдан завқланиб яшанг. Ўйин-кулгу қилинг, муваффақият, моддий таъминот - бу яхши. Лекин энг яххиси - ҳаётдан завқланиш. Ашула айтинг, ўйинга тушинг, хуштак чалинг, хиргойи қилинг. Урушқоқ, ғам-ғусса олиб келувчилардан узоқда бўлинг. Қадимги дунё - руҳий бетоблар уйи. Уни яхшилаш учун қўлингиздан келган барча ишни қилинг.

*Эй Тангри, бизга озгина қуёш бер.
Оз бўлса ҳам, иш бер, бироз ўйин-кулгу
ҳам. Курашда меҳнат қилиб топилган
кундалик қора нон ва озгина мой бер.*

*Бизга соғлик бер ва бизни кечир.
Яна куйлаш учун ашула бер, эртак ва
китоб ҳам.
Эй Тангри, ўзгалар ва ўзимизга яхшироқ
бўлиши учун бизга имконият бер,
токи барча инсонлар оға-иниидек
яашни ўргансинглар.*

Инглизларнинг эски дуоси

ИДЕАЛИСТ БҮЛИНГ

Аввал таъкидлаганимдек, менинг фикримча, психолог ва "идеалист"лар маслаҳатлари ҳаётий эмас. Ишонаманки, барча руҳий муаммолар шу даражада ўз ечимини топади. Агар сиз В витамини етишмайдиган озуқа истеъмол қилсангиз, яна қальций етишмаса, ҳеч қандай руҳий қонун-қоидалар танага асаб озуқасини бермайди. Улар заҳарларни танадан чиқармайди, асаб тизимини кислород билан таъминламайди.

Биз - мия ва тана. Лекин биз тананинг кучсиз томонларини билишимиз зарур, чунки бу худди жисмоний касаллик каби руҳий ҳолатимизга таъсир кўрсатади.

Мен табиат билан уйғунлиқда кузатиб, мулоҳаза қилиб, фикр юритишга жуда ишонаман, лекин у билан параллел жисмоний тарбия бўлмаса, ҳеч нарсага эришилмайди. Биз жисмонан, ақдан ва руҳан меҳнат қилсак, роҳат ва фароғатда яшаймиз.

Софлом танда - софлом ақл

Бу бевафо дунёда яшаш учун ўзимизни тўла назорат қила билишимиз керак. Софлом тан ва софлом ақл билан сиз барчасининг уддасидан чиқасиз. Агар сиз бақувват асаб кучини барпо қилиш дастурига риоя қилсангиз, сиз ҳеч қачон мувозанатни йўқотмайсиз. Сиз инсоннинг энг яхши ҳолатига эришасиз, тана соғлиги, руҳий бақувватлик, ақл тиниқлиги, хотиржамлик, баҳт-саодатга эга бўласиз.

Сөғлил учун ўнта ассоcий күрсатма

Сен мажбурсан:

1. Ҳаёт кўринишининг энг улуғи сифатида ўз танангни қадрлашинг зарур.
2. "Ўлик" овқат ва стимуляторлардан фойдаланма.
3. Фақат табиий овқат истеъмол қил.
4. Севиш ва бошқаларга яхшилик қилиш учун соғлигингни мустаҳкамлаб, умрингни узайтири.
5. Фаол ҳаракат ва дам олиш билан танани чиниқтири.
6. Қуёш нурлари ёрдамида қон, тери ва ҳужайраларни тозала.
7. Тана ва ақл носоғлом бўлса, барча озуқалардан ўзингни тий.
8. Ўз фикрларинг, гап-сўзларинг ва туйғуларингни тинч ва тоза тут.
9. Табиат қонунларини ўрганиб бор, уларга риоя қил ва меҳнатда эришган ютуқларингдан роҳатлан.
10. Ўзинг ва бошқаларни табиат қонунларини тўла бажариш даражасига кўтари.

Сочларингиз – соғлигингиз

Дунё бўйича саёҳат қилиб, мен соchlари ҳақида қайғураётган минглаб эркак ва аёлларни учратганман. АҚШда 20 ёш атрофидаги йигитларнинг 15 миллиони бошида сочи йўқ, яъни кал. Яна 30 миллиони жуда тезлик билан кал бўлишга шошилмоқда. Бирорта кал аёлни кўрмасак ҳам, уларнинг кўпини ҳақиқатни олганда

кал. 10 минглаб аёллар кучсиз, ингичка ва заиф соchlарга эга. Минглаб эркак ва аёлларнинг бош териси касалга учраган, соchlари қазғоқ бўлгани учун бошларини доимо қашийдилар.

Бу китобда соч ва соч териси ҳақида қандай ғамхўрлик қилиш кераклиги ҳақида ҳам маълумот келтиришни лозим топдик.

Бош терисидаги ҳар қандай кутилмаган ҳолатлар - бош терисининг ўта қуруқлиги ёки ҳаддан ташқари ёғлилиги, бирданига соч тўкилиши, қазғоқ кўпайиши танада қандайдир носозлик борлиги ҳақида огоҳлантиришдир.

Кўп ҳолларда сунъий озуқа истеъмол қилиш, заҳарланиш, ногигиеник одатлар, бош терисида қоннинг ёмон циркуляцияси, асаб тизимиning ўта кучаниши ва бошқа сабаблар бош териси касаллигига сабаб бўлади. Табиат сизга соғлом соchlарни инъом этган, ёшингиздан қатъи назар, соchlар силлиқ, кучли ва соғлом бўлиши зарур. Ёш катталашган сари кал бўлишдан қочиб қутула олмайсан киши. Уларнинг ўйлашларича, бутун организм ҳаётидан алоҳида соchlарнинг ўз ҳаёти бор, шунинг учун сочни мустаҳкамловчи турли дорилар ва бошқа воситаlardан фойдаланишади, лекин булар сочга озуқа бермайди. Соchlар ҳам тана мушакларига ўхшайди. Мушаклар мустаҳкам бўлиши учун доимий машқлар зарур бўлгани каби соchlар мустаҳкам, бақувват бўлиши учун бош терисида қон доимо циркуляция бўлиб туриши зарур. Агар сизда кал бўлиб қолиш аломатлари сезилса, бош терисида қон айланишини яхшилашга эътибор қаратинг.

Соchlар бош териси остидан ўсиб чиқади, худди ердан ўсимлик ўсиб чиққани каби. Бош териси

таги озуқага бой бўлса, соchlар билан муаммо бўлмайди. Агар соғлом одамда кутилмагандан соchlар тўкила бошласа, билингки, сабаби ёмон. Одатда, масалан, соч таралмаса, ювилмаса, ифлос соч орасида паразитлар пайдо бўлади. Болалар сочига жиддий аҳамият беринг, айниқса, соchlар узун бўлса, уларни тез-тез ювиб, тараб туриш керак. Ўғил болалар учун сочнинг қисқа қилиб олингани маъқул.

16 ёшимда мен сил қасалига дучор бўлганимда соchlарим нурсиз ва жонсиз бўлиб, кўплаб тўкила бошлади. Үлик соchlар тўкилиши табиий ҳол, лекин соч таралганда кўплаб тўкилиши хавотирли.

Мен мутахассисларга мурожаат қилдим, улар турли воситаларни тавсия қилишди, аммо ҳаммаси бефойда бўлди. Швейцария санаториясидаги шифокорга мурожаат қилганимда у ҳамма муаммоларимни ҳал қилди ва мен 18-20 ёшимгача кал бўлиб қолишдан қутилдим.

Янги авлод - ўспирин йигит-қизлар ҳам бу муаммодан холи эмас. Минглаб йигит-қизлар орасида мен фақат ўнлаб ёшларнинг соchlари ҳақиқатда соғломлигини кўрдим. Мен бунинг сабабини аниқладим. Ёшларимиз кўпчилиги сосиска, музқаймоқ, лимонад, кофе, коржик ва шунга ўхшаш нотабиий, "ўлик" озуқалар истеъмол қилишга ружу қўйганлар.

Улар ўз қонларини заҳарлар билан тўлдирадилар, натижада, умумий соғликлари, қолаверса, соchlари соғлиги яхши эмас.

Эсингизда бўлсин, сочингиз ва бош териси ҳолати истеъмол қилаётган озуқаларингизга тўғридан-тўғри боғлиқ. Биз нима истеъмол қилсанк, ўшамиз!

Протеинга бой маҳсулотлар: тухум, пишлок, балиқ, ёнғоқлар, буғдой донлари, жигарранг гуруч, ёнғоқ мойи, соя ва шунга ўхшашлар умумий соғлик ва соч соғлигига ижобий таъсир күрсатади. Маълумки, протеинли озуқаларни мунтазам истеъмол қилувчиларнинг соchlари бақувват ва соғлом бўлади. Шакар ва крахмалини қўп истеъмол қилувчилар орасида эса сочи йўқ ёки соchlари ёмон аҳволдагилар қўп учрайди.

Сочларни тараш

Сочни тўғри тарашни ўрганиш жуда муҳим. Тик туриб, оёқлар орасини кенгроқ очасиз, тиззаларни бироз эгасиз, танани энгаштирасиз, бунда бош юракдан пастроқ эгилади. Бу бош терисига кўпроқ қон оқиб келишини таъминлайди. Соч илдизи яхши озуқаланади, бир йўла бўйин ва юз териси ҳам қон билан бойитилади. Соч тарашни тароқ ёки маҳсус шёткада юқоридан соч учлари томон ҳаракатлантирилади, бу бош терисини тозалайди. Улик соchlар ва қазғоқдан тозалайди.

Узун соchlар сўнгги икки юз йил давомида фақат аёлларга хос бўлиб келди, ҳозир эса ёш ўтил болалар, ҳатто эркаклар орасида ҳам кенг тарқалди. Бундай соchlарни аста-секин қисмларга ажратиб тараш мақсадга мувофиқ. Оила аъзосининг ҳар бири ўз тароги ёки шёткасига эга бўлиши керак. Металдан ясалган, тишлари зич жойлашган, ҳам тиш учлари ингичка бўлган тароқлардан фойдаланманг, улар сочни узади ёки бош терисини яра қиласди. Тишлари силлиқ, ораси жуда зич бўлмаган, учлари тўмтоқ тароқлардан фойдаланиш керак.

Бош терисини уқалаш

Сочларингиз соғлом бўлиши учун эрталаб ва кечқурун бош терисини уқалаш худди тишни тозалаш каби одат тусига айланиши керак. Бу соч ўсишини таъминлайди. Маълумки, бош териси уқаланса, қон юриши яхшиланади, соч илдизлари яхши озуқаланади ва ўсади. Агар бошнинг тела қисми соchlари тўкила бошласа, кал бўлиш бошланмоқда. Эсдан чиқарманг, бош терисини уқалаб қон юришини яхшилаб туриш - соч ўсишининг асосий талаби.

Яхши боғбон ўз боғига қандай қараса, сиз ҳам соchlарингизга шундай меҳр билан қараашингиз керак.

Бош терисини уқалаш кал бўлишнинг олдини олади

Агар соч тўкилишига ички касалликлар сабаб бўлмаса, уқалаш ҳар доим самара беради.

Бош терисини тозалашда сувдан фойдаланиш табиий ҳол, лекин баъзи аёллар йиллаб ҳар хил крем ёки мазлардан фойдаланишади.

Бош териси ва соchlарни тоза тутиш тананинг бошқа жойларига нисбатан қийинроқ, чунки бунга анча вақт талаб этилади. Вақт эса шундай товарки, уни бекорга сарфлашни истамаймиз. Соч тагида ташқи ифлослардан ташқари, соч илдизидан ёғ ва тер ажralиб чиқади. Сочни тоза тутишнинг биргина усули - сочни яхши совун ёрдамида ювиб туриш. Соch ювиш ҳеч қачон зарар қилмайди. Соchни қуритмайди, ўсишини

тұхтатмайды, қазғоқ келтириб чиқармайды. Қуруқ сочли одамлар соч ювилгандан сүнг баттарроқ қурийди, дейишади. Аслида соч қуриши сабаби бошқа, уни аниқлаш, сүнгра муолажа қилиш керак.

Соч ювилганида фақат соchlарни эмас, балки бош терисини ҳам яхшилаб ювиш зарур, чунки сочнинг ҳар бир толаси кичкина тешикдан ўсиб чиқади. Бу тешикча кир билан беркилиб қосса, соч ўсиши қийин бўлади. Сочни ювишдан олдин уқалаш зарур. Қўл бармоқлари билан бош териси эзиз чиқилади, сүнгра бармоқларни ўнгта, чапга, юқорига, пастга ҳаракатлантириб уқаланади, кейин эса айланма ҳаракатлар билан уқаланади, токи бош териси юмшоқ ва эластик бўлгунича уқалаш давом этади. Кейин соч кирдан тозаланади, агар соч ёғли бўлса, ювишдан бир соат олдин пахта бўлакчасини олма сиркаси билан ҳўллаб, бош териси артилади.

Қандай совун танлаш керак

Совун тозалиги ва таркиби катта аҳамиятта эга. Таркибида ишқор кўп совунлардан фойдаланманг, чунки ишқор фақат ёғ ва кирга таъсир қилиб қолмасдан, балки бош терисига ҳам таъсир қиласди. Оддий соchlарга нейтрал совунлар танлаш мумкин ёки қимматбаҳо атири совунлари, даволовчи қўшичалар аралаштирилган совунларидан фойдаланиш мумкин. Энг яххиси - атири совунни юпқа қилиб қириб, сув идишга солинг ва паст оловда эритинг. Катта бўлак совун билан тўғридан-тўғри сочингизни совунламанг. Бошингизни

юмшоқ сув билан ювинг, иложи бўлса, ёмғир суви билан, жуда бўлмаса, оддий водопровод сувига озгина овқат содасидан қўшсангиз, сувни юмшатади. Қаттиқ сувни ишлатманг.

Бошни тўри ювиш

Бош ювилганда бош териси ва сочга ҳам кимёвий, ҳам механик таъсир ўтказилади.

1. Сочни илиқ сув билан ҳўллаб олинг. Бу билан сиз сочни совунда бўлиши мумкин бўлган заарли моддалардан сақлайсиз.

2. Энди гал суюлтирилган совунга. Олд томондан бошлаб, орқа томонга совун суртасиз. Бир йўла ишқалаб, қалин кўпик ҳосил қиласиз, кўпикни соч тагига ишқалайсиз.

3. Бошингизни совун кўпиги билан уқаланг, бу сочни тозалашга ёрдам беради.

4. Энди сочни яхшилаб ювиб, совун ва кирдан тозалайсиз. Совун суртилгандан сўнг бош ювилмасдан 10-15 дақиқа туриши керак, деган гап нотўғри, чунки совун сочда кўп қолиб кетса, сочни қуритади.

5. Учинчи марта совунлагандан сўнг сочни илиқ сув билан икки марта ювинг, кейин икки таблетка уксусни ярим литр сувга солиб, сочни чайиб ташланг, бу совун қолдиқларидан тозалайди.

6. Бошингизни совуқ сув билан чайнинг, бу бош терисига қон келишини яхшилади ва иссиқ сув таъсирида бош терисида очилган тешикчаларни ёпади. Сочингизда сув томчилари кўринса, соч тоза ювилган, совун қолмаган бўлади. Сариқ сочлилар уксус аралашган сув билан сочини ювганида бироз қорайтиради, шунинг учун лимонли сув ёки тоза сув билан чайишлари мумкин.

Сочларингизни офтобда қуритинг

Агар об-ҳаво яхши бўлса, соchlарни очиқ ҳавода, офтобда қуритинг. Кун совуқ бўлса, қайси хонага деразадан офтоб нурлари тушса, ўша дераза ёнида жойлашиб олиб, офтоб нурларида сочни қуритинг.

Механик равишда соч қуритиш тавсия қилинмайди, чунки у жуда иссиқ, кейинроқ соchlарни синдириши мумкин.

Бу тез бўлса ҳам, яхши бўлмаган усул. Сочингиз ташқи кўринишингизнинг асосий қисми, шунинг учун тўғри ювиш ва қуритиш билан уни чиройли, соғлом қилингиз мумкин.

Душ тагида бош ювиш энг самарали ва оддий бўлиб, соchlарни тозалаб ювиш ва чайқаш мумкин, сувнинг ҳарорати ва кучини ҳам назорат қила оласиз. Сув босими кучли бўлса, бош терисида қон айланишини яхшилайди. Сочингиз қуруқ бўлса, зайдун, бодом, кастрор мойи суртилса, ёрдам беради. Баъзан суртилган мойни кечаси билан қолдириш мумкин, фақат бошингизни сочиқ ёки рўмол билан үраб олинг.

Соч ювиш ҳафтасига икки мартадан кам бўлмасин.

Соч ювилганда сочга ишлатиладиган барча тароқ, шётка, бигуди, қайчи, соч сеткаси ва бошқалар ҳам тозалаб ювилиши зарур. Денгиз ўтини кундалик таомлар рўйхатига киритиш соchlарингизни кучли ва соғлом қилади.

Қазғоқ

Кўпинча себорреяни қазғоқ синоними деб ҳисоблашади. Қазғоқ пайдо бўлиши - касаллик эмас. Терининг устки қавати доимо янгиланиб боради, эскиси эса майдаланиб, ташқарига чиқади. Ўлик ва майдаланиб ташқарига чиқарилган тери ҳужайралари қазғоқ дейилади. Кимнингдир соchlари ҳаддан ташқари ёғли бўлса, ҳар куни ёки кунора ювиш керак. Сув ва совун терига зиён етказмайди. Теридан чиқаётган ёғ миқдорига қараб қазғоқ қуруқ ёки ёғли бўлиши мумкин. Қазғоқ юқумли эмас. Ҳатто бироз антисептик хусусиятга ҳам зга. Агар бош терисига инфекция кирса, қазғоқ уни ўраб олади ва теридан чиқарилади. Қазғоқ бош терисига ўтириб қолмаслиги учун бош терисини юмшагунича кунига икки марта уқалаш тавсия этилади.

Соч тўкилиши

Соч тўкилиши ақлий меҳнат билан шуғулланувчи, ҳаракатсиз ўтириб бажариладиган иш билан шуғулланувчилар орасида кўп учрайди. Очиқ ҳавода натурал озуқа истеъмол қиласидан оддий инсонлар орасида соч тўкилиши камдан-кам учрайди. Ақлий энергияни кўп сарфлаш соч тўкилишига сабаб бўлади, деган тахминлар ҳам кўп. Албатта, соч йўқлиги бошдаги ақл кўп ёки камлигига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сочи йўқ одамлар соғликларида муаммо бор, кўпроқ улар ўтириб бажариладиган иш билан машгул, улар ички секреция безларининг иши бузилган.

Кучаниш ва стресслар шундай касалликларга дучор қиласы, натижада соч түкилади.

Биз яна шунга амин бўлдикки, сунъий равища иситиладиган ва совутиладиган хоналарда ишловчи хизматчиларнинг соchlари тез түкилади.

Сочлар ва бош терисига офтоб нури, тоза ҳаво зарур. Хоналар сунъий ёритилса, ҳаво кондиционер ёрдамида янгиланса, бундай хоналарда меҳнат қилувчи ходимлар, жуда бўлмаса, тушлик вақтида очиқ ҳавода, қуёш нурлари кўп жойда вақт ўтказишлари мақсадга мувофиқ.

Соч тўкилиши сабабларидан бири тор бош кийими, десак, ёлғон бўлмайди. Чунки тор бош кийими бошдаги қон томирларини эзиб, қон юришини кескин камайтиради. Бош кийимларнинг 98% и қон томирларини эзиши аниқланган. Айтиш керакки, бош кийим тагидаги соchlаргина тўкилади. Ташибарисидаги соchlар камдан-кам тўкилади.

Шунинг учун бош кийим киядиганлар бош терисини кунига икки маҳал уқалаб туришлари зарур.

Баъзи эркак ва аёллар киядиган шляпалар четлари бошни сиқиб, ҳаво ўтказмайди, бош терисини терлатади ва инфекцияга йўл очади. Бассейнларда чўмилиш вақтида кийиладиган қалпоқчалар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

Кўпчилик сочи тўкила бошлаганидан кейингина бунга қарши чоралар ахтариб қолишади. Болалик давридаёқ бу муаммо ҳақида тушунтириб бориш зарур, уларни табиий ҳаёт дастурига риоя қилишни ўргатиш керак.

Соч оқариши

Сочга оқ тушишини қарилик аломати дейишади. Лекин турли ёшда соchlар оқариши мүмкін. Биз 14 ёшдаги соchlари оқарған болани ҳам, кексайиб қолған бўлса-да, соchlарига ҳали оқ тушмаган қарияларни ҳам кўрдик.

Кўпчилик сочга оқ тушишини фожиа ҳисоблаб, соchlарини бўяшга тушадилар. Агар у ўзини бироз ёшроқ сезса, мен унинг тарафидаман. Лекин, билингки, сиз ўзингизни хавфга қўймоқдасиз. Соч бўёғи таъсирини кузатиб бориш зарур. Чунки бироз кўпроқ бўёқ ишлатиб юборилса, сочга, ҳатто соғликка зарар етиши турган гап.

Металл асосидаги соч бўёқлари ишлатилганида заҳарланиш ҳоллари дерматологлар томонидан тез-тез қайд этилади. Заҳарланиш оқибати бўёқ ишлатилгандан сўнг тезда сезилиши мүмкін, баъзан эса бир неча йиллардан сўнг билинади. Уй шароитида соч бўяш ҳар доим муваффақиятли чиқавермайди, шунинг учун мутахассисларга мурожаат қилган маъқул.

Агар сочингизни ўзингиз бўямоқчи бўлсангиз, аввал текшириб кўринг, баъзи соchlар бўёқни қабул қилмайди ёки жуда хунук ранг ҳосил қилиши мүмкін. Сочингизнинг кичик бир тутамини бўяб кўринг. Натижасига қараб иш тутасиз. Бош терисида қандайдир касаллик аломатлари сезилса, бўёқни умуман ишлатиб бўлмайди. Баъзан бош териси бўёқни ёқтирмаслиги мүмкін. Қулоқ орқасидаги терини ювиб, бироз бўёқ сургиб, бир кунга қолдиринг, сўнгра совунлаб ювиб ташланг, яллиғланиш

бўлмаса, бўёқни ишлатишингиз мумкин. Бир бўёқ устидан иккинчисини ишлатманг. Соchlар синиши мумкин ёки кутилмаган ранг ҳосил бўлади. Барча бўёқлар сочни қуритади.

Уқалаш

Уқалашни бошлишдан олдин қулоқ орқасидаги тери юзига яқин бўлган қон томирлари ва артерияларнинг қандай жойлашганини ўрганиб олинг. Уқалашни бир меъёрда, силтамасдан, бармоқларни қон йўналиши бўйича йўналтириб бажаринг.

1- босқич. Ўнг қўл бармоқларини ўнг қулоқ пастки юмшоқ қисми атрофида темпорал артерия ва вена устига аста қўйиб, бироз куч билан қулоқ юқориси баландлигигача бармоқларингизни юқорига суринг, бу билан қон бош тепасига қараб йўналтирилади.

2-босқич. Бармоқларингизни бироз шундай ушлаб туринг, қон орқага қайтмасин.

3-босқич. Худди шу зайдада чап қўл бармоқлари билан чап қулоқ орқасини уқаланг, чап қўл бармоқлари ўнг қўл бармоқлари билан учрашсин.

4-босқич. Чап қўл бармоқлари жойида қолиб, ўнг қўл бармоқлари билан қулоқ пастидан юқорига қараб уқаланг, ўнг қўл бармоқлари чап қўл бармоқлари билан учрашсин.

Худди шундай ҳаракатларни бир неча бор қайтаринг. Чап қўл бармоқлари юқоридалигида тутатасиз.

5-босқич - энг аҳамиятлиси. Чап қўл бармоқларини жойида ушлаб турган ҳолда ўнг қўл бармоқларини бош тепасига қўйиб, юқоридан пастга қараб сиқиб уқаланг, токи ўнг қўл ва чап

құл бармоқлари учрашсин.

Кейин эса худди шу ҳаракатларни чап қулоқ атрофида чап құл бармоқлари билан яна қайта бажарасиз.

Чуқур нафас олиш ва бosh уқалаш комбинацияси

Энг яхиси буни очиқ ҳавода ёки деразани очиб қүйиб бажарған маъқул.

Чуқур нафас олинг ва нафас чиқармасдан згилиб туриңг. Бошингизни ерга яқынроқ қилиб згилинг. Шундай ҳолатда туриб бармоқларингизни бүйин пастки қисмига қўйиб, юқори томон темпорал артериялар бўйича қонни юқори томон ҳайданг. Қулоқлардан юқорида кафтингиз билан кўзлар тепасидан юқори томон уқаланг, нафас чиқариб, аввалги ҳолатта келинг. Буни силтосиз, енгил ҳаракатлар билан бажаринг, 10-15 марта қайтаринг, ўргангандан сўнг 30 мартаға етказасиз. Бирданига қаттиқ уқалаш ярамайди, чунки бosh териси бўшашиб бўлади. Бosh терисини жароҳатлаб қўйманг, чунки жароҳатни тузатишга кўп вақт кетади.

Бош терисини қиздириш

Бош терисини уқалашни мақсад қилган бўлсангиз, буни аста-секин бошлаган яхши. Биринчи кунларида бош терисини қиздириб олиш керак. Бармоқларингиз билан терини босиб, юқори томон айланма ҳаракат қилиб, бош териси юмшамагунча ва у ёқ-бу ёққа бироз суриладиган бўлмагунича қизитинг. Бу ишни зайдун ёғи ёки

бодом мойи, кастор ёғи ёрдамида бажариш ҳам мумкин. Баш териси юмшагандан сүнг бевосита үқалашга ўтиш мумкин. Баш терисини чимчилаб тортиш, эзиш ҳам ёрдам беради.

Аста-секин, лекин куч билан сочни тортинг, бүш қўйиб, унинг ўсишини таъминлаш мумкин. Агар баш териси юмшаган ва бўшашган бўлмаса, соchlар соғлом ўсмайди. Бошланишида баш териси сезгир ва жароҳат олиши осон бўлади. Лекин кейинроқ тўла қонли үқалашни бажариш мумкин. Пластмасса массажёрдан фойдаланиш тавсия қилинади. Унинг тишлари эгилувчи бўлиб, қазроқ ва бошқа кирлардан тозалайди.

Ҳар ой икки марта қизитилган ёғ

Ёқимли бўлгунича зайдун, бодом ёки кастор ёғини қизитиб оламиз, сўнгра илиқ ёғни баш териси ва соч илдизларига суртиб ишқалаймиз, сўнгра иссиқ хўл сочиқ билан бошни ўраймиз ва ўн дақиқа дам берамиз. Буни кечқурун ҳам бажариш мумкин. Кечаси қуруқ сочиқ билан яхшилаб ўраймиз.

Ёғ баш терисига сингигандан кейин бошни яхшилаб ювиб ташлаймиз.

Ўлик соchlар

Соғлом ва ялтирайдиган соchlарга эга бўлиш учун ўлик соchlардан қутилиб туриш керак, бу янги соchlар ўсишига ёрдам беради.

Бунинг учун икки хил тароқ ишлатилади: бири қаттиқроқ тишларга эга, у билан соч тараб олинади ва тароқ тишларига илинган ўлик соchlар

олиб ташланади. Иккинчиси юмшоқроқ тишларга эга, у билан соchlар текисланади ва ялтироқ қилинади. Соч таращда бошни кўкракдан пастроқ эгиб, оёқларни кенг ёйиб, тиззаларни эгиб, тароқлар ишга солинади.

Сочлар ва бош терисини парваришилаш

1. Эсингизда бўлсин, биз нима истеъмол қилсак - ўшамиз.

Соч ва бош териси танамизнинг ҳар бир ҳужайраси нима истеъмол қиласа, шуни истеъмол қилади. Шундай озуқалар борки, организмга сингимайди ва заҳарлайди. Туз ва тузли озуқалар соchlаримиз душмани. Чой, кофе, шоколад, алкоголь, лимонадлар таркибида танин, кофеин ва заҳарли кислоталар каби токсик моддалар мавжуд. Булар танага ҳеч нарса бермайди. Протеинга бой маҳсулотлар соч ва бош териси учун муҳим. Улар гўштда, балиқ, ёнғоқ, писта, сабзавот, сут, соя, тухум, жигар ранг гуручда кўп. Мувозанатлаштирилган табиий парҳез табиий муҳим моддалар билан таъминлади.

2. Асосийси - бош терисида қон айланишини яхшилаш, бу уқалаш йўли билан амалга оширилади.

3. Сочни кунига икки марта шётка ёрдамида тараш керак.

4. Сочни ҳафтасига икки марта ювиш лозим.

5. Энг яхши совун навларидан фойдаланинг. Сочни суюқ совун билан ювинг.

6. Сочни 2-3 марта совунлаб, аввал илиқ сув билан, сўнгра совуқ сув билан ювилади, сочни қуритиш қоидаларига риоя қилинг.

7. Тароқ тишлари текис ва тўмтоқ бўлсин.
8. Шётка тишлари бақувват бўлсин. Юмалоқ тишли шётка сочга ялтироқлик бериш учун ишлатилади.
9. Куруқ соchlар ювилганида биринчи совунлашда тухум оқи соч илдизларига суртилади. Ювишдан бир соат олдин зайдун, бодом ёғи суртиш мумкин.
10. Денгиз сувида чўмилиш сочга фойдали, фақат чўмилгандан сўнг тоза сув билан сочни чайиш шарт.
11. Иложи борича бошяланг юришга ҳаракат қилинг. Шамол, ёмғир, қор, қуёш нурлари соч ўсишига ёрдам беради. Шамоллашдан холи бўласиз.
12. Чиройли бўлишни соғликдан юқори қўйманг, баъзи аёллар сартарошхонада соchlарини турмаклаб, уни бузишни хоҳламайдилар, ҳафталаб бош ювилмайди, соchlари таралмайди, ваҳоланки, бош терисини уқалаш, сочни тараб туриш керак.
13. Бош терисининг тешикчаларини ҳар хил кремлар суртиб беркитиб қўйманг.
14. Релаксация қилишга вақт топинг. Ҳатто 10 дақиқа қия юзада ётиб, бош томон қон келишини таъминланг. Тери ва соч илдизига қон билан озуқа келади.
15. Тана дам олиши, кучни тиклаш учун тиниқиб ухлаш зарур.
16. Сочингизни бўяшдан олдин дерматолог шифокор билан маслаҳатлашинг.
17. Сочингизни маълум шаклда келтирмоқчи бўлсангиз (укладка), ярим қуригунча сочиқ билан арting, вақтдан ютасиз. Юмшоқ соchlарни хоҳлаганча шакллантириш мумкин. Тўғри соchlарни ланолин асосида тайёрланган крем

ёрдамида шакллантирса бўлади. Косметик воситаларни тўғридан-тўғри ишлатманг, бош териси ва сочга суртманг, металдан ишланган бигудидан фойдаланманг.

18. Соч лакидан умуман фойдаланманг.

19. Перманент жуда заарли, чунки кучли таъсир қилувчи химикатлардан фойдаланилади.

20. Сочни қирқиб, калта қилиб туриш фойдали.

21. Узун ва калта соchlар. Купчилик эркак ва аёллар, айниқса, фаол меҳнат қилувчилар калта соchlарни маъқул кўришади. Уларни ювиш, куритиш осон. Узун соchlарни "думча" (хвостик) шаклида турмаклаб юриш мумкин.

БРЭГГ СИСТЕМАСИ АСОСИДА КҮРИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ

Бу китоб кўз мушаклари машқларининг оддий дастури, тўғри гигиена, овқатланиш ва релаксация асосида кўзнинг кўриш қобилиятини тиклаш ва сақлаб қолиш ҳақида ҳам маълумот беради.

Машқур Елена Келлер нормал кўриш қобилияти билан туғилган инсонларга бундай маслаҳат берарди: "Кўзларингиздан фойдаланинг! Ҳар куни шундай яшангки, худди эртага кўрмай қоладигандай. Шунда сиз авваллари ҳеч кўрмаган мўъжизавий дунёни кашф этасиз!"

Кўриш қобилиятини сақлаш учун Брэгг системаси қўйидаги қоидалардан иборат:

1. Совук ва иссиқ сув ёрдамида кўзни стимуляция қилиш.
2. Махсус чуқур нафас олиш машқлари ёрдамида кўзда қон айланишини яхшилаш.
3. Кўзнинг релаксацияси учун машқлар ёрдамида кўз чарчоини йўқот иш.
4. Соғлом кўз учун озука.

Кўзга етарли даражада витаминалар зарур

А витамини қўйидаги маҳсулотларда кўп: сабзи, помидор, картошка, баргли сабзавотлар, петрушка, горчица кўки, денгиз маҳсулотлари, балиқ жигарининг ёғи, кунгабоқар пистаси, пиво ачитқиси ва ҳоказолар.

С витамины хужайраларни боғлайды, у камайса, мушаклар, шу жумладан, кўз мушаклари ҳам ўз тонусини йўқотади. Инсон кексайганда кўз хиралашиши С витамины етишмаслиги оқибатидир. Бу витаминнинг бошқа витаминалардан ноёблиги шундаки, организм ўзи бундай витаминни ишлаб чиқара олмайди. Лекин ҳар куни уни қабул қилиб туриш керак, унинг организмда етишмаслиги кўриш қобилиятини бутунлай йўқотишга олиб келади. Пиорея, аллергия, тана терисининг бузилиши, ҳатто бепуштликка олиб келади. Карам, булгор қалампири, мандарин, апельсин, барча ҳўл мевалар, сабзавот, пиёз, помидор, олма, ананас ва бошқаларда С витамины сероб, кундалик қабул қилиш нормаси 100 мг., баъзи ҳолатларда 150-250 мг.

В витаминалар комплекси кўз асаб хужайраларини озиқлантиради.

В₁ витамини (тиамин) кўз асаб хужайралари қаттиқ массаси учун зарур, шунинг учун кераклича В₁ витамини қабул қилиниши керак. Ёнғоқлар, бутун донлар (жўхори, арпа, буғдой), пиво ачитқиси, гуруч, асалда бу витамин кўп. Кундалик қабул қилиш нормаси 15 мг., кўп етишмаганда 25-35 мг.

В₂ витамини тери хужайраларини кислород билан таъминлашда асосий роль ўйнайди, унинг ёрдамида крахмал ва шакар мушакларни ҳаракатта келтирувчи энергияга айланади. В₂ витамини етишмаганда кўзнинг ичи, қовоклар қичишиди, кўздаги майда қон томирчалари ёрилиши мумкин. Баргли сабзавот, олма, пиво ачитқиси, гуруч, буғдой донларида кўп бўлади. Кундалик нормаси 5 мг, кўп етишмаса, 15-20 мг.

В₆ витамини етишмаса, кўзлар кучанади, баъзан эса тез-тез пирпирайди. У табиий транквилизатор.

Карам, буғдой донлари, арпа, жүхори, тухум сарифи, балиқлар барча турида бу витамин күп. Кундалик норма 2 мг. Күп етишмаса, 3-10 мг.

В₁₂ витаминининг организмда етишмаслиги қондаги озуқаларни камайтириб юборади, ўз-ўзидан кўриш қобилияти пасайиб кетади. Узум, узум шарбати, тухум сарифи, салат, черника ва унинг шарбати, хурмо, петрушка, қора олхўри, ўрикларда кўп. Кундалик қабул нормаси 5 мг. Кўп етишмаса, 10-25 мг.

Кальций суюкларга қанчалик зарур бўлса, калий юмшоқ ҳужайралар учун шунчалик зарур. Кўриш қобилиятининг сусайиши калий етишмаслиги натижасидир. Калий асал ва олма сиркасида кўп. Шунинг учун ҳар куни эрталаб 1 стакан сувга 1 ошқошиқ асал ва 1 ошқошиқ олма сиркаси қўшиб аралаштириб, ичинг. Бундан ташқари, кун давомида сабзавотли салатга олма сиркаси қўшиб, икки марта истеъмол қилинади. Десертга эса янги парланган ёки духовкада пиширилган мева истеъмол қилинади.

Сиз нимани есангиз - сиз ўшасиз, кўзингиз ҳам

Умр давомида овқат билан истеъмол қилинган заҳарлар организмнинг турли аъзоларида, қон томирларида, бўғинларда, буйракда, жигарда, кўзда туз сифатида йигила боради. Кўзда йигилгани катаракта келтириб чиқаради. Албатта, операциядан сўнг ҳамда табиий ҳаёт дастурига риоя қилинса, кўриш қобилияти узоқ йиллар яхши бўлиб қолаверади. Кўриш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас. 5-10 яшарли болаларда ҳам кўриш қобилияти камчиликларини учратиш мумкин.

Сиз ўзингиз соғлигингиз учун жавобгарсиз. Эсингизда бўлсин, чой, кофе, алкоголь, тамаки ва бошқалар кўзга ёмон таъсир қиласди. Наркотик моддаларга эса умуман яқинлашманг. Ширинликларни кўп миқдорда еманг. Улар таркибидаги тозаланган шакар инсон организмидан В витамини комплексининг йўқолишига сабаб бўлади.

Кўриш қобилиятини яхшилаш дастури

Агар сиз кўриш қобилияtingизни узоқ йиллар бенуқсон сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, кунига 20-30 дақиқа кўзингизга эътибор беринг. Ҳафсала ва ғайрат билан ҳар куни бу машқларни бажариб боринг, шунда сиз қилган меҳнатингизга яраша натижага эришасиз.

Ҳарорат ёрдамида кўзга таъсир ўтказиш

Иккита каттароқ газлама бўлагини олиб, бирини қўлингиз чидайдиган даражадаги иссиқ сувга тиқинг, иккинчисини эса музли сувга тиқинг. Биринчи бўлак газламани иссиқ сувдан олиб, кўзингизга икки дақиқа сиқиб қўйиб туринг, сўнг унинг ўрнига тезда муздек сувга тиқилган газламани бир дақиқа босиб туринг. Кейин кўзингизни артинг.

Кўзга қон оқимини кўпайтирувчи нафас олиш усули

Иложи борича кўпроқ кислород олиш учун деразани очинг ёки очиқ ҳавога чиқинг (99% фоиз инсонлар кислород етишмовчилигидан азият

чекадилар, кўриш қобилияти пасаяди, кучанади ва нурини йўқотади). Машқни бошлашдан олдин бир неча марта чуқур нафас олинг. Энди сизнинг қонингиз кўзларингизга кислород юборишга тайёр. Чуқур нафас олинг, ҳавони чиқармай туринг, белингиздан букилинг, тиззаларингизни ҳам бироз букинг, бошингиз кўкракдан пастроқда жойлашсин. Шунда кислородга бой қон бошингизга, кўзингизга келади. Шу ҳолатда бешгача сананг. Нафас чиқаринг. Бошингиз айланиши мумкин, бундан қўрқманг ва машқни кўп кучанмасдан бажаринг. Тажрибангиз ошган сари бош айланиши йўқолади. Бир ҳафтадан сўнг сиз нафасингизни ўн сонияга тўхтата оласиз. Бу машқ жуда аҳамиятли. Кислород кўздаги заҳарли моддалар ва химикатларни куйдиради ва чиқариб юборади. Кўз тозаланади, чунки кўзда қон айланиши тезлашади. Ҳар куни бундай машқларни камида ўн марта қайтаринг.

Кўз чарчоини олиш

Бу муолажада асосийси - офтоб нурларини қабул қилиш. Бу очиқ дераза олдида ёки очиқ ҳавода юзингизни офтоб нурларига тоблаб бажарилади. Агар офтоб нурларидан фойдаланиш имконияти бўлмаса, 150 ваттли электр лампочкасидан фойдаланиш мумкин, фақат юзингиз лампадан 1,5 ёки 2 метр узоқликда бўлсин. Ёруғлик етарлича бўлса, кўзингиз кучанмасдан яхши кўради. Куёш нурлари бошқа аъзоларга қанча яхши таъсир қиласа, кўзга ҳам шундай яхши таъсир қиласи. Кўз ёруғлиқда яхши кўради. Куёш нурларисиз хоналарда кўп вактини

үтказадиган ходимлар күзи вакт ўтиши билан ёмон кўра бошлади. Буни ҳайвонот дунёсида ҳам кўриш мумкин. Қоронғуда яшайдиган ҳайвонлар кўр бўлади ёки ёруғлиқда яшайдиганларидан анча ёмон кўради.

Кўзойнак ва линзалар тақиши ҳақида

Камдан-кам одамлар бенуқсон кўриш қобилиятига эга. Америкада 80 фоиз аҳоли узоқни яхши кўрувчи, 20 фоиз аҳоли яқинни яхши кўрувчи одамлар. Эсингизда бўлсин, яқиндан кўриш - касаллик эмас, бу туғма камчилик. Кўзойнак бу камчиликни тўғрилайди. Худди шуни астигматизм ҳақида айтиш мумкин. Кўпчилик одамлар табиий ҳаёт тарзи дастури асосида яшаб, кўзойнак тақищдан холи бўлишган. Лекин ҳар қандай узоқни яхши ёки яқинни яхши кўрувчи ҳам кўзойнакдан қутулади, деб айтиб бўлмайди.

Қуёш нуридан сақловчи кўзойнаклар

Кейинги вақтларда қуёш нурларидан сақловчи кўзойнаклар тақиши мода тусига кирди. Лекин бундай кўзойнакларни барча ҳам тақавермасдан хос одамларгина, яъни кўзлари касалликка чалингандар, ҳаддан ташқари ёруғ хоналарда ишлайдиганлар ёки чироқ нурлари тўғридан-тўғри кўзга тушса, тавсия қилинади. Акс ҳолларда бундай кўзойнаклар тақишининг ҳожати йўқ, айниқса, қуёш ванналари қабул қилишда уларни тақиб бўлмайди, чунки қуёш нурларини бир нуқтага йигиб, куйдириши мумкин.

Агарда бундай кўзойнакларни тақиши жуда зарур бўлса, энг яхшисини танланг. Яхши қора

кўзойнак қуёш нурларининг 60-75% ини ўзидан қайтаради, бундан кам қайтарадиганлари бефойда. Дўконда сотиладиганларининг ойнаси сифатсиз бўлади. Ҳеч қачон бундай кўзойнакларни кечаси машина ҳайдаганда тақманг, чунки кўриниш кескин ёмонлашади.

Пенснесифат кўзойнак тақманг

Пенснесифат кўзойнакларнинг кўпчилик билмайдиган ёмон томони бор.

Қуёш нурлари линза орқали ўтиб, унинг четида бирлашади ва кўзойнакнинг юзимизга тегиб турган жойларини қиздириб терлатади, кўп ишқаланади ва кўз атрофи терисини шикастлаши мумкин.

Кўзни ювиб туриш

Бир қисм бор кислотасига йигирма беш қисм дистилланган сув қўшиб аралаштирасиз ва шу билан дока ёрдамида кўзни ювасиз. Лекин энг яхшиси - иссиқ ва муздек сувлар билан ҳўлланган дока бўлакчасини галма-гал кўзга босищдир, бу яхши самара беради.

Кўзлар нур учун яратилган

Ёруғлик бўлган жойда кўриш яхшиланади. Коронги ёки кечалари кўриш қобилияти анча ёмонлашади. Ҳаво булат кунлари одамлар ўзларини нохуш сезадилар, чунки кўриш учун кўп куч сарфлайдилар. Кераклича нур оладиган кўзлар кучли кўзлардир. Ёруғлик етишмадими, кўриш қобилияти пасаяди.

Хонани ёритиш ҳақида тавсиялар

Кўпчилик одамлар учун 40 ваттли электр лампасидан тараладиган ёруғлик 0,5 метр масофада ёзиш ва ўқиши учун етарли ҳисобланади. Кечқурун ишлаш учун бутун хона яхши ёритилган бўлиши зарур. Агар фақат стол усти ёритилган бўлса, кўз учун қоронғудан ёруғликка ўтиш ва ёритилган стол юзасидан қоронғуга қараш қийин кечади. Кўз қорачиги бундай ўзгаришларга кўнишиб улгурмайди.

Кўзлар дам олиши учун...

Агар сиз сунъий ёки табиий ёритилган хонада узоқ ишласангиз, вақти-вақти билан кўзга дам бериш тавсия қилинади. Бунинг учун ишингизни тўхтатиб, хонани шамоллатинг ёки очиқ ҳавога чиқинг, кейин ўриндан туриб, чуқур нафас олиб, чиқармай туринг. Тиззаларни букинг, бошингизни пастроқ энгаштиринг ва кўзингизни очиб-юминг, кўзингизни қаттиқ юминг ва катта очинг. Буни 10-15 сония давомида бажаринг, бу вақтда нафас чиқарманг.

Қуёшнинг кўзга таъсири

Қуёш нури мушаклар бўшашади, кўз қовоқлари дам олади. Ҳатто ярим кўрлар ҳам қуёш нурларидан сўнг яхшироқ кўра бошлийдилар. Қуёш - табиий соғлиқ булоги, кўз яллиғланишида энг яхши даво. Кўзларингизга қуёш нурларини кўпроқ сингдиришга имконият яратинг.

Баъзи бекалари гилами ва мебель қопламаларини офтоб нуридан сақлаш мақсадида ойналарни зич ёпиб, пардаларни тушириб, ярим қоронғу хоналарда яашни афзал күрадилар.

Бундай уй бекаларининг кўзлари қуёш нурига тўйинмайди ва нурдан қўрқади. Қуёш нури худди озуқа каби зарур.

Кўзларни нурлар билан стимуляция қилиш

Асосий қоидаларни эслаб қолиш зарур:

1. Ҳеч қачон иккала кўзингизни бараварига қуёш нурида стимуляция қилманг.
2. Ҳеч қачон қуёшга ёки лампага тўғри қараманг.

Орқа суюнчири тўғри бўлган стулга гавдангизни этмасдан тўғри ўтиринг, оёқларингизни ерга маҳкам қўйинг, қўлларингизни эркин тутинг.

Чап кўзингизни қўлингиз билан нур тушмайдиган қилиб беркитинг, чуқур нафас олинг, бошингизни чайқатиб, ўнг кўзингизни юмиб, очинг - то чарчагунча. Кейин ўнг кўзингизни кафтингиз билан беркитиб, чап кўзингизни юмиб, очинг. Бундай кўз юмиб очишдан сўнг кўз олдингизда қуёш нурчалари сакрай бошлайди. Бундан хавотирланманг, тезда ўтиб кетади. Энди иккала кўзингизни кафтингиз билан беркитиб, кўзларга бироз дам беринг. Кейин иккала кўзни юмган ҳолда қуёшга қараб туринг. Бу машқларни қуёш нурида бажарсангиз, 10 марта, электр лампасида бажарсангиз, 20 марта қайтаринг.

Денгизчилар очик ҳавода кўп вақт ўтказадилар, шунинг учун уларнинг кўзи тиник ва соғлом.

Телевизор ва кўзлар

Телевизор фақат кўзгагина эмас, балки бутун организмга кўп зарар келтиради (ҳатто руҳий касалликларга сабаб бўлади). Телевизор кўрганингизда оқ-қора экрандан камида 2 метр узоқлиқда, рангли экрандан эса камида 4-5 метр узоқлиқда бўлишингиз зарур. Айниқса, болаларни назорат қилиб туринг, улар учун маҳсус кўрсатувларнигина томоша қилишга руҳсат беринг.

Кўзларни кафт билан беркитиш техникаси

Қуёш кўз асабларини қизитиб, стимуляция қилади, натижада қон айланиши кучаяди. Стимуляциядан сўнг кўзларни қўл кафтлари билан беркитиш зарур. Бу барча сезги аъзолари асабларини релаксация қилишнинг энг самарали усули бўлиб, бир йўла жисмоний ва ақлий кучанишни камайтиради. Кўзида нуқсони бор инсон кўзларини имконият борича тез-тез кафтлари билан ёпиб туриши зарур. Бу муолажани бажариш учун иккала кўзингизни кафтларингиз билан беркитинг, бунда кафт тескариси юз томон, бармоқлар эса пешонада бўлади. Кафтлар кўзга тегмайди. Агар кўзга нур тушса, кўзингизни юминг, лекин қовоқ, қош, бармоқларингиз эркин ҳолатда бўлсин, кучанмасин.

Стол атрофига жойлашиб ўтириинг, ёстиқни тиззага қўйинг. Умуртқа поронаси, бўйин тўғри турсин. Агар кафтларингиз томон эгилоқчи

бўлсангиз, бел билан олдинга эгилинг. Танангиз кучанмасдан нормал ҳолатда бўлсин.

Агар ҳаммаси тўғри кетаётган бўлса, кўзларингиз қоронфудан дам олади. Шундай ҳолатда 15 дақиқа кўзга дам берасиз.

Айиқсимон чайқалиш

Агар сиз кўзларга дам бериб, танангизни бўшашибтаганингиздан сўнг бироз енгиллик сезган бўлсангиз, энди чайқалишга ўтиш мумкин. Ҳайвонот боғида бўлганингизда эътибор берган бўлсангиз, решётка орқасида туриб олиб айиқ олдинга, орқага чайқала бошлиди. Бу айиқнинг жаҳли чиққанидан ёки қочиб кетишни хоҳлаганидан эмас, бу - бўшашиб усули. Сиз ҳам шундай қилиб кўринг. Оёқларингиз орасини очиб, ён томонларга қўйиб, ўзингизга қулай ҳолда туриб олинг, сўнгра айиққа ўхшаб аввал бир томонга, кейин иккинчи томонга чайқалинг. Бутун танангиз, бошингиз, кўзларингиз, қўлларингиз бир хил ритмда чайқалсин. Чайқалишга мос равишда секингина куйланг ва бир оёқдан иккинчи оёққа чайқалиб туринг. Нарсалар кўзингиз олдидан ўтиб туради, лекин уларга эътибор берманг ва сиз енгил бош айланишини сезасиз. Бурнингиздан узоққа қараманг.

Бу машқнинг осонлигидан қандайдир фойда келишига аввал ишонмайсиз, аслида бу машқ жуда фойдали релаксация қилувчи машқ ҳисобланади, натижада умуртқа поғонаси, бўйин, мия, кўзлар бўшашиб дам олади.

Кўзнинг катта мушаклари учун машқ

Бу машқ эркин, тикка турган ҳолда бажарилади. Танангиз тўғри, қадди-қоматингиз чиройли турсин, бир йўналишда олдинга қараб турасиз.

1. Шу ҳолатда тана ва бошни қимирлатмасдан аввал уй шипига қарайсиз, сўнгра полга. Шошилманг, лекин жуда секин ҳам бўлмасин. Кўзингизнинг ўзи юқори шипга ва пастга - полга қарап учун ҳаракат қиласиди. Камида 10 марта қайтаринг.

2. Тана ва бошни қимирлатмасдан фақат кўзингизни ён томонларга ҳаракатлантирасиз, аввал ўнг томонга узоққа қарайсиз, сўнгра чап томонга.

3. Аввал хонанинг ўнг юқори бурчагига қарайсиз, сўнг чап пастки бурчагига. Буни 10 марта бажарасиз. Кейин хонанинг чап юқори бурчагига қарайсиз ва нигоҳингизни ўнг пастки бурчагига қаратасиз. Буни ҳам 10 марта қайтарасиз.

4. Кўз олдингизга катта айлана шаклидаги обрични келтиринг. Нигоҳингизни айлана бўйича ўнгдан чапга айлантириб чиқинг - 10 марта. Сўнгра чапдан ўнгга айлана бўйича нигоҳингизни айлантириб чиқасиз. Бу ҳам 10 марта. Бош ва тана қимирлатилмайди, фақат кўз айланма ҳаракат қиласиди.

Кўзни юмиб очиш

Кўзни турли йўналишда ҳаракатлантиргандан сўнг юмиб очишга киришилади. Кўзингизни кучингиз етгунича қаттиқ юминг, сўнгра катта

очинг буни 10 марта қайтаринг. Бир неча марта чуқур нафас олинг, кейин бу машқни яна 10 марта қайтаринг. Бундай машқларнинг беш сериясини бажаринг. Машқлар кунига 20-30 дақиқа давомида бажарилади.

Кўзингизни иш билан таъминланг

Кўзингиз иш билан банд бўлгани маъқул. Соғлом кўз, сиз ухлайсизми ёки ухламайсизми, бундан қатъи назар доимо ҳаракатда бўлади. Кўз мушаклари бошқа мушакларга ўхшайди, уни ишлатсангиз, кучаяди.

Яхши кўриш учун яхши озуқа муҳим

Кўриш қобилияти яхши бўлиши истеъмол қилинаётган А витаминига боғлиқ. Бу витамин сабзида кўп. Сабзини қирғичдан ўтказинг, сувини ичинг ўзини енг, парда пиширинг ёки духовкада пишириб истеъмол қилинг.

Дам олиш

Кун ўртасида, тушлик вақтида ўтлардан ёки сабзавотлардан дамланган чойдан 1-2 стакан ичинг. Кўзингизни юмиб, ярим соат ётинг, кўзингизга совуқ сувли компресс қилинг. Дам олиш вақтида у ҳам кўзингиз устида турсин. Ошқозон ичилган чойдан тинчланади ва танангиз дам олади. Кейин учар гиламда тропик орол устидан парвоз қилаётганингизни тасаввур қилинг. Кундалик ғам-ташвишларни эсдан чиқаринг. Сизнинг танангиз, миянгиз, кўзингиз ёқимли дам олаётганини сезади.

Ёшингиз күриш қобилятига таъсир қилмайды

Үрта ёшли инсонлар газетани қўл узунлиги масофасида ўқиётиб айтишадики: "Ёш улғайган сари күриш қобиляти ёмонлаша бошлади". Бу нотўри. Ёшингиз күриш қобилятига таъсир қилмайди. Ёшингиз - ўлчов, лекин куч эмас. Бу ҳётдаги номақбул одатларни беркитиш учун баҳона.

Менинг танишларим орасида 80-90, ҳатто 100 ёшли эркак ва аёллар борки, уларнинг күриш қобиляти ёшларникидан қолишмайди. Улар витамин ва минералларга бой озиқ-овқат истеъмол қилишади, ҳар куни кўз мушакларини машқ қилдиради. Мен, машҳур раққоса Руф Денисни яқиндан таниш баҳтига мұяссар бўлганман. Ўзининг 80 ёшида шундай саҳна кўрсатувини ташкил қилдики, беш мингдан ортиқ томошабинлар қойил қолишиди. Унинг ҳаракатлари 20 ёшли қизларникига ўхшарди. Танаси эгилувчан, қадди-қомати ҳали ҳам жозибасини йўқотмаган эди.

Инсон танаси бебаҳо бўлиб, ўзига доимий фамхўрликни талаб қиласди. "Кекса" сўзини эсингиздан чиқаринг, сиз календарь йиллари билан эмас, биологик йиллар билан яшашингиз керак.



УЙҚУ ТУРЛАРИ

Яхши уйқу

Куннинг ярмидаги уйқу яъни офтоб күтарилиб, то тушгача (пешингача) бўладиган оралиқдаги 2 соатлик уйқу – қайлула. Бу уйқу ақлни зиёда қиласди, тунги уйқунинг ўрнини ҳам босади.

Бидъат уйқу

Тушлиқдаги (пешин вақтидаги) уйқу – бидъат уйқу. Бидъатчининг оқибати ёмондир.

Телбаликка сабаб бўладиган уйқу

Кечки (асрдан кейинги) уйқу девоналилка, жиннилилка, паришонхотирлилка, телбаликка сабаб бўлади.

Уқубутга сабаб бўладиган уйқу

Тунги ибодатсиз (хуфтон ўқилмай) ухланган уйқу. Бу уйқу дунёда ҳам, охиратда ҳам азоб-уқубатга сабаб бўлади.

Одатий уйқу

Одатий уйқу тунги уйқу яъни хуфтонни ўқиб ухлаш.

Надомат уйқу

Тонг отар вақтида ухлаш, яъни уйғонилади-ю, аммо туриб кетмай, яна ухлаб қолиш билан зарталабки ибодат (бомдод) қазо бўлишига сабаб бўлади, шунда туриб надомат қилинади. Булар охиратда ҳам надоматда қоладилар.

Яна илмий мажлисда ухлаш.

Faфлат уйқу

Тонг отганда ухлаб ётиш, яъни субҳда. Муқаддас калималарда келишича, субҳ вақтида З нарса тақсимланади:

1. Барча яхшиликлар.
2. Чиройли хулқ, яхши феъл ва одоб.
3. Ризқу рўз ва файзу баракот.

Ким тонг отганда, яъни субҳда ухлаб ётса, шу учта яхшиликлардан қуруқ қолади.

Камбағалликка сабаб бўладиган уйқу

Камбағалликка, қарздорликка, дарвешликка, девоналикка, барча қийинчиликка сабаб бўладиган уйқу. Яъни, зарталабки ибодатдан (бомдоддан) кейин кун чиққунча ухлаб ётиш.

Fаромат уйқу

Ибодатдан сўнг дуода, санода, саловотда, қироатда кўзи кетиб қолиш – ғаромат уйқудир.

Роҳат уйқу

Бу касал ва гўдакларнинг уйқусидир. Қанча кўп ухласа, шифо, фойда, роҳат олади.

Ибодат уйқу

Бу уйқу олимлар ва ибодат эгаларининг уйқусидир. Ҳар киши кечки ибодатдан (хуфтондан) кейин ювениб, тоза ҳолда (таҳоратда) ухласа, унинг уйқуси роҳатли бўлади.

Каромат уйқу

Каромат уйқу – ярим кечада ибодат қилаётib ухлаб қолиш. Бунда инсон турли кароматларни ёки башоратли тушларни кўриши мумкин.

Инсон органлари қачон фаол бўлади

Қуйидаги маълумотларда қайси орган қай пайтда фаол бўлиши келтирилган. Шу онда бунга мувофиқ, эътибор билан ҳаракат қилинса, нафақат зикр этилган орган касалликларидан холи бўлинади, балки жисмоний ва руҳий саломатлик яхшиланади:

5⁰⁰-7⁰⁰ орасида йўғон ичак фаол бўлади.

7⁰⁰-9⁰⁰ орасида ошқозон фаол бўлади. (Бу пайтда қандай таом ейилса ҳам, яхши ҳазм бўлади.)

9⁰⁰-11⁰⁰ орасида ошқозон ости бези фаол бўлади.

11⁰⁰-13⁰⁰ орасида юрак фаол бўлади.

13⁰⁰-15⁰⁰ орасида ингичка ичак фаол бўлади.

15⁰⁰-17⁰⁰ орасида сийдик қопи фаол бўлади.

17⁰⁰-19⁰⁰ орасида буйрак фаол бўлади.

19⁰⁰-21⁰⁰ орасида перикард – юракнинг халтачаси фаол бўлади. Бу пайтда овқатланиш

умуман тавсия этилмайди, чунки ошқозон деярли «ухлаёттан» бўлади, ҳазм қилиш қийин кечади.

21⁰⁰-23⁰⁰ орасида қон ва ундаги кислород ҳамма аъзоларга тўла етиб боради. Иложи борича бунда ухлаган яхши. Мия фаоллиги айни шу дамда кучаяди. Бутун бошли тун уйқусининг асосий қисми шу вақтга тўғри келади.

23⁰⁰-01⁰⁰ орасида ўт пуфаги фаол бўлади.

01⁰⁰-03⁰⁰ орасида жигар фаол бўлади. Бу пайтда ибодат билан машғул бўлган одамнинг жигар касалити тузалади. Жигар соғ бўлса, юз нурли бўлади.

03⁰⁰-05⁰⁰ орасида ўпка фаол бўлади. Тонг отмай туриб, субҳ нафасидан баҳраманд бўлмоқ керак. Чунки шу пайтда ҳаво алмашади, янгиланади, кислородга бой бўлади.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Асаб кучини тиклаш | 3 |
| Асаб кучининг сирлари | 4 |
| "Асаблар" - нозик ва хатарли ҳолат, америкаликлар ҳаёт-мамотини емирувчи ҳолат | 6 |
| Ҳозирги замонда кучли наркотиклардан фойдаланиш | 8 |
| "Асаб" сўзи қандай маънони англатади | 9 |
| Асаб кучи йигиладиган «идишлар»ни қандай бўштамиз | 10 |
| Ҳолсиз асаб кучининг қўрқинчли (хавотирли) сигналлари | 11 |
| Асаб бузилиши ва емирилишига қарши мўъжизавий дори-дармон йўқ | 13 |
| Табиат талабига биноан яшанг | 14 |
| Софлом, узоқ ва баҳтли ҳаёт кечириш маданияти | 15 |
| Сиз ўзингизнинг асаб кучингизни барпо этишингиз зарур | 16 |
| Хавотирланиш - қотил | 17 |
| Табиий ҳаёт дастури аёл ҳаётини сақлаб қолди | 18 |
| Асабларнинг фаол фаолияти | 20 |
| Қалқоннинг икки томони | 21 |
| Кучли танада - кучли ақл | 22 |
| Хавотирланишга одатланманг | 23 |
| Асаб тизими | 25 |
| Асаб кучининг уч хили | 26 |
| Асаб тизими мувозанати | 27 |
| Асаб емирилиши | 27 |
| Асаб депрессияси | 29 |

| | |
|---|----|
| Аасаб таранглашиши | 30 |
| Жисмоний емирилиш | 31 |
| Модда алмашинувининг бузилиши | 31 |
| Аасабийлашгандан ошқозоннинг овқат ҳазм қила олмаслиги | 33 |
| Қабзият (ич қотиши) | 34 |
| Аасбларингизни озиқлантиринг, уларни зўриқтирманг | 34 |
| Руҳий аасабийлашиш | 36 |
| Бироз қувватсизланиш | 38 |
| Олти асосий қўрқув | 39 |
| Камбағал бўлиб қолини қўрқуви | 41 |
| Касал бўлиб қолиш қўрқуви | 41 |
| Қариш-кексайиш қўрқуви | 42 |
| Одамлар гап-сўзларидан қўрқиши | 44 |
| Севилмай қолиш қўрқуви | 45 |
| Ўлим қўрқуви | 46 |
| Фикрлар дарёси | 48 |
| Қўрқувга қарши | 48 |
| Қўрқувни енгиб ўтиш | 49 |
| Табиат билан уйғунликда кузатиб, мулоҳаза қилиш | 51 |
| Табиат билан уйғунликда кузатиб, мулоҳаза қилишининг оддий техникаси | 52 |
| Нима тўғрисида ўйласангиз, сиз ўшасиз..... | 54 |
| Ғолиблиқ қатъияти | 55 |
| Сизга илҳом зарур | 56 |
| Уйқу - аасаб кучини тиклашдаги иккинчи қадам | 59 |
| Яхши ухлаш омиллари | 59 |
| Қандай тушлар кўрасиз | 61 |
| Ётоқхонадаги китоблар | 62 |
| Кечки "ибодат" | 62 |
| Агар ухлай олмасангиз | 63 |

| | |
|--|----|
| Түшки уйқу | 65 |
| Яхши уйқу | 66 |
| Табиий озиқ-овқат - бақувват асаб кучини барпо қилишда учинчи қадам | 67 |
| Биз нима есак - ўшамиз | 68 |
| В витамини комплекси етишмовчилги | 69 |
| Бу озуқалардан ўзингизни тийинг | 71 |
| "Тирик" нон ёпинг | 72 |
| В витаминига бой озуқа | 74 |
| Вегетариан парҳез учун меню | 75 |
| Аралаш парҳез учун оддий меню | 75 |
| Сизнинг асабларингиз кальцийга мұжтоғ ... | 76 |
| Кальцийга бой озуқалар | 78 |
| Табиий озуқалар асосида парҳез қилиш | 79 |
| Асосий қоидалар | 79 |
| Жисмоний ҳаракатлар - бақувват асаб кучини барпо қилишда тұртингчи қадам | 80 |
| Кучли ҳаяжонланганда ёки ҳиссиётта берилғанда очиқ ҳавода сайр қилинг | 82 |
| Сизге қандай машқларни бажариш мүмкін | 83 |
| Тұғри нафас олиш - бақувват асаб кучини тиклашда бешинчи қадам | 85 |
| Күкрақдан нафас олиш усули | 86 |
| Диафрагмалар ёрдамида нафас олиш | 86 |
| Диафрагма ёрдамида нафас олиш усулининг ютуқлари | 87 |
| Диафрагма ёрдамида нафас олишга ўрганиш | 88 |
| Диафрагма ёрдамида бузилған асабни назорат қилиш | 89 |
| Диафрагма ёрдамида нафас олиш ҳаёт булоғидир | 90 |
| Сувли муолажалар - бақувват асаб кучини | |

| | |
|---|-----|
| барпо қилишда олтинчи қадам | 90 |
| Тана терисига совуқ сув зарурлиги | 91 |
| Бақувват асаб кучини барпо қилишда илиқ сув хам фойдали | 92 |
| Сузиш буюк асаб кучини барпо қиласди | 93 |
| Қүёш ванналарининг фойдаси | 94 |
| Асаб таранглигини юмшатиш | 95 |
| Релаксация - сезги нозиклиги | 96 |
| Кучаниш ва релаксация - ҳаёт пульси | 97 |
| Асаб кучи заҳирасини тўпланг | 98 |
| Жанжаллашишдан ўзингизни олиб қочинг... | 100 |
| Табассум қилинг | 101 |
| Ички табассум | 101 |
| Елкангиздаги юкни олиб ташланг | 102 |
| Ўзингиз билан ўзингиз яшашни ўрганинг.... | 103 |
| Яшаш учун баҳтли имконият | 104 |
| Тилингизни тишларингиз ортида ушлашини ўрганинг | 104 |
| Фикрни ўзгартириш санъати | 105 |
| Ўзингизни ўзингиз қийнаманг | 107 |
| Безовталигингизни ҳавога учиринг | 108 |
| Ҳар доим яхши кайфиятда бўлинг | 110 |
| Менинг сизга маслаҳатим | 110 |
| Мўъжизавий дори йўқ | 111 |
| Асаб кучини барпо қилиш дастурини бажаришни орқага сурманг | 111 |
| Идеалист бўлинг | 114 |
| Соғлом таңда - соғлом ақл | 114 |
| Соғлик учун ўнта асосий кўрсатма | 115 |
| Сочларингиз - соғлигингиз | 115 |
| Сочларни тараш | 118 |
| Бош терисини уқалаш | 119 |
| Бош терисини уқалаш қал бўлишнинг олдини олади | 120 |

| | |
|---|-----|
| Қандай совун танлаш керак | 121 |
| Бошни түгри ювиш | 122 |
| Сочларингизни офтобда қуритиңг | 123 |
| Қазғоқ | 124 |
| Соч түкилиши | 124 |
| Соч оқариши | 126 |
| Үқалаш | 127 |
| Чуқур нафас олиш ва бош уқалаш комбинацияси | 128 |
| Бош терисини қиздириш | 129 |
| Икки марта қизитилган ёғ | 130 |
| Үлік соchlар | 130 |
| Сочлар ва бош терисини парваришаш | 131 |
| Брэгт системаси асосида күриш қобилиятини яхшилаш | 134 |
| Күзга етарли даражада витаминалар зарур.... | 135 |
| Сиз нимани есангиз - сиз ўшасиз, кўзингиз ҳам | 137 |
| Кўриш қобилиятини яхшилаш дастури | 138 |
| Ҳарорат ёрдамида кўзга таъсир ўтказиш | 138 |
| Кўзга қон оқимини кўпайтирувчи нафас олиш усули | 138 |
| Кўз чарчогини олиш | 139 |
| Кўзойнак ва линзалар тақиши ҳақида | 140 |
| Қуёш нуридан сақловчи кўзойнаклар | 140 |
| Пенснесифат кўзойнак тақманг | 141 |
| Кўзни ювиб туриш | 141 |
| Кўзлар нур учун яратилган | 141 |
| Хонани ёритиш ҳақида тавсиялар | 142 |
| Кўзлар дам олиши учун | 142 |
| Қуёшнинг кўзга таъсири | 143 |
| Кўзларни нурлар билан стимуляция қилиш | 143 |
| Телевизор ва кўзлар | 144 |

| | |
|---|-----|
| Күзларни кафт билан беркитиш техникаси | 145 |
| Айиқсимон чайқалиш | 146 |
| Кўзнинг катта мушаклари учун машқ | 147 |
| Кўзни юмиб очиш | 148 |
| Кўзингизни иш билан таъминланг | 148 |
| Яхши кўриш учун яхши озуқа муҳим | 148 |
| Дам олиш | 148 |
| Ёшингиз кўриш қобилиятига таъсир қилмайди | 149 |
| Уйқу турлари | 151 |
| Инсон органлари қачон фаол бўлади | 154 |

АСАБ КУЧИ

Таржимон:

Мирафзал Мирфайзиев

Масъул мұхаррир:

Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА

Мұхаррир:

Адiba Ҳамро қизи

Техник мұхаррир:

Зуҳра Ҳамдамова

Мусаххих:

Алишер Рұзиматов

Фоя муаллифи:

Зулфия Толипова

Теришга берилди: 12.04.2013. Босишга рухсат этилди:
06.06.2013. Бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. BalticaUz
гарнитураси. Босма табоги: 10,25. Адади: 3000. Букортма: 08.
Баҳоси келишилган нархда.

Нашриёт лицензияси: AI № 104 – 15.07.2008 йил.

"MERYUS" хусусий матбаа-нашриёт корхонасида
нашрға тайёрланды.

Манзил: ген. Узоқов күчаси, 2-А уй.

«Shams ASA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бунёдкорлар кўчаси, 28-уй.